

496
1971/4

ГУЛИСТОН

4
1971

ЭН
№ 4







Москва, Кремлдаги Съездлар саройи. Съезд мажлиси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING ШОНЛИ XXIV СЪЕЗДИ — БАРЧА ХАЛҚЛАР ҲАЁТИДА ЖАҲОНШУМУЛ-ТАРИХИЙ ВОҚЕАДИР. Съезд Ленин партиясининг коллектив донолиги ва яқдил иродасини, коммунизм қураётган халқимизнинг ижодий қудрати ва қатъий аҳдини, партиямиз порлоқ идеалларига чексиз садоқатини намоиш этди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан қилинган ҳисобот докладини халқимиз ижодий марксизм-ленинизмнинг жанговар ҳужжати, амалий ишимиз учун илҳомбахш дастур деб мамнуният билан қабул қилди. Докладда халқаро коммунистик ҳаракат ва мамлакатимизнинг ички аҳволи батафсил таҳлил қилинди.

Съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари ҳақида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин докладини ҳам тинглаб, кенг муҳокама қилди. Съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан Директиваларни тасдиқлади. Бу тарихий ҳужжат ҳам партиянинг бутун сиёсати ва иши совет кишиларининг бахт-саодати, ҳаёт фаровонлиги тўғрисида қилинаётган гам-хўрлик билан сугорилгандир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитетининг иши тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладини тинглаб ва муҳокама этиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди қарор қилади:

КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти тўла-тўқис маъқуллансин;

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладидида баён этилган таклифлар ва хулосалар маъқуллансин.

Л. И. БРЕЖНЕВ:

Бизнинг планларимиз реал ҳисобларга, мамлакат эҳтиёжлари, ресурслари ва имкониятларини эътиборга олишга асосланган. Янги беш йиллик юзасидан Директивалар лойиҳасини муҳокама қилиш партия, бутун халқ бу Директиваларни қизғин маъқуллаётганлигини ва қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди. Бу планларни бажариш ҳар биримизнинг меҳнатимизга, бизнинг уюшқоқлигимиз ва интизомимизга, ишни олиб бора билиш маҳоратимиз ва изчиллигимизга боғлиқ. Уртага қўйилган вазифаларни бажариш учун курашга оммани сафарбар этиш, бутун халқни коммунистик қурилишнинг ленинча платформаси асосида янада жипслаштириш — партиянинг, унинг барча ташкилотларининг асосий вазифасидир.

... Бизнинг имкониятларимиз битмас-туганмасдир. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати ҳар қачонгидан ҳам улкандир. Совет фани ва маданияти янги чўққиларга эришди. Халқимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги энгилмасдир. Биз социалистик дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан бир сафда бормоқдамиз. Бизнинг бутун дунёдаги революцион кучлар билан жанговар иттифоқимиз мустаҳкамланмоқда.

Биз нимага интилаётган бўлсак, шуларнинг ҳаммасига эришажамизни, ўз олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаражамизни биламиз. Совет халқининг ижодкор даҳоси, унинг фидокорлиги, унинг Ленин йўлидан оғишмай бораётган Коммунистик партия теварагидаги жипслиги бунинг гарови бўлиб келди, гаровидир ва гарови бўлиб қолади.

... Партия ва бутун совет халқи манфаатларининг бирлиги жамиятимизга энгилмас куч, ҳар қандай қийинчиликларга барҳам бера билиш қобилиятини бағишлайди. Партия билан бутун меҳнаткашларнинг ажралмас бирлиги — бизга олга томон дадил қадам ташлаш, энг мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Бизнинг партиямиз меҳнаткашлар ишончини ғоят эъзозлайди ва қадрлайди. Буюк партиямизни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, унинг халқ билан, омма билан алоқасини мустаҳкамлашни бизга улғу Ленин васият қилган, бинобарин, биз Лениннинг ана шу васиятига содиқ бўлиб қоламиз!

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездидаги ҳисобот докладидан)

Ш. Р. РАШИДОВ:

Ўзбекистон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари орасида КПСС Марказий Комитетининг обрўйи жуда катта ва улар Марказий Комитетни ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлайдилар. Буни бошланғич партия ташкилотларининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район, шаҳар, область партия конференциялари ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII съезди яққол кўрсатди. Съезд республикамиздаги барча коммунистларнинг иродасини ифодалаб, КПССнинг барча жанговар отрядлари каби Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳам улғу Ленин партиясининг юксак идеалларига ҳамиша содиқ эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Коммунистик партияси КПСС Марказий Комитети бош йўлини, унинг сиёсий ва амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси бутун партиямизнинг XXIV анжуманига сафлари маҳкам жипслашган, сон жиҳатдан кўпайган, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан тагин ҳам кўпроқ чиниққан, раҳбарликнинг янги тажрибаси билан бойиган ҳолда келди.

(КПСС XXIV съездида сузлаган нутқидан)



МАНГУЛИККА ПАРВОЗ

Ҳар ишни рақам-ла шарҳламоқ осон:
Гагарин фазода парвоз қилган чоғ
Икки юз баравар юксалган Инсон
Учганди икки юз баравар тезроқ!

«Восток» моторидек гупирган ҳислар
Бошқа таъбир айтар буюк журъатга:
Янги давр одами

Янги йўл керакдир янги уфқ излар,
Янги суръатга!

Янги йўл бўлмагай қоғоздек силлиқ,
Одатда, кўпчилик шиббалар уни.
Бизга яқин қилди икки беш йиллик
Марснинг афсонавий жилғаларини.

Офтоблар гувиллар кўкда беором,
Гагарин овозин бўғолмас аммо:
— Парвоз аввалгидек этмоқда давом!
Ҳамма иш — жойида!
Кайфият — аъло!

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 4 (52) 1971

Апрель

Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали

1925 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти



ГИГАНТ ОЛДИМ

И. РАҲМАТОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети оғир саноат ва машинасоз-
лик бўлими мудир

Утган беш йиллик бутун совет кишилари қатори республикамиз меҳнатқашларига ҳам саноатда, қишлоқ хўжалигида — социалистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида беқиёс зафарлар келтирди. Республикамиз саноатининг деярли барча тармоқлари бўйича планлар ошириб адо этилди. Бекобод металлургиялари, Мурунгов олтин сараловчилари, Олмалик рангли металлургия саноати корхоналари ишчилари, Навоий қимбғалари, Тошкент тракторсозлари сингари минг-минглаб зарбдор ишчилар юксак кўрсаткичларга эришиб, республикамиз саноатининг шухратига шухрат қўшдилар. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўттиз беш процентга кўпайди, етмишдан ортқ корхона, улкан цехлар янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Мурунгов олтин саралаш заводи, Чодак олтин саралаш комплекси, Наманган шойи ва костьомбоп газламалар комбинати, Хева тикувчилиги, Андижон трикотаж фабрикалари, Олмалик рух ва кимб, Самарқанддаги чинни ва лифт заводларининг ишга туширилиши республикамиз саноати қувватига қувват қўшди.

Ўзбекистон саноатининг довури ҳозир бутун дунёга ёйилган, унинг маҳсулотларини 80 дан ортқ мамлакат олмоқда. Булар шунки кўрсатадики, партия ва ҳукуматимизнинг яқиндан кўрсатган ёрдами билан республикамиз саноати ўтган беш йиллик ичда чиндан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон ишчилари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиб йўлда чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Янги беш йилликнинг биринчи йилини республикамиз ишчилари барча совет халқлари қатори янги-янги меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларида республикамиз саноати раванқининг ҳам асосий йўллари белгилаб берилди. Янги беш йиллик совет жамиятининг коммунизм йўлидан, унинг моддий-техника базасини яратиб, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофеа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. Ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиети негизда халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини юксалтириш янги беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Совет халқининг кун сайин ўсиб бораётган турмуш эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида социалистик саноатимизнинг барча тармоқлари яна ҳам ривожлантирилади, халқ истеъмол моллари, хом ашё ва уларни ишлаб чиқарадиган машина, ускуналар тайёрлайдиган саноатнинг салмоғи яна ҳам ортади. Янги беш йилликда электр энергетикаси, машинасозлик, кимб, нефть кимёси ва газ саноатини жадал суръатлар билан юксалтиришга алоҳида эътибор берилган. Бу бежиз эмас. Чунки ҳозирги замон саноати тараққиётини буларки тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон саноатининг тўққизинчи беш йилликдаги истиқболи янада порлоқ. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 46—49 процент кўпайтирилади. Бу планлари тўла-тўқис бажариш учун республикамиз энергетиклари,

машинасозлари, рангли металлургия, газ саноати ишчилари, геологаримиз астойдил иш бошлаб юбордилар. Ойлик, квартал планлари мuddатидан олдин адо этилаётганлиги ҳақида кетма-кет хушxabарлар келиб турибди. Олмалик кон-металлургия комбинати, Тошкент ГРЭСи, трактор заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективлари 1971 йил планларини мuddатидан олдин бажариш ташаббусини бошлаб бердилар.

Энергетикларимиз янги беш йилликда республикамизни чинакам нуруonga айлантириш учун улкан ишларни амалга оширадилар. Чорвоқ ГЭСининг битказилиши, Тошкент ГРЭСининг тўлиқ фойдаланишга топширилиши, Сирдарё ГРЭСи биринчи агрегатларининг ишга туширилиши электр қуввати ҳосил қилишни 55—60 процентга кўпайтириш имконини беради. Республикамизда Урта Осиёда илк бор 500 киловольт электр қуввати ўтказиш линияси — Тошкент — Сирдарё — Андижон линияси барпо этилади.

Тўққизинчи беш йилликда республикамизда газ ишлаб чиқариш 37 миллиард куб метрдан зиёдорқ бўлади. Бу планин ўз мuddатида тўла-тўқис адо этиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ талай ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг охиригача газдан олтингугуртни саралаб олувчи Муборак газ заводи қуриб фойдаланишга топширилади. Бу ерда шу турдаги иккинчи завод қурила бошланди. Бухоро — Тошкент — Фрунзе — Олмаота газопроводларининг узатиш қувватини ошириш ниҳоясига етказилади.

Республика саноат корхоналари ва аҳолининг гага бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш мақсадида 1975 йилга бориб 15,7 миллиард куб метр газ етказиб берилади.

Ўзбекистон кимё саноати жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Янги беш йилликда унинг суръати яна суръат қўшилади. Кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,9 марта кўпайди. Олмалик кимё заводининг иккинчи навбатини ишга тушириш билан корхонанинг қувватини икки баробар ошириш, Самарқандда қурилаётган аммофос заводини битказиш, ишлаб турган мавхуд цехларини реконструкция қилиш — ана шуларнинг ҳаммаси халқ хўжалигимизнинг ривожланишига, коммунистик маъмуриятини яратишга қатъа хисса бўлиб қўшилади. Навоий кимё комбинати, Фаргона суный ипак ишлаб чиқариш заводи қувватларини янада ошириш орқали суный ипак ишлаб чиқариш янги беш йилликнинг охирига бориб ўн марта ошади. Кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги беш йилликда саноат қурилиши янада авж олдирилади.

Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон геологарининг асосий вазифаси — республика минерал хом ашё базасини янада кенгайтиришдан, олтин, мис, қўрғошин, вольфрам, нефть ва газ сингари фойдали қазилмаларнинг янги-янги запасларини аниқлаш ва саноатни хом ашё билан тўла таъминлашдан иборатдир. Партия XXIV съезди Директиваларида олтин саноатини янада ривожлантириш вазифаси қўйилган. Республикамиз геологарини Самарқанд, Бухоро, Тошкент области райоnларида яна ҳам кўпроқ олтин конларини аниқлаш мақсадида қидириш ишларини жадал суръатлар билан давом эттирадилар.

Машинасозлик Ўзбекистон саноатининг энг йирик тармоқларидан биридир. Тошкентда ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари Болгария, Куба, Югославия, Жазоир, Бразилия, Эрон, Мексика каби мамлакатларга кўплаб экспорт қилинмоқда. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, «Таштекстильмаш», компрессор ва трактор заводлари сингари корхоналаримиз маҳсулот ишлаб чиқаришда саноати энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди. Республикамиз машинасозлиги янги беш йилликда яна ҳам раванқ топади, юксак суръатлар билан ривожланиб боради. 1975 йилга бориб 1970 йилдагига нисбатан 56 процент ортқ машина ишлаб чиқарамиз, йиллик ўсиш 9,30 процентга етади. Машинасозларимиз янги беш йилликда пахта териш машинаси, трицепл, экскаватор, скрепер сингари қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Бу йилдан бошлаб машинасозларимиз «ХН-3,6» маркали кенг қаторли янги пахта териш машинаси, «ОВХ-14» маркали чаглашга ҳам мослаштирилган пурақайи машиналарини кўплаб ишлаб чиқара бошладилар.

Тўққизинчи беш йилликда республикамиз оғир саноатининг электр-техника, электрон машиналар саноати, қора ва рангли металлургия сингари соҳалари ҳам кескин ривожлантирилади.

КПСС XXIV съезди СССР халқ хўжалигини тараққий эттиришининг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани Директиваларини тасдиқлади. Область, шаҳар, район партия ташкилотлари, бошланғич партия ташкилотлари давлат планлари ва қабул қилинган мажбуриятларини ортиги билан адо этиш учун корхоналар коллективларини сафарбар қилишлари керак. Ишлаб чиқаришнинг ички имкониятларини излаб топиш ва улардан унумли фойдаланиш, саноатнинг янги техника билан таъминланишини кучайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, таннархини арзонлаштириш — партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Шонли XXIV съезд кўрсатмаларининг тўла-тўқис бажарилиши совет кишиларининг турмушини янада фаровонлаштириди, она-Ватанимизнинг иқтисодий қувватини оширади. Директиваларда қайд этилганидек, меҳнат — бойлик манбаидир! Совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати ва азму қарори энг буюқ вазифаларни ҳал этишга қодир, бунга дочо партияимиз раҳбарлиги гаровдир.

ДИРЕКТИВА

САТРАРИ—

«Колхоз ва совхозларни доимий малакали механизатор-кадрлар, чорвачилик ходимлари, бригадирлар ва бошқа мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат ва маънавий шароитини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилсин. Қишлоқ хўжалигида ишлаш учун агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари, инженерлар, экономистлар ва бошқа ихтисосдаги мутахассислар тайёрлаш яхшилансин.»

«Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари жадаллаштирилсин. Беш йил мобайнида саноатда меҳнат унумдорлигининг 36-40 процент оширилсин ва шу ҳисобдан маҳсулот умумий ўсишининг 87-90 процентига эга бўлиш таъминлансин;

Барча турдаги маҳсулотларнинг техника даражаси, тежамлилиги ва сифати оширилсин. Янги ўзлаштириладиган маҳсулотлар ўзининг сифат ва техника-иқтисодий характеристикалари жиҳатидан жаҳон фани ва техникаси эришган илғор ютуқларга мос келиши лозим.»

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ



Шонли XXIV

съезд делегатлари

ЯНГИ ДОВОНЛАР ОШАМИЗ

Бепойн мамлакатимиз бўйлаб коммунизм меъморларининг ғайрат-шижоати ҳар қачонгидан янги олиб бормоқда. Коммунистик партияимиз меҳнаткашларга узоқ манзилли кўзлайдиган режаларни—кўп йиллик улугвор режаларни тузиб берди. Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва КПССнинг XXIV съезди ҳаётиимизда катта воқеадир.

Янги беш йиллик план рақамларининг мазмунини қақиб кўрсак, фаровон ҳаётиимизда юз берадиган бундан кейинги юксалишларни ёрқин тасаввур қиламиз. Уша рақамлар замирида не-не манзиллар, довлар ошиб ўтишли кўз олдинга келганда қалбимиз фахрланиш ҳисларига тўлиб-тошади.

Мана, ўзимиз ишлаётган корхонани мисолга олайлик. Владимир Ильич Ленин номидаги Бекобод металлургия заводининг ишчилари коммунистик жамият қуриш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар. Урта Осиёда энг йirik металлургия корхонаси ҳисобланган заводимиз Улуг Ватан урушининг қизиган давларида барпо этилди. Унинг биринчи ишчилари ўзимиз бўлдик. Урал металлургияларидан тажриба ўрганиб келгач, 1944 йилдан бошлаб мартен пенида пўлат эрита бошладик. У пайтларда завод биргина қозонга эга эди. Энди эса бир неча улкан қозоннинг ҳар бирини 100 тонна пўлат эритилмоқда. Чорак асрдан

ошибдики, заводимизнинг юраги туну кун бир маромда уриб турибди.

Республикаимизда ҳашаматли биноларнинг қад кўтаришида ҳам, оддий рўзгор ашёларининг ясалишида ҳам ишчиларимизнинг ҳиссалари бор. Чунки корхонаимизда тайёрланаётган маҳсулот халқ хўжалигининг жуда кўп тармоқлари учун зарур.

Касбдошларимиз ўз дастгоҳи, ўз цехи, қолаверса, ўз заводи тўғрисида ўйлайдилар. Улар ихтирочилик таклифларини ўртага ташлайдилар, меҳнат унумини ошириш йўлларини излайдилар.

...Мартен печининг мўриси тор, ҳовурни тортишга қуввати етмас эди. Ана шу ишқал ҳаммамизнинг кўнглимизга ташвиш солиб қўйган эди. Ҳамжихатликда бунинг чорасини толдик. Мўрини ўтган йили кенгайтирдик. Бу эса маҳсулотни кўпайтиришга анча ёрдам берди.

Утган йили менинг сменам квартал ва йиллик планларини ўртача 103-104 процентга етказиб бажарган эди. Бу йилда эса шу кўрсаткичини янада оширамиз. Йилнинг биринчи чораги топшириқларини 105 процентдан ошириб бажардик. Заводимизда қолақ бригада йўқ. Цехлараро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган.

Заводимиз яқин келажикда қайта қурилади. Ҳамма ишлар автоматлаштирилади. Мўрилардан тутун ҳозирғидай бурқисиб

чиқмайди. Металл электр қуввати билан эритилади. Маҳсулотимизнинг миқёси бир неча баробар ошади. Биз озода, шовқинсиз цехларда ишлаймиз. Кўкаламзор шахримиз—Бекободга заводнинг янги биноси кўрк ва салобат бахш этиб туради.

Ушмон Юсупов бундан йигирма тўрт йил бурун заводимизда бўлганида биз ёш ишчиларнинг кифтиимизга қоқиб, «Меҳнат қилсангизлар—роҳатини кўрасизлар», деган эди. Биз учун ўша ўғит жуда сермаъно бўлиб туюлган эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди! Ўзбекистоннинг турли томонларидан келиб, ошиён қурдик. Ували-жували бўлдик, кам-кўстсиз яшапмиз. Касбдошларимизнинг ҳаммалари ҳам меҳнатига яраша мартабага эга. Цехимизнинг икки ишчиси—Ҳафиз Ғаниев ва Асад Эргашев ўртоқлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

КПСС XXIV съезди мамлакатимиз олдида қўйган янги вазифалар, навбэтдаги беш йиллик режалари биз ишчиларни ҳар қачонгидан кўра ҳаяжонга солмоқда, қувонтирмоқда, янги довлар ошишга илҳомлантирмоқда.

Шерали ҲАМРОҚУЛОВ,

КПСС XXIV съезди делегати, Ленин номидаги Бекобод металлургия заводининг пўлат эритувчиси

Шонли XXIV съезд делегатлари




СССР Олий Советининг депутаты, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Партия XXIV съезди делегати Турдихон Сатторова ўн санкиз йилдан буён Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишламоқда. Ал-машлаб экишга қатъий риоя қилинаётганлиги, ҳамма ишлар механизация зиммасига юкланганлиги туфайли бригада ўтган йил 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтарди. Т. Сатторова бригадасининг аъзолари бу йил ундан ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

●

Андижон шаҳридаги 45-мактаб директори, халқ маорифи аълочилиси Саодат Парпиевани область коммунистлари КПСС XXIV съездига делегат қилиб сайладилар. Суратда: меҳрибон муаллима мантиб ўқувчилари даврасида.

С. БЕЗНОСОВ фотолари



ФАРОВОНЛИК РЕЖАЛАРИ

Э. ШАЙХОВ,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ
хўжалиқ министри

КПССнинг XXIV съезди янги беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришни, айниқса қишлоқ хўжалигини, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг юксак суръатларини ва пропорционал тараққий эттиришни таъминлаш вазифасини қўйди. Кўрииб турибдики, партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш даражасини яна ҳам кўтариш учун социалистик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари қаторида, қишлоқ хўжалигини юксак суръатлар билан ривожлантиришни асосий масалалардан бири қилиб қўймоқда. Чунки, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини мўл етиштирмасдан туриб енгил саноат, озиқ-овқат саноати маҳсулотларини кўпайтириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг мўл-кўлиги Ватанимиз фаровонлигини, иқтисодий қувватини яна ҳам оширади.

Ана шу улкан вазифаларни бажаришда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ҳам ҳиссаси каттадир.

Партия XXIV съезди Директиваларида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштиришни янги беш йилликда 20—22 процент кўпайтириш белгиланган. Бу беш йилликда ҳам дон маҳсулотларини яна кўпроқ етиштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Мамлакатимизда йилга ўрта ҳисобда 195 миллион тонна ёки 12 миллиард пудга яқин ғалла етиштирилиши керак. Янги беш йиллик охирига бориб ғалламизнинг ўндан бир қисми асосан сугорилмаган ерлардан олинади, шу муносабат билан Волга бўйи, Украина ва Шимолий Кавказ районларида жуда катта майдонларни сугоритиш тadbирлари амалга оширилади.

Мамлакатда чорва маҳсулотларини яна ҳам кўпроқ етиштириш асосан икки йўл билан амалга оширилади: айрим зона ва республикалар, масалан, Сибирь ва Қозғистон — гўшт, Белоруссия ва Украина гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилади. Айрим хўжаликларни сут, гўшт ёки парранданиликка мослаб ихтисослаштириш бизда аввалроқ бошланган эди — бу янги беш йилликда яна ҳам ривожлантирилади.

Чорвачилиқ индустриyasi ёки, бошқача қилиб айтсак, чорвачилиқ комплекслари барпо этилади. Директиваларда қайд қилинганидек, мамлакатимизнинг бошқа районларида бўл-

гани каби бизнинг республикаимизда ҳам 16—17 минг тонна гўшт олишга мўлжалланган 33 минг қорамоли бўлган йirik чорвачилиқ комплекслари ташкил этилади, янгидан ташкил этиладиган чўқчаңилиқ комплекслари 21 минг тоннагача гўшт бера бошлайди. Шу билан бирга, Директиваларда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, чорва маҳсулотларини кўплаб етиштириш ҳар бир хўжалиқ, ҳар бир районда яхши йўлга қўйилиши, ҳамма хўжаликларда ем-хашак базасини кенгайтириш, молларнинг насадорлигини яхшилаш, туёқ сонининг кўпайтирилишига эришиш керак. Бу тadbирларнинг амалга оширилиши, янги беш йилликда мамлакатимизда йилга 14,3 миллион тонна гўшт етиштириш имконини беради.

Янги беш йилликдаги режаларимиз катта, уларни амалга ошириш йўллари эса Директиваларда очик-ойдин кўрсатиб берилган. Аввало, социалистик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда, ўзини улкан вазифаларни ҳал қилишга сарфарб эта олиши керак. Ўзбекистон меҳнаткашларининг, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиқ ходимларининг энг муҳим вазифалари тўққизинчи беш йилликда пахта етиштиришни яна ҳам кўпайтиришдан иборатдир. Маълумки, мамлакатимизда пахта етиштириш 1975 йилга бориб 7—7,2 миллион тоннага етказилади. Шу жумладан Ўзбекистонимиз 4,9 миллион тонна пахта етказиб бериши керак. Демак, мамлакатимиз пахтачилигида республикаимиз ҳамон асосий база бўлиб қолади.

4 миллион 900 минг тонна — гоят катта ҳосил. Лекин 1970 қишлоқ хўжалиқ йиллида республикаимиз пахтакорлари она-Ватан хирмонларига 4 миллион 668 минг тонна «оқ олтин» тўққанинчи ҳисобга олиш, бу янги марра — реал мўлжалдир. Янги беш йилликнинг биринчи йилида областларнинг пахтакорлари ҳосилдорлиги 1970 йилдаги даражадан туширмасликка сўз берилдир. Демак, тўққизинчи беш йиллик охиригача пахтаимизнинг салмомини 5 миллион тоннадан ошириш учун барча имкониятлар бор.

Хўш, пахта ҳосилдорлигини тинмай ошириб боришни таъминлайдиган имкониятларимиз нималардан иборат? Биринчи омил — маънавий ҳудратимизда. Утган беш йилликда пах-

такорларимиз она-Ватанга мўлжалдагидан 1 миллион 168 минг тонна ошиқ пахта етказиб бердилар. Биз саккизинчи беш йиллик давомида еттинчи беш йилликдагидан 3 миллион 245 минг тонна ортиқ пахта сотдик. Планларни ҳамisha ортиги билан бажариш ўзбек пахтакорининг аънанасига айланиб бормоқда, пахта учун курашда юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиш, фидокорлик, ташаббускорлик, Ватан олдидаги интернационал бурчини ҳис қилиш — мана шуларнинг ҳаммаси пахтачилигимизни ривожлантиришнинг маънавий таянчидир. Иккинчи омил моддий ҳудратимиздир. Директиваларда гўза парвариши аа ҳосилни йигиб-тешиб олишни механизациялаш даражасини ошириш зарурлиги кўрсатилган. Шунга асосан пахтакорларимиз янги беш йилликда 90 мингта ҳайдов трактори, 33 мингта пахта териш машинаси, 24 мингта юк автомобили оладилар. Қишлоқ хўжалигининг кимёвий дорилар, гербицид ва минерал ўғитларга бўлган эhtiжи тўла қондирилади. Қолхозчилар ҳар бир гектар пахта майдонига 250 килограмм азот солиш имкониятига эга бўладилар. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун азот, фосфор, калий билан бир қаторда микроэлементлардан ҳам фойдалана бошлаймиз.

Ниҳоят, учинчи омил агротехникадир. Меҳнат сарфларини камайтириш мақсадида, чигитни кенг қаторларда экиш кескин жорий этилади, алмашлаб экиш қатъий қилиб қўйилади, уруғлик чигит навлари янгиланади. Вилт касаллигига чидамсиз бўлган «108-Ф» сингари навлар вилтга чидамли бўлган «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3», «С-603» сингари янги навлар билан алмаштирилади. Бу навлардаги пахтанинг толаси узун ва ингичка бўлиши билан бирга, ҳосилдорлиги ҳам юқори ва вилтга чидамлидир. Утган йили 160 минг гектар ерга шу янги нав чигитлар экилган эди, 1971 йилда эса катта майдонларда синаб кўрилган янги нав чигитлар экилди.

Янги беш йилликда 465 минг гектар ерга суя чиқарилиб, экин экилади. Қарши чўлида янги пахтакор районлар ташкил этилмоқда. Мирзачўлда сугорилмаган янги ерлар ўзлаштирилади. Амударё этакларида, Сурхон-Шеробод водийсида жуда катта ирригация ишлари амалга оширилади.

Мўл «оқ олтин» етиштиришнинг асосий йўли пахта ҳосилдорлигини оширишдир. Ҳосилдорлик энг юқори бўлган ўтган йилда республикаимизда гектаридан 26,3 центнердан пахта олинди. Хоразм области эса 100 минг гектарлик катта майдондан 39 центнердан ҳосил қолди. Бухоро областининг деҳқонлари бу йил 30 центнердан кам пахта олган биронта ҳам хўжалиқ қолмасин, деган шioriни ўртага ташладилар. Ваҳоланки, бу областлар яқинида ҳам пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан бошқа областлардан анча орқада эди.

Бу областлар ерларнинг мелкоратив ҳолатини яхшилаш, ўғитлардан унумли фойдаланиш, дала ишларини ўз вақтида бажариш, деҳқончилик маданиятини тинмай ошириб бориш тўғрисида илгор областлар даражасига кўтарилди. Биз бошқа областлар пахтакорларининг ҳам улардан намуна олишларини истар эдик.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта-катта вазифалар ҳал қилиниши керак. Шоликорликни кескин ривожлантиришимиз, мева, узум, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва тамаки етиштиришни янада кўпайтиришимиз керак. Республикаимизда кўйчиликни ривожлантириш учун бир ярим миллион гектар яяловни сув билан таъминлашимиз, ўтлоқлардаги қудуқларни реконструкция қилишимиз зарур.

Директиваларда гўшт, сут, туҳмун етиштиришни кўпайтириш учун ферма комплексларини кўплаб барпо этиш масаласи кўйилганлигини юқорида қайд этиб ўтган эдик. Республикаимизда янги беш йиллик давомида ана шундай комплекслардан 22 тасини тузиш кўзда тутилмоқда.

Кўрииб турибдики, тўққизинчи беш йилликда жуда улкан ишларни амалга оширишимиз лозим. Буни ҳисобга олган миришкор пахтакорлар, чорвадорлар, шоликорлар, қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари астойдил ишга киришиб, меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатаётирлар. Янги беш йилликнинг илк баҳори уларнинг зафарли меҳнати билан нишонланмоқда.

Д

оҳиймиз Владимир Ильич Ленинни кўриш баҳтига муяссар бўлган туркистонликлардан бири — Собиржон Юсупов эди.

Архивлардаги сарғайган ҳужжатлар буюроқлик ишчи, чор Россияси даврида кулгиналикда яшаган инқилобчи, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг фаол қатнашчиси, 1917 йилдан партия аъзоси, Ленин партияси ва Совет ҳокимияти учун фидокорлик кўрсатган Собиржон Юсуповнинг сермазун ҳаётидан муҳим лавҳаларини равшан кўрсатиб турибди.

В. И. Ленин 1918 йилнинг 22 апрелида Туркистон ўлкаси Советларининг V съездига юборган телеграммасида ўлканинг Совет асосида автономия бўлишини қўллаб-қувватлади, Туркистон республикаси ваколатли органини тузиш ва бу органга сайланган кишиларни Москвага юборишни илтимос қилди.

V съезд большевик Собиржон Юсуповни Марказий Ижроия Комитетга аъзо қилиб сайлади. Съезд қарориди «Марказий ҳокимият билан муносабатларни аниқлаш учун съезд томонидан беш кишилик комиссияси тузилиб, шу мақсад билан Москвага «жўнатилди», дейилган эди. Съездда Туркистон республикасининг РСФСРдаги фавақулдда мухтор делегацияси составига ҳукумат аъзоси С. Юсупов ҳам сайланди. У Туркистон иқтисоди, маданий ва сиёсий ҳаётига доир маълумотлар тўплашга киришди, Собиржон Юсупов йўлда жуда катта хавфни, қийинчиликларни, душманлар тўсиғини енгиб, жанг майдонлари оша 1918 йилнинг 5 июлида Москвага етиб борди. Мухтор вакиллардан уч киши Астраханда қолди, Москвага С. Юсупов билан бирга В. А. Троицкий борган эди. Улар Кремлга йўл олдилар. Москва нотинч, эсерлар партиясининг ақилинқилобий исёни давом этмоқда эди. Туркистоннинг мухтор вакиллари Бутунроссия Ишчи, Дехқон ва Солдат депутатлари Советининг V съезди ишида қатнашишга таклиф қилинди. Съездда В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг фаолияти ҳақида нутқ сўзлади. Собиржон Юсупов дохиймизни ана шу йўғинда биринчи марта кўрди ва большевиктик фракция резолюцияси учун овоз берди.

Сўл эсерларнинг исёни бостирилган, В. И. Ленин билан Я. М. Свердлов С. Юсупов ва В. А. Троицкийни ўз хузурига таклиф этдилар. Дохиймиз Туркистоннинг экономикаси, сиёсий ва маданий аҳоли билан қизиқди. Собиржон Юсупов бу ҳақда дохийга батафсил маълумот берди. Иккинчи суҳбат 1918 йил 18 июлда ўтказилди, Владимир Ильич РСФСР ва Совет Туркистони ўртасидаги муносабатларни аниқлаб олиш ниятида Туркистон вакилларини чақирган эди. Туркистон вакиллари С. Юсупов ва В. А. Троицкий кўпмиллатли ўлка халқларининг хоҳиши — Туркистони РСФСР составига киритиш эканини билдирдилар. Шу суҳбатдан сўнг Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг комиссияси тузилди. Комиссия бир ҳафта давомда, яъни 24—31 июль кунлари Туркистон халқлари тақдирини учун энг муҳим масалаларни муҳокамадан ўтказди. Туркистон халқларининг РСФСР таркибида федератив асосда яшаш истаги тўла қондирилди, унинг автоном ҳуқуқи, территорияси маъқулланди. РСФСРнинг таркибига ИАССРнинг тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши чет эл ҳарбий интервенцияси ва граждандар урушининг оловли йиллари бениҳоя кескин тус олган ҳарбий-сиёсий вазиятда катта аҳамиятга эга эди. Совет Туркистони Россия пролетариатининг ҳар томонлама ёрдамига, унинг қўллаб-қувватлашига жуда муштоқ эди. Туркистоннинг мухтор вакили сифатида С. Юсуповга РСФСР ҳукумати олий органларида Туркистон учун ёрдам сўраш ҳуқуқи берилди. 15 сентябрда у Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг гувоҳномаларини олди. Улардан бирида «С. Юсупов Туркистон республикаси-

ЛЕНИН ТАЪЛИМИДАН БАҲРАМАНД

нинг мухтор вакили», иккинчисиди эса, «у Туркистон республикасининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳаракатдаги масалаларини муҳокама қилиш ҳуқуқига эгадир», дейилган. Собиржон Юсупов В. И. Ленин қўли билан ёзилган ҳужжатни ҳам олган. Бу ҳужжатга кўра, у дохиймиз хузурига ҳамшира кириш ҳуқуқига эга эди.

В. И. Ленин бутун мамлакат ва унинг узвий қисми Совет Туркистонининг ҳарбий-сиёсий вазиятини серақлик билан кузатиб борган. В. И. Ленин Собиржон Юсупов билан Туркистондаги аҳвол ҳақида тез-тез суҳбатлашар ва ўлкага амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгилаб олар эди. Мана, фикримизнинг далили. В. И. Ленин 1918 йилнинг 21 августиди Олий Ҳарбий Кенгашга куйидаги хатни ёзди:

«Хатни берувчилар — Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг вакиллари: Красноводска қарши (Астрахандан) юриш қилиш учун 100-200 кишилик отряд сўрайдилар.

Уларнинг илтимосини муҳокама қилишингизни ва ҳар тарафлама ёрдам кўрса-

суҳбат ўтказди, Тошкентда содир бўлган воқеани таъкидлаб, мухтор вакилларга радиостанцияда навбатчилик қилишни топширди. В. С. Теодорович навбатчилик қилган пайтда Тошкентдан иккинчи — батафсил радиogramма олинди. Дохий мухтор вакилларнинг теъда ўз хузурига етиб келишини сўради, Тошкентда исёни бостириб, Совет ҳокимиятини сақлаб қолган Тошкент пролетариатининг жасоратига юксак баҳо берди. Дохиймиз номидан С. Юсупов ва В. А. Троицкий ўртоқлар Тошкент пролетариатини ғалаба билан табриклардилар. «Туркистонда Совет ҳокимиятини сотқинлар зарбасидан ҳимоя қилиб, ўзларининг революцион бурчларини оқлаган... ўртоқларни табриклаймиз. Биз амин-мики, ...берилган қўлбон рус ва маҳаллий пролетариатни социализм учун олиб борилаётган курашда янада мустаҳкам жипслаштиради».

В. И. Ленин С. Юсуповни меҳрибонлик билан тез-тез қабул қилар, у эса Владимир Ильич билан учрашгандан бениҳоя мамнун бўлар эди. Ана шу учрашулар, суҳбатлар Собиржон Юсуповни сиёсий жиҳатдан чиниктириб борди.

В. И. Ленин Улуғ Октябрь таъсирида миллий-озодликка интилаётган Шарқ халқлари вакилларини қабул қилиш маросимларида ҳам Собиржон Юсуповни таклиф этар эди. Бу жиҳатдан С. Юсуповнинг Тошкентга юборган куйидаги хабари диққатга сазовордир:

«...Тошкентдан келган профессор Баракатулла билан Ленин хузурида бўлдим, музокара натижасини хабар қилдим... Туркистон аҳоли ҳақида тўлиқ маълумот беринг. Туркистоннинг фавақулдда вакили С. Юсупов».

Шу суҳбатдан кейин Ҳиндистоннинг йирик жамоат арбоби Баракатулла В. И. Лениннинг фаолияти ҳақида фахр билан ёзди: «Россия уфқиди инсониятнинг ёруғ тоғи отди, бу бахтли куннинг ёруғ кўеши Ульянов Лениндир».

1919 йилнинг май ойида Совет ҳукумати Афғонистоннинг мустақиллигини эътироф этди. Қўшни Афғонистон делегацияси Москвага келди. В. И. Ленин Собиржон Юсуповнинг афғон халқи вакилларини қабул қилиш маросимида қатнашиш лозим, деб топди. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Самаранда Шарқий фронтдаги Қизил Армиянинг мусулмон қисмларини тузиш вакили сифатида Чапаев дивизияси комиссари Д. А. Фурмановнинг ўринбосари бўлиб ишләтган С. Юсупов номига телеграмма юборди:

«Самара, Собиржон Юсуповга! Афғон-ҳинд делегациясининг Москвага келиши муносабати билан Сизнинг келишингиз жуда ҳам зарур... Бу масала бўйича ўртоқ Ленин билан шахсан гаплаган эдим, аппарат орқали бунни етказаман».

Собиржон Юсупов дохий Ленин хузурида бўлганини Самарга маълум қилади: «Афғон-ҳинд халқларининг вакиллари билан бирга ўртоқ Ленин хузурида бўлдим... Марказий Ижроком тасдиқига кўра, Москвада қолайим ёки Сизнинг олдингизга, Самарга бораймиз?», Бир неча кун ўтгач, у Тошкентга: «Марказ мени яна Туркистон вакили қилиб тасдиқлади», деб хабар беради. С. Юсупов ўзининг В. И. Ленин ҳақидаги ҳаяжонли таассуротларини 1919 йилнинг ноябрда Тошкентга қайтган, Самарканд ва Ҳўжанда, Бухоро ва Етқусуда ишчи ва дехқонларга сўзлаб берган эди.

1918 йилнинг февралдан буюн КПСС аъзоси Заҳра Юсупованинг айтишига кўра, унинг суҳбат йўлдоши Собиржон Юсупов ҳамшира В. И. Лениннинг қудратли мантика, ташиқлотчилик қобилиятига, Туркистон халқларига нисбатан оталарча ғамхўрлигига қойил қолар ва дохийга бениҳоя содиқ эди.

Хозир Собиржон Юсупов ҳаёт бўлганида тўксон ёшга киради. Афсуски, бевақт ўлим унинг жанговар, шиддаткор, бевором умрининг элгиничи баҳориди сафдошлари орасидан юлиб олди. Ленички большевикнинг порлоқ хотираси халқимиз қалбиди абадийдир.


А. АКРАМОВ,
тарих фанлари номзади




тишингизни сўрайман. Олий Ҳарбий Кенгашнинг фикрини телефон орқали менга маълум қилинг...».

Душманлар Марказ билан Туркистон ўртасидаги темир йўл алоқасини узиб қўйган пайтда Собиржон Юсупов РКП(б) Марказий Комитети қарорларини, Совет давлати декретларини радиogramма орқали Тошкентга гоҳ очик, гоҳ шифр орқали етказиб турди — Москва ва Тошкент ўртасида ягона алоқа воситаси радио эди. Собиржон Юсупов РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг радио эшиттириш бўлимига тез-тез киради, Тошкентдан маълумот қабул қилар, Тошкентга радио орқали хабар бериб турар эди. Бу алоқа оғир давларда ҳам узилмади. 1919 йилнинг январда Тошкентда халққаро империализм паноҳиди оқғвардиячи ва эсерлар контрреволюцион исён қўтардилар. Бу ҳақда Туркистон Компартияси Улка Комитети ва Ҳукумати В. И. Ленин номига уч марта радиogramма юборди. В. И. Ленин биринчи қисқанига хабарини олиши биланок С. Юсупов, В. А. Троицкий ва В. С. Теодоровични хузурига чақириб,

Унутилмас сиймолар



ОЛАМ ТАН БЕРГАН ОЛИМА



Медицина энциклопедиясини varaқлаб ўтириб бир таниш фамилияга кўзим тушиб қолди. Унда ўзбек аёлининг номи атоқли совет ва чет эл олимларининг номлари билан ёнма-ён турарди.

Мен бу олиманинг ишлари билан танишиш истагида Навоий кўчасидаги «Медицина» нашриётига бордим. Нашриётда доктор Назимахон Деҳқонхўжаеванинг «Лямблиоз касалликлари» деган китоби чиқаётган экан. Асар мени жуда қизиқтирди. Олиманинг адресини суриштирдим-да, уйига қидириб бордим. Кўче эшикда мени истараси иссиқ бир киши кутиб олди. Илтифот билан ичкарига таклиф қилди. Бу киши Назимахоннинг турмуш ўртоғи Нишонбой ака Раҳимов экан. Мен журналист эканимни айтдим.

— Аммо у киши ҳозир Америкада-ку? — деди Нишонбой ака.

— Бир саёхат қилай дебдилар-да?

— Саёхат деса ҳам бўлади, иш деса ҳам... — Нишонбой ака шундай дедию жавонда турган катта папкани кўрсатди. — Мана, бу хатлар Америка олимларидан келган. Назимахоннинг бу узоқ сафарига шулар сабаб бўлган.

«Ҳурматли профессор Деҳқонхўжаева», деб бошланарди хатлардан бири. Калифорния медицина институтининг профессори Ллойд Брандберг бу хатда ўзбек олимасининг Москвада чиқадиган «Медицина паразитологияси ва паразитли касалликлар» журналида босилган лямблиоз касаллиги ва уни келтириб чиқарадиган лямбли паразитининг хусусиятлари ҳақидаги мақоласини зўр қизқич билан ўқиб чиққанини, мақола авторининг лямблиоз касаллиги устидаги тадқиқотлари билан жуда

С. БЕЗНОСОВ фотолари

қизиқиб қолганини айтиб, олимадан тадқиқотлари тўғрисида батафсилроқ ёзиб юборишини илтимос қилади.

Бу мактубдан кейин, табиий, узоқ Сан-Франциско билан Тошкент ўртасида ёзишмалар бошланди. Хатлашувлар баъзан илмий мунозара тусига кирди: «Хурматли профессор Дехқонхўжаева! — деб ёзди хатларининг бирида профессор Брандберг. — Сизнинг 1969 йил 5 апрелда юборган мактубингиз учун го-яат миннатдорман... Афсуски, мен Сизга лямблининг қандай қилиб эпителийга (ичакнинг шиллиқ қавати деворига — Ш. С.) кириб олишини айтиб бера олмаيمان. Биз ёруғ микроскоп билан кузатганимизда лямбли, назаримизда, эпителийларнинг орасига жойлашиб олгандек туюлди. Ана шу пайтда ичак деворларида ҳеч қандай реакция бўлмаганлиги бизни ажаблантирди. Мен бундан, ўзимча беморнинг организми шунга мослашган бўлиши мумкин, деб тахмин қилмоқдаман. Биз келгусида бу фразимизни тажрибада текшириб кўришни режалаштириб қўйдик. Аммо ҳали бу ишга қўл урганганимизча йўқ...»

Назимахон Нью-Йоркдаги Альберт Эйнштейн номидаги Медицина коллежиданинг профессори Паркэр Жюлиусдан ҳам мактублар олади, у билан ҳам хатлашиб, баҳслашиб туради.

Уларнинг мактублари одатдаги саломнамалар эмас, албатта. Бу мактубларда бир-биридан жуда олисда яшаётган, лекин табиийнинг муҳим соҳасида бир хил йўналишда иш олиб бораётган олимларнинг фикр-мулоқазалари, илмий баҳслари баён этилади. Шундай қилиб, икки қитъада яшаб ижод қилаётган олимларнинг бир-бирлари билан учрашиши ҳаётий заруратга, фаннинг эҳтиёжига айланиб боради. Шунинг учун Назимахон сафарга отланди.

Табиий, олимани олдинда катта синов кўтарди. У сафарга жиддий тайёрланди. Ишхонасида тунлари алламаҳалга чироқ ўчмасди. Назимахон илмий журналлар ва тўпламларда босилган мақолаларини таржима қилди, қайта кўздан кечирди.

Нишонбой ака суҳбатидан қайтар эканман, ўзбек хотин-қизларининг ҳозирги қамолини, ёрқин истиқболини, илм-фандаги шухратини шу олима тимсолида бутун вужудим билан ҳис қилдим. Бир муюлишда болаларнинг жарангдор овози қулоғимга чалинди. Унг ёнимдаги катта мактаб ҳовлисини тўлдириб қувноқ болалар чопқиллашиб юрибди. Бир гуруҳ кичкинтойлар эса мактаб ҳовлисидан чиқиб келишарди. Сочларига оқ тасмалар тақилган жажжи қизалоқларга ҳавас билан боқаман. Уларга боқаману, эсимга Назимахон тушади. Унинг худди шу дундиқлардек илк бор мактабга қадам қўйган дақиқаларини тасаввур қиламан. Бугун эса океан оша парвоз қилиб, дунёнинг узоқ бурчақларига элимиз шухратини ошириб юрибди. Ким билади дейсиз, йўлда кетаётган шу мурғак қизчалар орасидан эртага балки неча-неча Назимахонлар етишиб чиқарил.

Назимахон сафардан келди дегунча таниш овлига йўл олдим. Одам кўп эди. Ниҳоят оλίма билан суҳбатлашишга муяссар бўлдим.

У сафаридан мамнун эди. Таассуротларини тинглар эканман, мен ҳам у билан баббаравар ҳаяжонланар эдим.

— Нью-Йоркка борган куним эртасига кутилмаган учрашув юз берди. Сафарга жўнашим олдиндан Чет эллар билан маданий алоқа қилиш Ўзбекистон жамаияти томонидан нашр этиладиган «Ойдин» газетасида суратлам ва қисқача таржимаи ҳолим босилган эди. Уни Америка Қўшма Штатларидаги солиқ ватандош ўзбеклар ўқишди. Айтмоқчи, Нью-Йоркда юздан ошқ ўзбек хонадони истиқомат қиларкан. Революция йилларида чет элга қочган, кейинчалик океан ортидан «жаннат» қидирган ватангadolардир. Шулардан уч киши мусофирхонага мени излаб кириб келди.

«Қонли сароб» драмасынинг қаҳрамониман деб, аламли бир ҳазил билан ўзини танитган Султон исмли киши ҳайратда қолганини айтиб, дилидагини баён қилди қолди:

— Наҳотки, Туркистоннинг мусулмон аёлларидан сиздек таниқли зотлар чиқса!!

— Жаноб Султон, сизга бугунги Туркистонга қора кўзойнақисиз қарашни маслаҳат берардим, — дедим мен.

Улар менинг ҳаётимни суриштиришди.

— Бахт-толеимдан чексиз хурсандман, —

дедим. — Оилада беш кишимиз. Эрим ва ўзим фан докторларимиз. Катта қизим консерваторияда, ўртанчим медицина институтида, кенжатайим эса мактабда ўқийди...

Шу гапдан сўнг Султон ва ҳамроҳларининг дамлари ичларига тушиб кетди.

— Бугунги Туркистонни аниқ тасаввур қилолмаймиз. Лекин очинини айтсақ, юрагимизда бир туйғу яшириниб ётибди. Бу — юрт дийдори, ватан хумори. На илож! Ватангадомиз-да... — деди Султоннинг ўнг томонида турган озгин новча киши.

Нью-Йоркдаги Альберт Эйнштейн номидаги Медицина коллежиде профессор Паркэр Жюлиус ва Калифорния медицина институтининг профессори Ллойд Брандберг ҳузурда бир ой бўлдим. Лямблиоз касаллиги устида биргалликда текшириш олиб бордик, янги дориларнинг таъсирини синаб кўрдик. Илгарилари, бу касаллиқни туғдирувчи лямбли паразити тўқима орасига кира олмайд, деб келинарди. Мен эллигинчи йилларда узоқ вақт тажриба ўтказиб, лямбли ичак тўқималари орасига кириб озиқланишини ва ҳар хил ошқозон-ичак касалликлари туғдиришини аниқлаган эдим. Америкалик ҳамкасбларимиз, хусусан, профессор Брандберг бу тажрибани такрорлаб кўрди. Лекин лямблининг тўқималар орасига қайси йўл билан кириши улар учун ҳамон муаммо эди.

Назимахон ўзининг ишлари узоқ мамлакатда қандай баҳоланганини батафсил гапирмади. Аслида эса у ерда олиманинг иши жуда юксак баҳоланиб, унга катта олимлар тан беришган эди.

«Мен гастроэнтерология профессори Назима Дехқонхўжаеванинг оригинал кашфиётини зўр мамнуният билан қайд қиламан, — деб ёзди профессор П. Жюлиус. — У биринчи бўлиб лямблининг тўқима орасига кира олишини аниқлади...»

Профессор Л. Брандберг эса ўзбек олимасининг илмий кашфиётини қуйдагича баҳоллади: «Бутун дунё тадқиқотчилари бу олима олдида бурчлидирлар. Чунки у бизга лямблиоз юкумлияларининг фотофизиологиясини тушунтириб берди. Фанда Дехқонхўжаеванинг номи лямблининг 1681 йилдан биринчи кашфиётчиси Левенгук номи билан баравар туради».

Н. Дехқонхўжаевани назариятчи олима сифатида Америкадагина эмас, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам яхши танийдилар. Олиманинг китоб жағонидеги китобларини varaқаллайлик. Мана, «Лямблиоз. Клиникаси ва даволаш», деган китоб. Бу асар 1968 йилда Польшада нашр қилинган. Автори профессор Бранислав Ботько. Бу илмий асарда ҳам Н. Дехқонхўжаеванинг номи фахр билан тилга олинди, унинг назариясига таяниб иш қўрилганлиги таъкидланади. Жағондаги иккинчи қалнин китоб муқовасига инглиз тилида «Паразитологларнинг II жаҳон конгресси. Вашингтон — 1970 йил. II қисм» деб ёзилган. Бу тўпламда ҳам румин олимлари — Лупаску, Родулеску ва тадқиқотчи Корнард ўзбек олимасининг назарияси асосида иш қўраётганликларини қониқиб билан қайд қилганлар.

Назимахон заҳматкаш аёл. У Улка медицина илмий-текшириш институтининг экспериментал базиси — 17-шифохона диетерация лабораториясининг мудираси, «Билим» жамаияти шаҳар бўлими президиуми аъзоси.

Кейинги брғанимда Назимахонни самарқандлик А. Топшўлатовнинг «Лямблиознинг клиник муаммолари» деган мавзудаги докторлик диссертациясини кўздан кечириб ўтирган пайтида учратдим. Олима диссертациянинг биринчи расмий оппоненти экан. Унинг иш столида шогирдларининг яна бир неча диссертациялари навбат кутарди.

— Иш билан овуниб, иш устида дам олмасиз шекилли!

— Унчалик эмас. Ақлий меҳнат кишилари режа билан ишлаб, режа билан дам олишлари керак. Биз докторлар эса иш режими масаласида қаттиққўл бўлишимиз лозим. Бўш вақтимда бадий китоблар ўқийман...

Олима билан хайрлашиб ташқарига чиққанимда уфқ алвон рангга бўялган эди. Яёв жўнадим. Катта йўлдан чинқириб «Тез ёрдам» машинаси ўтиб кетди. Бейхитёр кўз олдимда қанчадан-қанча беморлар жонига ора кираётган Назимахон каби шифокорларимиз намоён бўлди.

Шоҳурод СИДДИҚОВ



Гулсара Курбонова — Қорақўл районидеги «Октябрь» колхозининг илгор механизатори.

А. УСМОНОВ фотоси

Усимликларни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг ходими, биология фанлари кандидати Абдурахим Ҳанимов вильт замбуруғларни биологик усулда йўқотиш йўллари ни ўрганмоқда.

И. ГЛАУБЕРЖОН ва А. СИРОТКИН фотоси



ҚУДРАТЛИ

ҚУРОЛ

КПСС XXIV съезди делегати, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениясининг раиси Комил ЯШИН билан суҳбат

— Ҳурматли Комил Нуъмонович, Ўзбекистон ёзувчиларининг V съезидан буён ўтган давр ичида адабиётимиз салмоқли ижодий ютуқларга эришди. Бу республикамиз Коммунистик партиясининг XVIII съезида ҳам таъкидлаб ўтилди. Адабиётимизнинг мана шу давр ичдаги тараққиётида асосий белгилар, Сизнингча, нималардан иборат?

— Аввало айтиш керакики, бу давр халқимизнинг КПСС тарихий XXIII съезди кўрсатмаларини амалга ошириш учун қаҳрамонона кураш йиллари эди. Бу йилларда бутун совет халқи билан бирга республикамиз меҳнаткашлари ҳам сиёсий-ҳўжалик ва маданий курилишда, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда мислсиз ютуқларга эришдилар. Адабиётимизнинг янги юксак босқичга кўтарилшида мана шу ютуқлар, халқимизнинг мана шу кураши замин бўлди. Коммунистик партия раҳбарлигида адабиётимизнинг ҳаёт тараққиётига таъсир кучи, рағбатлантирувчи кучи яна ҳам ошди.

Маълумки, халқ билан қадам-қадам, ҳамжиҳат, ҳамнафас яшаш совет адабиётининг шонли традицияси ва талабчан шоирнинг. Мана шунинг учун, бу давр мобайнида ҳам халқ ҳаётида бўлиб ўтган энг муҳим тарихий воқеалар: саккизинчи беш йилликнинг шараф билан бажарилиши, Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги адабиётимизда чуқур эс қолдириди. Бу буюк воқеалар одамларимизнинг юксак коммунистик фазилатларини яна ҳам ёрқин намоён этдики, ижод аҳли буни сезмаслиги, жўшқин илҳом билан ақс эттирмаслиги мумкин эмас эди. Биз бу катта тарихий даврдаги ишимизда партияимизнинг мана шу кўрсатмасини доимо диққат марказида тутдик. «Партия ижодкор ходимлардан, — деб таъкидланган эди КПСС XXIII съезида, — ҳаётни чуқур ва ҳаққоний ақс эттириши билан, ғоявий пафос кучи билан, юксак бадний маҳорати билан ўзига мафтун қиладиган, коммунизм курувчисининг маънавий ҳиёфасини шакллантиришга актив ёрдам берадиган, совет кишиларини юксак маънавий хислатлар руҳида, коммунистик идеалларга садоқат, граждандликни ҳис этиш, совет ватанпарварлиги ва

социалистик интернационализм руҳида тарбиялайдиган янги салмоқдор асарларни кутади».

Ўзбекистон ёзувчиларининг бу даврда яратган йирик асарларида халқ ҳаёти, халқ кураши, меҳнат манзаралари, замондошларимизнинг ҳаққоний образлари, кучли характерлар, актив бадний таҳлил маҳорати бор. Ёзувчиларимизнинг ғоявий курашлардаги, халқро тинчлик ва дўстлик учун курашдаги активлиги ортди. Адабиётимиздаги юксалишнинг муҳим белгиларидан бири шўки, энг талантли ёзувчиларимиз ижодида социалистик реализмнинг партиявийлик, халқчиллик, ғоявийлик ва юксак баднийлик принциплари яна чуқурлашди. Мен «Гулистон»нинг ўтган сонларида бирда бундай адибларимизни тилга олиб ўтган эдим.

— У мақолангизда поэзия ҳақида камроқ тўхтаган эдингиз шеклиди.

— Чиндан ҳам поэзияимизнинг ўсиш йўли алоҳида диққатга сазовор. Биз икки съездимиз орасида поэтик лениномаамизнинг анча ёрқин саҳифаларини яратдик. Илҳомбахш Ленин темаси янги журыятли ижодий интилишларга йўл очди. Шоирларимиз бу темани нуқосиб равишда кенг тушуниб, уни халқ тақдири, халқ тарихининг ҳаётий асослари билан боғладилар, республиканинг шонли йўли, бугуни ва келажаги Ленин ғоялари билан нурафшон эканлигини ақс эттиришга интилдилар.

Отаҳон шоиримиз Ғафур Ғулумга Ленин мукофоти берилиши, Зулфиянинг Неру номидаги ва «Нилуфар» халқро мукофотлари, Уйғуннинг Ҳамза мукофотига сазовор бўлиши ҳам поэзиямиз салмони кўрсатиб турибди.

— Ҳозир халқимиз ҳаётида шонли XXIV съезд белгилаб берган янги тарихий давр бошланмоқда. Бу давр ёзувчилар олдига ҳам янги муҳим вазифалар қўяди.

— Ҳада тўғри. Ҳозир айни янги ижодий вазифалар ҳақида астойдил ўйлаш вақтидир. Чунки халқимизнинг тўққизинчи беш йиллиги — бизнинг ҳам ижодий беш йиллигимиз. Бу асосда янги вазифаларни конкретлаштириш жараёнида биз кечаги кундаги нуқсонларимизни ҳам ҳисобга олишимиз зарур.

— У нуқсонлар кўпроқ қандай характерда?

— Улар асосан маҳорат масалаларига боғлиқ. Биз кўп миллатли совет адабиётининг бениҳоя бой тажрибаларидан амалий ўрганишни бўшаштирмаслигимиз керак. Сўнгра, турмушни, одамлар ҳаётини, замондошлар характерини ўрганишда гоҳо юзаклик сезилади. Кўпгина асарларда замондошларимиз образларининг ижтимоий салмоғи, граждандлик руҳи кучсиз, одамлар ҳаётдаги нуамомлар уларнинг коллективдаги, ишлаб чиқаришдаги ижтимоий манфаатлари билан боғланмайдди. Ваҳолонки, ҳозирги кишиларимизнинг маънавий ҳаётини жамият манфаатларисиз тасаввур этиш қийин.

ЎзКП Марказий Комитетининг XVIII съезда ҳисобот докладыда ўртоқ Ш. Р. Рашидов адабиётимизнинг камчиликларини ихчам ва тикич фодолаб берди: «...воқелигимиз тўғрисидаги ёрқин, талантли асарлар хали ҳам кам яратилмоқда, уларнинг кўпларида ҳозирги замонни, совет кишисининг маънавий дунёсини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан чуқур идрок қилиш етишмайди. Характерларни яратишдаги қопилчилик, бачканалик ҳатто санъаткорнинг умуман мароқли кузатуларини китобхонга ва томошабинга етказишга ҳалақит беради».

Темаларнинг майдалашувиға, тўссиз, «хонаки» қаҳрамонларнинг, ўрта миёна асарларнинг кўпайиб кетишиға барҳам беришимиз керак. Янги беш йилликда республикамиз олдиға қўйилган катта ва конкрет вазифалар, жўшқин кураш ва меҳнат ёрқин қаҳрамонларни юзаға келтиради. Биринчи гада, беш миллион тоина учун курашувчи пахтакор образини, мураккаб техникани бошқарувчи ҳозирги замон ишчисининг ҳаққоний образини, кучли характерлар ва қайноқ ҳаётнинг ёрқин манзараларини яратиш — бизнинг энг масъулиятли вазифаларимиз мана шулар. Давримизнинг буюк воқеалари адабиётдан руҳан қудратли, фаолият жиҳатидан кенг миқёсли, ғоявий эътиқодли ҳаққоний қаҳрамонларни талаб қилади. Шу билан бирга, ёзувчиларнинг ижодий активлиги, бадний-публицистик жанрларни кучайтириш, беш йиллик объектларини доим диққат марказида туттиш ҳам ижодий соҳияимизнинг муҳим вазифасидир.

— Адабий танқидчилигимизға қандай тилакларингиз бор?

— Адабий танқидчилигимиз ҳозир анча активлашди. Эндиликда у ҳали тилға олиб ўтганимиз нуқсонларни таҳлил этиш, янги вазифаларни конкретлаштириш, ёзувчиларнинг маҳоратини оширишда яхшироқ ёрдам бериши керак. Ҳозирча танқидчилигимизда гоҳо, бир томондан, жонли адабий жараёндан узилган академизм унсурлари, иккинчи томондан, профессионал жиҳатдан примитивий иллатлари сезилиб туради. Биз адабий танқидға бўлган талабларимизни сўсайтирмаслигимиз керак.

Адабиёт — қудратли қурол. Партия ва халқимиз бу қуролини бизға топириб қўйибди, бизнинг бу қуролини қадрлаб, ундан шараф билан фойдаланишимизға, халқ олдидаги масъулиятимизни ленинча ҳис қилиб, қалбимиздаги оловни сўндирмай, улуғ мақсадимиз йўлида ижод қилишимизға партияимиз ва халқимиз астойдил ишонди. Бу ишончини, бу масъулиятни Ўзбекистон адабиётчилари совет ёзувчиларининг бу йил ёзда бўладиган Бутун Иттифоқ съезди олдидан яна ҳам чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Бутун Иттифоқ съездимиз КПСС XXIV съезди кўрсатмаларини бажаришимиз амалий режаларини аниқлаб оламак. Биз уни катта тайёргарлик билан қутмоқдамиз.

Буюк чароғбонга

Чироқ ёқдинг қалб уйига,
Равшан бўлди ўнгу сўлим,
Мадор бўлди қалб кўрига,
Англаб олдим борар йўлим.

Шуурингдан кўрдим бугун
Нур кўйида жаҳонни.
Барбод бўлди асрий тугун,
Кутлай буюк замонни.

Чироқ ёқдинг, юрагимда —
Мангу қолди ҳарорат.
Гунча очди тилагимда
Сенга улуг муҳаббат.

Ҳаёт нашъаси

Яшашнинг қимматин, қадрин билганлар
Утмагин, дейдилар, ғам-армон билан,
Соядек беқарор умрнинг йўли,
Дерлар, гашт суриб қол дўсти жон билан.

Йўқ! Қайта келасан балки дунёга,
Халқингга яраша иш қилсанг агар.
Эллардан элларга халқ билан доим
Тоабад яшарсан йиллар, асрлар.

Ҳаёт чаманига қайта келгандай,
Ижодим мен билан яшар умрбод
Едидан чиқармас чеккан заҳматим,
Ҳамнафас бўлажак келажак авлод.



ҒАЙРАТИЙ

Севги ва ҳижрон

Севги билан шиддатли ҳижрон,
Бъзан қўймас ўз аҳволимга.
Утмасин, дер, ёрсиз ширин он,
Ҳамдамлашасак ғам-малолимга.
Ҳижрон дейди: сеvgи деб ўзинг
Ташламагил изтироб, ўтга,
Ёр йўлида мунтазир кўзинг,
Яна гап-сўз бўлмагин юртга.
Севги шунда тутар қўлимни:
Ҳижрон-ғамдан асло кўрма, дер;
Бахта томон бошлаб кўлимни,
Дейди: кўрқма, ёрга кўнгиб бер.
Ҳижрон дейди: узундир шомим,
Тунларинг ҳам ўтади бедор,
Ғамга тўлиқ мен тутган жомим,
Йўқотасан сабр ила қарор.
Севги дейди: мен сенга қанот,
Чаманларни сайр эт, қил парвоз,
Бўлурми ҳеч сеvgисиз ҳаёт,
Қўлдан қўйма асло қувноқ соз.
Бу йўл эмас сен учун осон,
Уйламадинг ва кирдинг недан!
Қийналма, деб ачинар ҳижрон,
Қутқармоқчи бўлар сеvgидан.
Ҳижрон менга қайрилиб аста,
Қайтармоқчи бўлар аҳдидан,
Севги менга тутар гулдаста,
Дарак берар кулган бахтимдан.
Иккисига кўнмасам агар,
Насиб бўлмас менга саодат.
Иккисининг жанги муқаррар,
Ҳижронсиз ҳеч бўлмас муҳаббат.

ТАҚДИРИМНИ ЯРАТДИМ ЎЗИМ

Онамга

Узоқ тунлар оғир малолни
Торта-торта ўтдинг дунёдан.
Кўрмай ўжар ўғлинг камолни,
Маҳрум бўлдинг завқу сафодан.

Не аламлар бағрингни эзди,
Кўзинг юмдинг гўдак чоғимда.
Жон бахш этиб, меҳринг тиргизди
Табассуминг соф ёноғимда.

Мушфик она, шоир бўлишим
Хавлинга келмаган асло.
Севги дарди бўлди улушим,
Билчай қолдим ўзим беларво.

Гўзалликнинг мафтунни бўлдим,
Қандай қилай, шудир қисматим.
Илк сеvgининг мажнунни бўлдим,
Достон бўлди пок муҳаббатим.

Чаманларни мадҳ этса булбул,
Беихтиёр бўлдим жўровоз,
Ҳажр ўтига ўртаниб бу дил,
Васп йўлида чертди жўшқин соз.

Кўзларимнинг тўкиб сиёҳин,
Ёзганимда оташин ғазал,
Онам бўлса, юрагим оҳин
Тинглаб, ёниб-куярди ҳар гал.

Ёрим меҳри, вафо — таронам,
Масканимдир хазонсиз гулшан,
Кўёш менинг мангу ҳамхонам,
Она тупроқ азалий Ватан.

Шеър деб теран чеккан заҳматим
Билмай кетдинг афсус, онажон,
Халққа бўлган ишқ-муҳаббатим
Завқи билан куйладим достон.

Билмай кетдинг, мутлақ беҳабар,
Аммо билур халқим ва элим,
Утар экан йиллар, асрлар,
Халқ меҳрига пайванддир кўнглим.

Янги шеърлар

Муҳаббат

Кўёш қилиб бошимга қўйсам,
Найлай, бунга тополмай имкон.
Ҳароратинг, сеvgинга тўйсам,
Тоқай қалбда бу ширин армон!

Сочларингнинг жонбахш атрини
Сочсам дейман елга, уфққа,
Очсам дейман кўнгиб баҳрини,
Ўзни уриб оташга, чўққа.

Сени дея, таъна, маломат
Юкин олдим дадил елкага.
Қани раҳминг, тоза муҳаббат,
Ҳажр уйида қолган яқнага!

Юрагимни куйга солайин,
Мақтаб ўтай сени гулбадан,
Кипригим-ла тортиб олайин,
Оёғинга қадалса тикан.

Сўрасалар, бу эъзоз нечун,
Ёр сеvgиси, ҳурмат учун!

Мағрурлик ҳақида

Кеккайиш ва мағрурлик бир кун
Оғир савдо солур бошинга.
Халқ ҳурмати, назардан қолиб,
Ҳеч ким келмай кўяр қошинга.
Бўйра бўлди оёқ остида
Бўйин чўзиб кеккайган қамиш,
Пастак бўлган райхон-жамбилни
Ҳамма севиб, қилур парвариш.

Гулшан ичра гул топдим хорсиз,
Бахтиёрман — ўтмадим мен ёрсиз.

Ҳажрдан бегонадир кўнглим менинг,
Завққа тўлди сеvgидан озорсиз.

Ёр ҳамиша қилди аҳдига вафо,
Шу сабабдан бу юрак ғуборсиз.

Икки дил достонидан ишқ бахраманд,
Сухбат ўтди доимо ағёрсиз.

Ишқ куйин қапб торига жўр айпадим,
Кетмадим на ёрсиз, на торсиз.

Оруз-армон йўлида топдим амал,
Ўтмади умрим менинг гулзорсиз.

Тақдир

Тақдиримни яратдим ўзим,
Шудир менинг инсоний бурчим,
Йўлим ойдин, порлоқ кундузим.
Ишим бўлди нурга интилиш.
Келажаки кўриш, яратиш —
Заҳматига сарфланди кучим.
Бахтиёрлик тақдирим шудир,
Кўёш ёзди олтин сатрга:
«Ғайратийнинг гўзал турмуши,
Достон бўлур узоқ асрга!»



ИСТАГИМИЗ

Мен яқинда Ўзбекистон районининг баъзи бир ҳўжаликларида бўлиб, омма ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораётган пропагандастлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар иши билан қўшдан танишиш имкониятига эга бўлдим. Колхоз клублари, мактаблар, қишлоқ советлари кутубхоналарида ташкил этилган сиёсий ўқиш, партия ўқуви, иқтисодий билимларни ўрганиш тўғрақлари, агротехника билимлари семинарлари машғулотларида бир неча бор иштирок этдим. Бу машғулотларни ишдан бўш вақтларида педагоглар, инженерлар, арчалар, раҳбар ходимлар олиб боришмоқда. Марксизм-ленинизм асосларини ҳозирги замон шароитига боғлаб тушунтириш, иқтисодий билимларни мазҳуд ҳўжаликларнинг иқтисодий аҳволи билан қиёслаб ўрганиш, турмуш маданияти нималардан иборат эканлигини кенг таҳлил қилиш, партиямиз съезд ва пленумлари материалларини чуқур ва атрофлича тушунтириш — машғулотларда диққат-этибор ана шуларга қаратилган. Пропагандаст партиямиз омма ўртасидаги тарғиботчиси, идеология ишининг чинакам жонқуяри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам партиямиз уларнинг ишларини ҳамisha юксак кадрлар келмоқда.

Сўнги пайтда пропагандастларимизнинг сони ўсди, савияси ошди. Аҳоли ўртасида иш олиб бораёт-

ган 29 минг пропагандастдан 26 минг олий маълумотлидир. Ҳозир республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳўжалик ва корхоналарда, олий ўқув юртлири ва мактабларда 42 минг сиёсий ахборотчи, 135 минг агитатор, 69 мингдан ортиқ сиёсий ташкилотчилар партия ва ҳўкуматимизнинг сиёсий иш оммага тушунтириш ишлари билан машғул. Булар орасида ўз ишининг чинакам усталари, профессорлари бор. Тошкент халқ ҳўжалик институтининг доценти Меҳмонли Аҳмедов, Тошкентдаги 84-мактабнинг директори Фахриддин Муҳиддинов, Ўзбекистон районидидаги мактаб директори Тўхтасин Тиллабоев, ўқитувчи Мурод Тўйчиевнинг кенг оммага мўлжалланган лекция ёки сўхбатларида иштирок қилсангиз, диққат-этиборингизни ўзларига тортиб оладилар, сизни бамосило сўхбатлар қўядилар. Билимингизга билим, тушунчангизга тушуна қўшилади.

Ана шундай моҳир лекторларга, халқ ўртасида обрў қозонган тарғиботчиларга, сиёсий билим тарқатувчиларга ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби «Республикада хизмат қўсатган тарғиботчи» унвони ёки «Сиёсий ташвиқат аълочили» ишончи тасдиқ этилишини истар эдим.

Фозилжон ИСМОИЛОВ.

Ниёзмий номидидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси

КЕЛИНГ, ҚўШИҚ АЙТАЙЛИК

Теплоходдаги сайёҳлар ҳар хил миллат кишилари эди. Оқшомлари кўкиш океан тўлқинларига қараб, ҳисларинг қайнаб-тошади. Одамлар палубага тўпланади, турли тилларда қўшиқлар янграйди.

Бир сафар шундай қўшиқ айтиш бошланиб кетди. Олдин украинлар қадимги мунгли дашт қўшиқларидан айтишди. Кейин эстониялик сайёҳлар... О, булар кўплашиб айтиладиган қўшиқча шундай уста бўлишдики, гўё ҳар бирининг қасб-қори қўшиқчи бўлса керак, дейсиз. Ҳақиқий хор тинглагандай бўласиз! Сўнгра саратовликлар шўх Волга куйларини бошлашди, кейин арман ҳамроҳларимиз улаб кетишди.

— Энди навбат ўзбекларга! Ўзбеклар айтишини—деган таклифлар бўлди.

Биз тошкентликлар ҳам теплоходда ўнча эдик. Бир-биримизга қарадик. Нимани айтамыз? Қатордан қолсақ бўлмайди. Бу ўзига хос мусобақа эди. «Наманганнинг олмасиними? Ёки «Тоҳир ва Зухра»дан олсамикан? Алоҳида-алоҳида олганда ҳар биримизнинг туппа-тузук овозимиз бор, анча ашулаларни ҳам биламиз, лекин шу тонда ювушиб бирорта ҳам ашула айтиб беролмадик, қовушмадик...

«Бизда кўпчилик бўлиб ашула айтиш анъанаси йўқ», дейишди дўстларим хижолатдан қутулиш учун. Ахир бундай ажойиб анъана барча қардошларимиз-

да бор-ку? Янги одат ва анъаналар қардош халқларнинг энг гўзал одат ва анъаналари умумлашувидан келиб чиқмайдими?

Биз улфатчилиқда, дастурхон устиде, сафар ва сайрада, машина, кипе ва қаяотларда кўплашиб ашула айтишни расм қилишимиз керак. Бу бизнинг қўлимиздан келади. Бунинг учун аввало оммавий ашулалар яратилиши керак. Композиторлар ва Ёзувчилар союзларининг қўшиқ секциялари бу масалани алоҳида муҳокама қилиб, хилма-хил оммавий ашулалар яратишга бел боғласалар яхши бўлар эди. Бизда ашула кўп: эстрада ашулалари, маросим қўшиқлари, опера ва музикали драмалардан ариялар, халқ қўшиқлари, лапарлар, хор учун ёзилган гражданик қўшиқлари, романс ва лирик куйлар — ҳаммаси бор. Аммо, юқорида айтганимиздай, кўплашиб айтиладиган хилма-хил қўшиқларимиз, афсуски, йўқ. Утиришларда ёки автобусда кўплашиб «Ироқини ёки «Шифокорларни айтиб бўлмайди, бунинг учун махсус яратилган ашулалар керак.

Бундай янги қўшиқларни матбуотда, радиода, касомол-ёшлар ташкилотларида, ёки бошқа йўллари билан тарғиб қилиш ниҳоятда зарур.

Шу мулоҳазаларимизга қўшиқчи шоир ва композиторлар нима дер эканлар?

А. МУХТОРОВ

ШАҲРИМИЗ КўРКИ

Халқ ҳўжалиги режаларини амалга оширишда кўр-газмели ташвиқотнинг аҳамияти каттадир. Айниқса XXIV съезд қарорларини, янги беш йиллик вазифаларини тарғиб қилиш авж олган ҳозирги пайтда кўр-газмели ташвиқотнинг роли янада ошди.

Тошкент ўтган беш йилликда деярли қайта қурилди. Кенг кўчалар, кўп қаватли баланд бинолар, ажойиб хибонлар замонавий шаҳримизнинг ҳуснига-ҳусн қўшди. Бу ўзгаришлар шаҳримизни бадий-сиёсий жиҳатдан безаш ишларига жиддий қарашни тақозо этмоқда. Менинча, мато ва фанер-тахталарга шорлар ёзиб вақтинча қўйиб қўйиш ўрнига салобатли паннолар ўрнатиш лозим. Бундай монументал паннолар кўзга кўринарли, маъмунига мос майдон ва хибонлар, йўл бўйларига мустаҳкам ўрнатилиши лозим. Фақат зарурат турилгандагина шорларни алмаштириш керак.

Шаҳарни безашни ҳозиргача ҳар бир район ўзича ҳал қилиб келмоқда. Шунинг оқибатида палпартишдик, бирёқламаликка йўл қўйилмоқда. Бу ишларга сарф-харajat кўп бўлмоқда. Масалан, биргина Куйбишев районининг ўзида кейинги уч йил ичиде кўча, чорраҳаларни безашга 30 минг сўм сарфланди. Бундай омонат стечдларнинг аксарияти сал ўтмай, одатдаги шамолда йиқилади, ёгин-сочин-

да ивибди, офтобда ўнгийди — кўримсиз бўлиб қолади. Шаҳримизни безаш қачонгача шу зайилда давом этади? Бунга чек қўйиш пайти етмадимикан?


Менинча, улкан шаҳримизнинг кўрки тўғрисида ўйлайдиган алоҳида марказлашган кенгаш ташкил этилиши керак. Бу Бадий-сиёсий кенгаш шаҳар совети қўшида тузилиб, унга район ижроия комитетларининг ободонлаштириш билан шуғулланувчи масъул ходимлари, энг яхши безовчи-рассомлар киряди. Ана шу кенгаш томонидан перспектив иш режаси тузилиб, унда шоир, реклама, бадий лавҳалар ўрнатиладиган қатта-кичик жойлар олдиндан белгилаб олинади. Йирик панно ва лавҳалар қайси вақтда ўрнатилиши аниқ кўрсатилади.

Шаҳар ободончилиқ бўлимининг Бадий-сиёсий кенгаши қилган кипе, режалари тўғрисида шаҳар партия комитетига вақти-вақти билан ҳисобот бериб туради.

Шаҳримизни бадий-сиёсий жиҳатдан безаш, ободонлаштириш борасида Москва, Ленинград, Киев, Минск каби шаҳарлардан намуна олишимиз керак.

Н. ПИСКОРСКАЯ,

Куйбишев район партия комитетининг секретари





СЪЕЗДАГА СОВҒА

Саккизинчи беш йилдининг гигантларидан бири — Олмалиқ рух заводининг коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга киришди. Заводда кўзда тутилганидан зиёд маҳсулот тайёрлаш билан бирга унинг сифати ҳам тубдан яхшиламоқда. Суратларда: 1. Олтин-

гугурт кислотаси цехи ва ишқор ювиш цехи. 2. Электрлит цехида. 3. Техника назорати бўлими ходимлари А. Копалова ва Р. Қодирқулова маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

А. ВАНШТЕЙН фотолари





Шиддатли зилзила пойтахтимиз оромини бузган апрель тонгидан бўён беш йил ўтди. Бу давр ичида дўстлик шаҳри Тошкентда қардошларимиз ёрдамида салкам эллик миллион квадрат метр турар жой, етмиш етти та

мантаб, сансонтача болалар боғчаси, ўтгиздан ортиқ нутубхона, қирта янги кинотеатр қуриб, ишга туширилди. Суратда: В. И. Ленин номидаги майдонда Ҳукумат уйи биноси.

А. ГОРОКРИН фотоси (ЎЗТАҒ)

Калин ўрмонда қуюқ зулмат ва даҳшатли ботқоқликка дуч келиб, гангиб қолган халқ орасидан довурак Данко отилиб чиқади. У кўксини ёриб, юрагини суғуради-да, оломон боши узра машал қилиб кўтаради. Зимистон чекинади. Халқ қаҳрамон кетидан эргашади. Данкoning фидокорлиги халққа нажот ва ёруелик йўлини очади.

Данко, Бўрон қуши, Лочин ва бошқа қурашчи қаҳрамонлар сиймосида Максим Горький меҳнаткаш инсониятни асрий қулликдан халос қила оладиган куч қақидаги, одил йўл-бошчи қақидаги идеалини романтик бўёқларда ифодалаган эди. Кўп ўтмай, улугъ ғазуви ўзининг юксак идеали В. И. Ленин сиймосида реал қақиқатга айланганини кўрди.

Турли шароитларда В. И. Ленин билан бирга бўлган, унинг ажойиб фазилатларини қалбдан чуқур ҳис этган Горькийни бу улугъ инсон даҳоси ҳамisha ҳаяжонлантириб келар эди. Ленин вафоти адибга жуда оғир таъсир этди. «Ильичнинг орамиздан кетиши, — деб ёзган эди у, — юз йил мобайнидаги энг катта бахтсизликдир».

«В. И. Ленин» очерки бадий очеркнинг классик намунасидир. Унда адибнинг улугъ инсонга улкан муҳаббати ёрқин намоён бўлди. Горький Ленин портретини очеркда яқлит воқеа жараёнида эмас, балки қисқа манзара, руҳий ҳолатлар ва одамлар билан муносабатларда акс эттиради. Китобхон кўз олдига реал шахс — тирик Ильичнинг қўйма портрети гадаланади. «Яғрини кенг тўладан келган, сократ бош ва кўзи ҳамма нарсага кўра билладиган Ленин кўп вақт қизик ва бир оз кулгили қибфага кирар эди — бошини ораққа ташлар ва бир ёнга энгаштирар, бармоқларини қаергадир, қўлтиқ остига, нимча-сининг ўйизига тикиб олар эди... Ҳаётдаги қаёғу, ҳасрат ва влгонларга қарши бу чарчамас курашчининг ўткир кўзлари чақнаб турар эди...»

Чуқур образли, публицистик мантиқий мулоҳазалар ва конкрет ҳаётий тасвирнинг бирга қўшилиши очерк услубининг ўзига хос хусусиятидир.

В. И. Лениннинг буюклиги нимада? «Унинг фикри, — деб ёзади М. Горький, — компас миля каби доим меҳнаткаш халқнинг синфий манфаатлари томон қаратилган эди». Бу ҳислат уни ўша даврдаги партия илғор қисмининг йўлбошчисига айлантирди.

Ёзувчи В. И. Лениннинг халққа яқинлигини, доҳий сўзларининг партияли оммага таъсир қувватини Лондон съезида партиянинг

бошқа арбоблари нутқи билан қиёслаш орқали яққол кўрсатади. Мартовнинг «ҳеч нарса-ни исботламаётгандай кўринган» жahl аралаш нутқиға, Плехановнинг атрофидагилардан бир даража устун эканлигини таъкидловчи оҳангдаги олимона сўзларига нисбатан Ленин

КЛАССИК НАМУНА

нутқи бутунлай бошқача. «Сибсатнинг энг қийин масалалари тўғрисида шу қадар содда сўзлаш мумкинлигини мен биринчи марта эшиттишим эди. Буларнинг ҳаммаси фақуллода табиий, бу сўзлаш Ленин томонидан эмас, балки қақиқатан тарихнинг иродаси билан гапирилаётгандай эди. Нутқининг пишиқлиги, сермазмунлиги, дадиллиги ва кучлилиги худди классик санъат асарининг ўзи эди. Унда қандайдир бир оҳанрабо қувват бор эдию бу қувват меҳнат кишиларининг дилларини ва муҳаббатларини ўзига жазб этар эди».

Бу оҳанрабо қувват Ленин таълимотининг тарихий ҳаққонийлигидир. Горький Лениннинг буюклигини унинг тарихий жараёнини тўғри тушунганлигида, инқилобий феолияти билан тарихий тараққиётга таъсир кўрсата олганлигида кўради. Адиб айтдики, Лениннинг тарих жиловини қўлга ола билганлигининг сабаби унинг халқ ҳаётини дилдан тушунганлиги, буюк бўла турди, айна бир вақтда оддий инсон эканлигидадир. Халқ қақиқати унинг сиймосида мужассамлашган эди. Ишчилардан бири, Лениннинг кўзга яққол ташланиб турадиган хусусияти нимада, деган саволға: «Оддийлик. Ленин — қақиқат сингари оддий», деб жавоб беради. «Унинг қаҳрамонлиги, — дейди адиб, — одамларнинг бахти деб дунёнинг барча вақти қоғликларидан кечган бир кишининг қаҳрамонлигидир».

Ёзувчи доҳийнинг фазилатларини шундай хотирлайди: «Эртадан кечгача оғир иш би-

лан машғул бўлган Ленин ўзини ўйлама, лекин сафдошларининг ҳол-аҳолидан ҳамisha хабардор эди.

В. И. Ленин оддий ҳаётий ҳодисадан, конкрет воқеадан умум манфаатига доир катта хулосалар чиқара оларди. Унинг тафаккури фақуллода ёрқин умумлаштирувчи қувватга эга эди».

Владимир Ильичнинг миллий ифтихор, ватан ва халқ даҳосидан фахрлиниш туйғуси қақида фикр юритаркан, Горький доҳийнинг ўзига айтган сўзларини эслайди:

«— Шу бугун кечаси сизнинг Толстой қақидаги китобингизни ўқиб чиқдим.

У кулимсираб, кўзларини пирпиратиб, ўтирган жойда роҳатланиб бир керишди ва товушини пасайтириб, гапида давом этди:

— Қандай улугъ зот-а! Қандай буюк киши! Ана буни отахон санъаткор деса бўлади... Биласизми, яна нимаси қизик! Мана шу графға қадар адабиётда бирорта ҳам чин мужик тасвир қилинган эмас эди.

Кейин менга қараб кўзларини пирпиратиб: — Европада у билан кимни бир қаторга қўйиш мумкин? — деб сўради-да, яна ўзига ўзи:

— Ҳеч кимни, — деб жавоб берди».

В. И. Ленин санъат ва адабиётни инсон маънавий ҳаётининг гўзаллигиға бир мезон сифатида қадрлар, санъатнинг вазифаси халққа хизмат қилишдан иборатдир, деб таъкидлар эди. Буюк композитор Бетховеннинг «Аппассонатасини тинглаганда олган таассуротини Горькийға мана бундай баён қилади: «Аппассонатадан яхшироқ куйни билмайман, уни ҳар кун тинглашға ҳам тайёрман. Мисли йўқ ажойиб бир музика!»

В. И. Ленин совет адабиётининг атоқли вакиллари Владимир Маяковский, Демьян Бедный ижоди қақида гапирганда, адабиёт халққа тушунарли, содда бўлиши билан бирга, халқ онига етакчилик қилиб, халқ ҳаракатини бирмунча илғирроқ бориши лозимлигини таъкидлайди.

Горький асариде Ленин қақидаги ҳаётий қақиқатни юксак эҳтирос билан акс эттирди. «Сизнинг очеркингиз, — деб ёзган эди адибға Надежда Константиновна Крупская, — қақиқатдан иборат, Ильич тўла-тўқис, жонли кўрсатилган».

Инсоният доҳийсининг тирки сиймоси бадий абадийлаштирилган «В. И. Ленин» очерки совет адабиётининг классик асарларидан бири бўлиб қолди.

Очил ТОҒАЕВ



Р. ШАМСИДИНОВ
фотоэтюди.

«Интурист»

таклиф этади

ЮРГАН — ДАРЁ

Кўп билган, кўп кўрган яхшироқ дейдилар кексалар. Дарҳақиқат киши саёҳат қилса кўрмаганини кўради, билмаганини билади. Шу билан бирга баҳри-дили очилади.

Ўзбекистон Касаба союзлари совети ўн беш йилдан буён совет туризми билан шуғулланади. 1956 йилда биринчи марта 206 киши чет элларга сафарга чиққан бўлса, ўтган йили 3576 киши жаҳоннинг 27 мамлакати бўйлаб саёҳат қилди.

Бу йил икки юздан зиёд сайёҳ Болгария, қишлоқ хўжалиги ходимларидан 250 киши ГДР, Венгрия, Польша ва Чехословакияда бўлдилар. Бирлашган Араб Республикаси, Франция, Японияга 120 га яқин сайёҳ бориб қайтди. Шу кунларда ҳам ўзбекистонлик сайёҳлар Австрия, Куба, Марокаш, Дания, Англия, Испания, Италия ва Туркия бўйлаб кезмоқдалар.

Май, сентябрь ойларининг маршрутлари кўпроқ дам олишга мўлжаллаб тузилган. Бу даврда икки мингдан ортиқ ватандошларимиз чет эллардаги энг хушманзара водийлар ва курорт жойларини кезадилар, хордиқ чиқарадилар. Куз ва қиш фаслларида эса туристлар Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Ливан, Иордания, Ҳиндистон, Непал каби иссиқ мамлакатларга борадилар. Йил давомида тўрт минг киши чет эл саёҳатларига бориши планлаштирилган. Ўз меҳнат отпускарини жаҳон кезиб, кўпни кўриб саёҳатда ўтказмоқчи бўлган ўртоқлар касаба союз ташкилотларидан путёвкалар олишлари мумкин. Марҳамат, саёҳатга таклиф этамиз.

Т. ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон Касаба союзлар советининг
инструктори

ЕТУКЛИК ЁШИ



Ўзбекистон халқ рассоми
Лутфулла Абдуллаев

ЗАБАРДАСТ РАССОМ

Оталар ва болалар...

Маълумки, бизда оталар билан болалар ўрта-сида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддият йўқ. Аммо орада баъзи келишмовчилик ёки тушунмовчиликлар юз бериб қолиши мумкин. Масалан, гоҳо ота-онага боласининг худдидаги бирон жиҳати ёқмайди. Соч қўйиши, кийиниши, кунда кинога бориши, вақтни зое етказиши, гоҳо қизлар билан ёлғизлашуви ва ҳоназо, Маълум давргача ота-она болани терлаб, танбەҳ бериб, панд-насиҳат билан йўлга солиб келади, Ленин вақти-соати етиб усмир ўн олтига киради; бу — балоғат ёши, энди унга танбەҳ, угит ва койиш ёқмай қолади. Энди у мустақилликка интилади, унга насиҳат малол келади. «Тоқай-ача»?

Одамлар билан, яқин кишиларинг, шу жумладан ота-она билан муомалани инсоний, олижаноб бир изга солиб олиш — катта санъат. Бу мураккаб муносабат аввало ўзгаларга чуқур хурмат асосига қурилиши керак.

Тўғри, 16 ёш — етуқлик ёши. Давлат бу ёшда бизга паспорт беради, гранданлик ҳуқуқларимизни тасдиқлаб, мустақил йўлга узатади. Энди кечкурун чиқиб кетаётганимда онанг «Соат 10 дан кечикма!» деб қичқириб қолса, «Ишингиз бўлмасин!», деб юборгинг келади. Аммо сен ундй дейишга шошма, аввало онангнинг кўнглини, ниятини тушунишга урин: у ҳали сенинг мустақил одам бўлиб қолганингни тан олганича йўқ, тўғрироғи — тан олгиси келмайди, онаи меҳрибон учун сен — ҳамон боласан. Бу руҳий ҳолатни дарров ёни бир кўполли билан емириб ташлаб бўлмайди. Сен мустақил ва етун одам бўлиб қолганингни ранжу малол, дилсизёҳлик билан эмас, олижаноблик билан, ўзгаларга хурмат билан, уларнинг қўнглидагини тушунишга уриниш билан исбот қил. Мана бу ҳақиқий мустақил одамнинг иши.

Гоҳо ота-онанг сенинг ўй-фикрларинг ва юриш-турушингдаги баъзи ҳолатларни тушунмаслиги, қаршилиги кўрсатиши мумкин. Гоҳо эса, сен ҳам уларнинг гапларини тушунолмай қоласан. Улар эсини одамлар бўлиб туюлади. Бунинг аналанидиган жойи йўқ. Ҳар бир авлод ўз тарихий шарт-шароитда улғайди, тарбияда, машаққатда кўп фарқлар бўлади. Бизнинг давримизда, масалан, меҳнат ақлий қобилиятларни кўпроқ талаб қилади. Ҳадеб китоб ўқиб, уй ишига кам қарашангда, онанг: «Сенинг ёшингда водопроводдан сув ташиб белим қайишади», деб, таъна билан бир иш бурас, нега ҳафа бўлишинг керак! Агар тушунишга уринсанг бу — ҳақиқат-ку. Сен ота-онангнинг қандай шартларда ўсгани, қандай широрлар учун курашгани, қандай тарбия топгани ҳақида ўйлаганми? Балки тарбияга уларнинг умуман вақти бўлмагандир?

Бир-икки гапи ёқмади, деб катталарнинг буюк ҳрётий тажрибасини унуттиш — катта кураш аъён-наларини унуттишга ҳам олиб келиши ҳеч гап эмас. Бизнинг оилдаги муносабатларимиз интимий онгимизга ҳам таъсир этади, чунки оила — жамиятнинг хужайрасидир.

Агар, катталар менинг етун ёшимни тан олсин, десанг, адолатли ва олижаноб бўл. Ота-онангга бўлган адолатли муносабатинг — сенинг ҳақиқий етуқлигингни кўрсатадиган кўзгудир.

Дейлик, янги танишган қизинг билан сал ҳаволаб қолиб, уйга кеч келдинг. Онанг ҳавотир олиб, асаби бузилиб ўтирган бўлса қаттироққ суз айтиши мумкин. Сен ундай вақтда аччин сўзни қийинга ют, сен хоизир шод ва бахтирреан, бу найфантигини онанг билан ўртоқлаш, шунда она сенинг катта, ақлли, мустақил бўлиб қолганингни ичиди кувонч билан тан олди, асаби жойига тушади. Прадаги бундай самимиятга нима етсин!

Бу эса фақат сенга боғлиқ.

Одам ўз мустақиллигини яхшилик билан, кичкинагина кундалик яхши хатти-ҳаракатлари билан исбот қилиши керак. Олишчи, қизишиб ай тишиш ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Аммо мулоҳазали, меҳрибон ва олижаноб бўлиш қийинроқ. Тўғри, бу ҳам наҳрамонлиги талаб қилмайди. Аммо сенинг инсонлик қадрингни, ўзингга ишончингни бениҳоя оширади.

Халқ рассоми! Ўз асарларида меҳнат-каш халқни улуглаган, унинг турмуши, эзгу орзу-умидларини акс эттирган, бутун ижодини халқ хизматида бағишлаган ижодкоргина бу юксак номга муносибдир. Лутфулла Абдуллаев ана шундай санъаткорлардан.

У асли мирзачўллик деҳқон боласи. Лутфулла 1912 йилда дунёга келган оила ҳам, қишлоқ ҳам Мирзачўлнинг бошқа қишлоқлари каби оғир турмушга маҳкум эди. Лекин бу турмушнинг кўвш қулиб боққан кунлари ҳам бўларди. Айниқса, Баҳорда табиат чўлга бутун гўзаллигини тўкиб соларди. Ёш Лутфуллада гўзалликка иштиёқ тўғдирган нарсга ҳам шу она табиат эди.

Баъзи пайтларда Лутфулланинг онаси уй деворларига оддий, ёрқин нақшлар чизарди. Бола онасининг ишини зўр қизиқиш билан кузатар, онаси аҳён-аҳёнда бир-икки нақш чизишга, оддий гулларнинг расмини солишга руҳсат берганида, у ўзини жуда ҳам бахтиёр сезарди. Лутфулланинг, дастлабки машқлари ана шундан бошланди.

Бу иштиёқ, ниҳоят, уни 1930 йилда Самарқанддаги рассомлик билим юртига бошлади. Бўлажак санъаткор бу ерда кўзга кўринган рассомлардан П. Бенков, Л. Бура устозлигида таълим олди ва тезда талабарлар орасида катта хурмат қозонди.

1934 йили Москвадаги Ўзбекистон рассомлари асарларининг биринчи кўргазмасида Лутфулла Абдуллаевнинг «Пахта терими», «Рассомларни тайёрлаш», «Саводсизликни тутатиш» асарлари ва бир қанча этюдлари намойиш этилди. Ёш рассомнинг бу асарлари муҳим, замонавий мавзуларга бағишланганлиги, ўзига ҳок ёрқинлиги ва ҳаётийлиги билан пойтахт рассомлари, санъатшунослари ҳамда санъат шинавандлари эътиборини тортиди.

Орадан бир йил ўтган, Абдуллаевнинг «Велосипед билан мукофотланган илгор

колхозчи» деб аталган диплом асари бошқа энг яхши диплом ишлари қаторида Москвадаги бадий кўргазмада муваффақият қозонди. Энди Лутфулла Абдуллаевнинг ўзи устоз бўлиб қолди. Тошкентдаги рассомлик билим юртида дарс бера бошлади. Айни пайтда у тинмай ижод қилди. Чирчиқ шаҳри, Тошкентдаги Тўқимачилик комбинати қурилишларида бўлиб, зарбдор қурувчилар жасоратини маҳф этувчи асарлар яратди, панно ва плакатлар чизди. Қалами тобора ўткирлашиб, тажрибаси ортиб борди. Натихада икки тугал ва пишиқ асар — «Ёш шoir хузурида» расми ҳамда «Мулла Тўйчи Тошмухамедов портрети» бунёдга келди. Маданий революция юксалишларининг акс садосидек янграган бу асарлар рассомнинг ўз халқи ҳаётиндаги муҳим ўзгаришларни ифодаловчи мавзуларга содиқ эканлигини, ўз қаҳрамонлари боғ маънавий дунёсини маҳорат билан очиб беришга қодирлигини намойиш этди. Бирор рассом бу ютуқлар билан чекланиб қолмади. Малака ошириш студиясида икки йил таълим олди, Москва, Ленинград музейларидаги машур санъаткорлар бадий меросини ўрганди. Унинг кейинги йиллардаги пухта асарлари ана шу мустаҳкам замин асосида вужудга келди.

Улўг Ватан уруши йилларида Лутфулла Абдуллаев толмас жангичдек кураш олиб борди — бутун ижодий кучини, мўйқаламини Ватан хизматида қаратди. Уруш бошланганига икки-уч ой бўлмасиданоқ рассом «Қизил Армия сафига қузатиш» деган катта полотно яратди. Тасвирий санъатнинг оммабон ва жанговар жанри агитплактлар устида ишлади. Умумхалқ қурилишларига айланган Фарход ГЭСи, Шимолий Тошкент канал қурилишларидаги жамоат ишларида фаол қатнашди, маданият муассаселарини беизди, жанговар варақалар чқарди, зарбдор қурувчилар портретла-



Л. АБДУЛЛАЕВ. ЭСОН-ОМОН ҚАЙТДИ. 1946 йи



Л. АБДУЛЛАЕВ. В. И. ЛЕНИНГА СОВГАЛАР. 1970 йил.



Л. АБДУЛЛАЕВ. ОСИЕ ВА АФРИКА ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ 1958 ЙИЛ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА.



АБДУЛЛАЕВ. «УТГАН КУНЛАР» КИНОФИЛЬМИГА ИШЛАНГАН ЭСКИЗЛАРДАН.



Л. АБДУЛЛАЕВ. Ойбенининг «Болалик» қиссасига ишлаган расмлардан

рини чизди. У «Агитатор Шимолий Тошкент каналида» каби йирик асарларида фронт билан меҳнат аҳлининг яқдиллигини ҳаётин манзараларда акс эттирди.

Уруш тугади. Халқ ғолиб фарзандларини зўр қувонч билан кутиб олди. Бу воқеалар хозиржавоб рассом юрагини тўлқинлан-тирмай қўймас эди. Лутфулла Абдуллаев шу мавзуда катта асар яратишга киришди.

Вокзал майдони... Ғолиблар эшелони эндигина келиб тўхтаган. Перронда тумонат одам. Расмнинг биринчи планида паҳлавон қомат ўзбек жангчиси отасини маҳкам кучиб турибди. Энда севинчи бир жаҳон меҳрибон она, мард ёри томон отилгудек, лекин ўзини босиб турган жангчининг умр йўлдоши... Халқ ҳаётини яхши билган, уни чуқур ҳис этган рассомнинг бу асари ўзининг гоёта табиийлиги ва композицион яхлитлиги билан ўзбек тасвирий санъатининг энг яхши намуналари қаторидан муносиб ўрин олди.

Лутфулла Абдуллаев ўзи туғилиб ўсган Меҳнатобод кишлоғидан ҳам манзаралар яратди. У ердаги юз берган ўзгаришлар ободончилиги, фаровонлик рассомнинг «Колхозда концерт», «Чўлқуварлар» каби йирик

асарларининг вужудга келишига сабабчи.

Уз маҳоратига ишонган ҳар бир санъаткор учун Ленин ҳақида асар яратиш энг эзгу орзудир. Л. Абдуллаев ҳам шу орзусини рўёбга чиқариш ниятида ўн йилдан зиёдроқ вақт мобайнида бу фахрли ва масъулиятли тематикага қайта-қайта мурожаат қилмоқда. Унинг «Ленин Мирзачўл харитаси олдида», «Ленинга совға», «Урта Осий хотин-қизлари Ленин ва Крупская хузурда» асарлари ва доҳиймизнинг юз йиллигига бағишлаб яратган «Туркистон хотин-қизлари Ленин ва Крупская хузурда» номли сўнги йирик асарида тарихий ҳақиқат бадийий ҳақиқат даражасига кўтарилган.

Халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг ижоди сермазмун ва серкиррадир. У йирик жанрлардан ташқари иллюстрация, карикатура борасида ҳам, кино рассоми сифатида ҳам тинмай меҳнат қилиб келмоқда. Севимли рассомимиз ҳали кўплаб ажойиб асарлари билан тасвирий санъатимиз тараққийига янгидан-янги ҳиссалар қўшишига имонимиз комил.

Абдулҳай УМАРОВ

Согинаман туриб-туриб,
Болалик чоғларимни.
Туриб-туриб эслайман ҳам
Димоғ-фиروقларимни...
Қаердадир курашарди
Ватан учун отамиз,
Курашарди онамиз ҳам —
Пахта учун, яна биз...
Биз на унинг, на бунинг-чун
Куяр эдик улардек.
«Подшо-подшо» ўйинига
Уч эдик биз ўлардек.
«Жанг» қилардик ўзимизча
Ўзимизнинг ҳовлида.
Акам «ўқ еб» йиқиларди
Қандак ўрик олдида.
Шу чоқ кўшни болалари
«Бостириб» киришарди.
Мени «аскр» туширишиб,
Олчамиз «қиришарди».
Кейин улар хом-хатала
Олмамизни муташиб,
Бошқа кўшни ҳовлисига
Отишарди «ўт очиб».
Кейин мен ҳам шу «кўшн»да,
Қирар эдим «душман»ни.
Кейин «отиб ўлдирарди»
Мени кўшни «душман»ни...
Эх, у кунлар... қайтмас энди,
Қайтмагандай отамиз...
Лекин, бизлар ўша-ўша,
Ҳали-ҳали отдамиз:
Энди порлоқ иқболимиз, —
Эл-юрт учун хур, озод
Мағрур туриб курашамиз,
Курашамиз умрбод.
Балки шудир, дейман «Яшаш —
Курашдир!», деб айтгани.
Бахтиёрман бу курашда
Ардоқласам Ватани!

Чўлпон ЭРГАШ

□



Сеҳрли ҳиноя...

А. ЧАПЛИГИНА фотоси

ИЖКИНЧИ УЧРАШУВ

Қуёш нурлари Ғури Амирнинг абадий мовий гумбазига ўрилиб, яна самога отилмоқда.

Комил ва Малоҳат магазиндан чиқадилар. Уларнинг бир зум қуёшга тикилиб олиб, кейин бир-бирларига қараб бесабаб ва беихтиёр кулиб юборишлари қанчалик яқин бўлиб қолганиларини билдириб туради: дил дилга рост бўлганда қилкилар қадрдон бўлиб кетадилар.

Магазин эшиги олдидаги зинапоядан тушаётиб, баланд пошна туфлига хали ўрганолмаган Малоҳат қоқилади, Комил уни дарров тирсагидан ушлаб суйайди. Аммо қиз зинапоядан тушиши биланоқ йигит қўлини тортиб олади.

Комил (магазинда бошланган гапни давом эттириб), Нега Қодиров область ижромкомига телефон қилди? Лойихани бекор қилдирганингиз учун сиздан ўч олмоқчи эмасми ишқилиб?

Малоҳат (кулиб). Қодировни жуда яхши билар экансиз!

Комил. Бўлмасам-чи! (Истеҳзо билан.) Бизнинг бюромиз ўн олти йилдан бери ўртоқ Қодиров раҳбарлигида ишлайди.

Малоҳат. Одамлар ўн олти йилдан бери шу мақтанчоқ ва калтафаҳмининг раҳбарлигига тоқат билан ишлаб келаётибди денг?

Комил (кулиб). Қодировнинг яхши томонлари ҳам бор.

Малоҳат. Метин одам бўлса керак.

Комил. Топдингиз. Айтганини қилдирмасдан қўймайди. Бундан ҳам муҳимроқ фазилати — одамларга оталик қилишни яхши кўради. Яна вақтида ходимларнинг кўнглини олабдилади, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиради.

Малоҳат (қойил қолиб, кулади). Кўп ҳаммасларингиз Қодировни ўлгудек яхши кўрса керак.

Комил. Шундай.

Икковлари ҳам кулиб юборадилар.

Малоҳат. Табиат ҳам ажойиб: шунча фазилат ва нуқсонни бир кишида жамлайди.

Комил (ҳамон кулиб). Мен ҳам шунга ҳайрон бўлялман. (Жиддий.) Аммо менга қолса, Қодировнинг қўли остида бир кун ҳам ишламасдим.

Адибнинг «Малоҳат» сценарийсида қишлоқ муаллимаси ва унинг муҳаббати ҳақида ҳикоя қилинади. Янги қишлоқ лойиҳасининг муҳокамасида иштирок этиш учун узоқ тоғ қишлоғидан шаҳарга келган муаллима Малоҳат архитектор Комил Орипов билан тўқнашади, у тузган лойиҳанинг бекор қилинишига сабабчи бўлади. Бу учрашув туфайли улар орасида муҳаббат туғилади.

Сценарий асосида «Ўзбекфильм» студиясида режиссёр А. Хачатуров фильм яратмоқда.

Улар «Самарқанд» меҳмонхонаси олдида келиб қолганларини энди сезадилар.

Комил ушлаб турган қутичага Малоҳат қўл узатади.

Комил (Қутичани бермай, ялингандек). Дарров ҳайрлашмизми?

Бу сўзлар Малоҳатга бахт бағишлайди: у ерга тикилганча бир зум жим қолади. Унинг киприклари ўчади.

Малоҳат. Қайтиб чиқаман.

У Комилнинг қўлидан қутичани олади ва меҳмонхонанинг ойнабачд эшигидан ичкарига кираяди.

Малоҳат вестибюлга кирганда, қиёфасида ҳаяжон ёлқинланган бўлса, зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилаётганда юзида аллақандай

ўйлар қўланкаси пайдо бўлади. Аста-секин кўтариларкан, хаёлида жуда чигал бир тугунни ечарди.

Ўз номериға ўйчан кириб боради.

Ҳамхонаси ўн саккиз яшар физкультурчи қиз — Бодом дарров Малоҳатнинг обғидаги янги туфлига назар ташлаб, жуда мамнун бўлади.

Бодом. Изаганингизни топибсиз-ку, опа! Малоҳат (сўзларга бошқача маъно бериб). Ҳа, топдим.

Малоҳатнинг хўрсанд эмаслиги Бодомни ҳайратга солади.

Бодом (ташвишда). Бир гап бўлдим, опа! Малоҳат. Мен яна анави йигитни учратдим.

Бодом. Архитектор йигитни-я?

Малоҳат. Ҳа.

Бодом (ҳавас билан). Омадингиз бор экан: саргузаштингиз худди кинодаги қаҳрамонларнинг саргузаштига ўхшайди.

Малоҳат кулиб қўяди.

Бодом (яна ҳам ҳаваси келиб). У йигит сизни пастда кутиб турибдими хозир?

Малоҳат (ғурур билан). Ҳа.

Бодом дераза томон югуриб боради ва дарҳол Комилга қўзи тушади.

Қўнанинг нариги бетидеги йўлкада у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган Комил баландга тикилиб Малоҳатнинг деразасини топиқчи бўлади.

Комил Бодомга ёққандек... Лекин сал ўтмай қизнинг қиёфасида ўкинч аломати пайдо бўлади.

Бодом (пастга қараб, ўз таассуротини яна бир қарра текшириб кўради). Йигитнинг ёригини танлабсиз-да.

Малоҳат. Сариқ эмас. Комилзоннинг сочлари қоп-қора, жинглак.

Бодом (яна Комилга назар ташлаб). Йўқ, Қаранг-а: сап-сарик.

Малоҳат жиддий ҳаяжонга тушади: гўё Комил унинг севган эриё Бодом ундан йўқ камчилигини топиқчи. У дераза олдида шахдам боради, Комилни топади, тикилади, ажабланади, ҳаяжонга тушади, кейин — худди бир нарсанинг сабабини тушунгандек өнгил тортади.

ПАРВОЗДАГИ ҚАНОТЛАР

Илм билан ижод инсон фаолиятининг шундай улкан соҳаларини, уларнинг ҳар бирига бутун-бутун умрлар ҳам етмайди. Шунга қарамай, ҳам олим ҳам ёзувчи бўлишга интиладиган одамлар учрайди. Агар кишида бундай зўр мақсадга мувофиқ имкониятлар бўлса нур устига нур. Мабодо бу улкан юни кўтаришга қодир истеъдод бўлмаса ёки сабот-матонат етишмай қолса ҳам худди икки қайқининг бошини тутгандек бўлади.

Бироқ ҳаётда шундай муштарак истеъдодлар борки, улар учун илм билан ижод алоҳида-алоҳида сузадиган қайқиларга эмас, бири-бирига таяниб парвоз қиледиган қанотларга айланади.

Адиб ва олим Иззат Султоннинг фаолиятидаги энг ажойиб фазилатлар ҳам мана шу жуфт қанотларнинг парвозида кўринади.

Ўзбек саҳнасининг шоҳ асарларидан бўлган «Алишер Навоий» пьесасини олинг. Кўп йиллардан бери саҳнадан тушмай келаётган, минглаб одамлар ёд айтиб юрадиган бу классик асар Уйғун ва Иззат Султоннинг драматургия соҳасида забт этган жуда юксак бир чўққилари бўлди. Бу чўққига кўтарилишда Иззат Султоннинг ижодий қаноти га илмий қаноти катта мадд берганлиги шубҳасиз. Чунки Иззат Султон ўшлик йилларидан бошлаб Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолиятини севиб ўрганайди, Унинг биринчи йирик илмий иши ҳам, кандидатлик диссертацияси ҳам Навоий ижодига бағишланган эди. Унлаб йиллар давомида Навоийнинг порлоқ сиймоси Иззат Султоннинг фаолиятига нур ва ҳерорат берди. Иззат Султон иштирокида яратилган «Навоий» фильми ҳам ўзбек экранининг ифтихорига айланади. Бадиий ижод соҳасида ортирилган тажриба Иззат Султонга Навоий ҳақидаги илмий ишларининг савиясини ва жозибасини янада оширишга ёрдам берди. 1969 йилда Боснийлик чиққан «Навоийнинг қалб дафтари» номли илмий китоб ўқувчилар орасида жуда тез тарқалгани ва катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас.

Малоҳат (севинч билан кулиб). Ойнадан тушган офтобнинг акси уни сариқ қилиб кўрсатяпти.

Биз ҳам меҳмонхона ойналарини кўрагимиз: ҳақиқатан улар заррин тусга кирган.

Бодо м. (Малоҳатдан ҳам ортиқроқ хурсанд). Э-ҳал..

Малоҳат ҳамон Комилга тикилганча кулиб турибди.

Бодо м. (газабда). Нега ундан куласиз?

Малоҳат. Мен ўзимдан куляпман.

Бодо м. Нега?

Малоҳат. Биронта эркак менга сал ёқиб қолса, дарров ўзимга: «Шу йигит менинг эрим бўлиши мумкинми?», деб савол бераман. Қари қизман-да!

Бодо м. Мен сиздан ўн ёш кичикман, лекин мен ҳам шундай деб ўйлайман.

Куладилар.

Бодо м. (Комилга назар ташлаб, Малоҳатни шошилтирмоқчи). Бечора, кутиб турибди!

Малоҳат (бахтиёр мағрур). Кутсин...

Кўлдан бери мени ҳеч ким кутган эмас.

Лекин Малоҳат ўзи шошмоқда. У ойна олдида бориб ўз жамолидан нуксон қидиради, топгандек бўлади, аммо ўз фазилатларини яхши билганлиги учун, бир-икки қўл ҳаракати билан нуксонни бартараф қилади. Сочини ҳамбар қилиб ўрар экан, хуснига яна ҳусн қўшилади. У Бодомига ўгирилди. Бодо м унинг хуснига ҳасад билан тикилди.

Малоҳат яна дераза олдида боради ва ташқарига қўл силқийди.

Ниҳоят уни топган Комил севинади ва қўл ҳаракати билан тезроқ тушшини илтимос қилади.

Малоҳат Бодомига «Хайр», дейдию севинч билан эшик томон равона бўлади.

Номердан чиқиши билан Малоҳатнинг қувноқлигидан асар қолмайди: уни яна ўй босади. У севган йигит билан учрашишга кетаётган кизга ўхшайди. Назарини висолдан кўра имтиҳонга кетаётгандек.

Меҳмонхонадан Малоҳат бутунлай бошқача бир қиёфада чиқади: у ҳаяжонда, ҳатто асабий бир қолағара.

Комил унинг истиқболга ошиқади, кизнинг кўлтигидан олмоқчи бўлади, аммо Малоҳат ўзи уни кўлтигидан олиб, етаклаб кетади.

Малоҳат (дафъатан, қаттиқ ҳаяжонда). Регистонга борамиз!

Малоҳатнинг қайтиб чиққанига хурсанд бўлган Комил, ўйламаданоқ қадам ташлаб кетмоқда. Лекин бир минутдан кейин у Малоҳатнинг бу таклифидан хайрон қолади, кизнинг юзига тикилади. Қиз аллақандай бир ҳаяжонда индамай, шошиб боради.

Комил. Наҳотки Регистонни шу вақтгача кўрмаган бўсангиз?

Малоҳат (жилмаяди, сирли бир оҳангда). Минг марта кўрганман...

Улуғвор обидалар орасидан, улкан майдонда улар — бизга кичкина бўлиб кўринадилар. Комил ниманидир қизгин тушунтирмоқда — мана шу буюк биноларни худди Комил ва Малоҳатдек кичкина кишилар яратганини гапирётган бўлса керак.

Малоҳат унинг сўзларини диққат билан эшитмоқда ва бахшлашмоқда. У гоҳо ҳашаматли обидаларга, гоҳо Комилга тикилади. Ҳозир унинг ҳаёлида тарих, обидалар ва Комил ҳақидаги ёйлари кўшилиб кетган.

Улар, ниҳоят, Регистондан чиқадилар.

Комил. Нега биз Регистонга келдик? Уни сиз мендан дурустроқ билар экансиз-ку?

Малоҳат. Бу ердаги ҳамма нарсага сизнинг қарашингиз бошқа, уларни тушунишингиз бошқа.

Комил (истеҳзо билан, ҳазиллашиб). Мени кўришингиз биланку тушунишим бошқачалигини фаҳмламайсиз-да?



Малоҳат. Қулманг... Ҳаётимда бирорта муҳим воқеа рўй бераётганида... Йўғ-э, бирорта яхши ҳодиса бинки кишига дуч келганида мени овгим шунақа бир азиз ёки улғувор жойга тортади. Университетга қабул қилганларида, Регистонга келдим-да, кечгача шу атрофдан кетолмай ёлғиз айланиб юрдим. Университетни тавомлаган куним дугоналарим билан Шохизиндени, Гўри амирни... Малоҳат ўзи беҳабар ҳолда юрак сирини очиб қўётган кишидек бирдангина индамай қолади.

Комил унга тикилади. Қиз ердан кўзини олмай, тез юриб боради.

... Комил ва Малоҳат Шохизинда дарвозаси олдида турибдилар. Кеч кириб келмоқда. Атрофда ҳеч ким йўқ.

Комил (ичкари кирмоқчи бўлган Малоҳатнинг йўлини тўсиб). Сиз ўзингиз кимсиз? Қаердан бўласиз?

Малоҳат (Авал жавоб бермоқчи бўлса-да, кейин бу фикридан қайтади). Бугун фақат мен савол бераман. (Таҳдид қилган бўлиб). Хўпми?

Комил (шоша-пиша). Хўп, хўп!

Улар Шохизиндага кирадилар.

Биз халқ даҳосининг улғу асари — ўз архитектура си жиҳатидан нўвда мислсиз пантеонни кўрагимиз. Баландга кўтарилган пиллапоэларнинг биринчиси олдидаёқ Комил Малоҳатни ушлаб қолади ва бутун ансамблга назар ташлашни имо қилади.

Ботиб бораётган қуёш нурида чап томондаги макбараларнинг кўланаси ўнг томондаги қошаларга тушиб, ёруғлик ва соядан иборат ажойиб бир манзара касб этади. Бундан узун йўлак яна ҳам узунроқ, унинг сўнгидидаги макбара эса яна ҳам баландроқ туюлади.

Комил (ҳаяжонда). Шошилманг, Малоҳат! Мена бу мўъжизага бир назар ташланг... Буни оддий кишилар яратган. Энг баландда — ўз замондошлари назарида буюк бўлган шахс жасади ётибди. Бир неча асрларнинг мўътабар деб танилган золлари эса ўша жасадининг овғи остига қўйилган — улар юқоридидаги ўша шахсининг буюклигини тасдиқлаб туришлари керак. Бу ерда ҳар бир каттаю кичик деталь бир голянинг ифодасига бўйсундирилган. Ҳатто архитектуранинг энг оддий элементи — ер, унинг баланд-паст, рельефи ҳам бу ерга келган ҳар кишига юқорида ётган шахсининг буюклигини сездириб туриши керак: Қирқ пиллапоэнинг вазифаси шу.

Комил Малоҳатни пиллапоэдан юқорига етаклайди. Улар борган сари юқори кўтариладилар, юқорилаган сари бир-бирдан жозибдор бинолар уларнинг диққатини тортади, узоқ тўхтаб томоша қилишга мажбур этади. Ниҳоят, Қирқ пиллапоэнинг охирига етганда улар ҳам олдинда, ҳам орқадан кўринган манзарага мафтун бўлиб тўхтаб қоладилар.

Малоҳат. Буюк эътиқод — буюк асарлар яратеди.

Малоҳат яна Комилнинг изҳор этолмай турган фикрини айтиб юборади. Худди миннатдорлик билдиргандек, Комил ўнг қўлини кизнинг чап елкасига ташлайди.

Комил. Балли! Эътиқодлар эскиради, динлар қолади ва метади, аммо эътиқодли оддий инсонлар яратган мўъжизалар абадий яшаб қолади.

Шохизинда йўлагининг умумий кўриниши. Комил ва Малоҳат яна юқорилаб бормоқдалар. Комилнинг ўнг қўли кизнинг ўнг елкасида.

Улар узоқдан кичик бўлиб кўринадилар, шу буюк асарнинг ажралмас бир қисмидек туюладилар бизга.

Иззат Султоннинг шунчалик доно олим ва ўткир ижодкор бўлиб етишишида халқимиз бошдан кечирган инқилобий юксалишларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Ушлик оддий бир касоб оиласида туғилган Иззат Султон юрт нотинч бўлган, граждандар уруши кетаётган оғир йилларда отасидан жудо бўлади. Ун ёшида уни Совет ҳокимияти оцган интернат ўз бағрига олади. Кейинчалик техникум, университет, аспирантура ва докторантурани тугаллаб, бугун биз билгандек машҳур олим бўлиб етишди. Жамиятимиз берган тарбия, партияимиз кўрсатган ғаммўрлик Иззат Султоннинг ҳаётидагина эмас, ижодида ҳам ўчмас из қолдиради. Иззат Султон ёзган «Бургутнинг парвози» ва «Имон» драмалари, «Фидойи» фильмининг сценарийси бу фикрнинг ибодтидир. Утмишга бағишланган «Номаълум киши», «Шоир қалби» каби асарларда ҳам тарихий воқеалар бугунги илғор гоъларнинг нурига йўғириб кўрсатилган.

Адабиётшунослик соҳасида Иззат Султон ёзган энг йирик илмий иш ўзбек прозасида социалистик реализмнинг юксалишига бағишланган. Докторлик диссертацияси бўлган бу иш ҳақида улкан қозоқ адиби ва олими Мухтор Аветов шундай деган эди: «И. Султонов жуда катта меҳнат сарфлаб яратган маъзур асар — ўзбек адабиёти ҳақидаги фанга қўшилган ҳақиқий ҳиссадир».

Иззат Султоннинг олимлик жасоратини алоҳида айтиб ўтиш керак. 1939 йилда ҳали адабиётшунослик фанимиз жуда ёш бўлган,


қўлгина назарий масалалар аниқланмаган бир пайтда унинг «Адабиёт назарияси» номли китоби босилиб чиқади. Қўлма-қўл бўлиб кетган ва кейинчалик нодир китоблар қаторига кирган бу асар республикамизда адабиёт заршуносларининг кўпайишига ёрдам берганлиги аниқ.

Танқидчилик соҳасида Иззат Султон ёзган биринчи тақриз 1932 йилда чиққан ва Абдулла Қодирий ижодида бағишланган эди. Унинг тарихий йигирманчи съездан кейин чиққан энг ёрқин мақолаларидан яна бири Абдулла Қодирий тўғрисида бўлди. Бу ажойиб адибининг ўзбек совет ёзувчилари қаторидан муносиб ўрин олишига Иззат Султоннинг қўшган ҳиссасини жамоатчилигимиз ҳамisha энг илиқ сўзлар билан тилга олади.

«Ким табиб — бошидан ўтган табиб», дейдилар. Иззат Отахонович Султонов ижод машаққатларини бошидан кечирганлиги учун илму фан соҳасида адабиётимизнинг қадр-қимматини чинакам оширдиган ишлар қилмоқда. Шу билан бирга, унинг илмий тажрибаси бадиий ижодида жуда борақали тасвир кўрсатмоқда. Хуллас, илм ва ижод Иззат Султоннинг икки қанотига айланиб, бир-бирининг юксалишига ёрдам берапти.

Бугун олтимиз ёшга тўлган Иззат Султоннинг қанотлари ҳамон парвозда. Истаймизки, келгуси ўн йилликларда бу қанотларнинг парвози яна ҳам юксак бўлсин!

Пиримқул ҚОДИРОВ



Неъматни нимқоронғи хонага олиб киришди. Кўнгли бориб-келиб турганидан, кўз олдига худди ларда тўсилгандек, ҳеч нарсани кўрмасди.

— Тавба,— деди кимдир, таъна оҳангида,— тагин врач эмиш...

— Дард сўраб келмайди, ҳаммага бирдай,— деди яна биров.

Сўнг ҳамма ёқ суя кўйгандек жимжит бўлиб қолди. Неъмат бошини нўтармоқчи бўлиб қўлларини ерга тиради. Қўли юмшоқ нарсга теги, сеснаниб тортиб олди. Аранг туриб утқриди. Кулоқларида нимадир гувилларди. Нахот ҳамон давом этаётган бўлса? Нега кўнгли бекузур бўляпти? У кўзларини ишқалаб атрофига боқди. Утовга ўхшаш хона. «Қаердман? Нима қилиб ётибман?»

Эшин гичирлаб очилди, остонада ёшгина жувон кўриди. Қўлида фокус. Фокусни ўзидан олдириб қўйиб ушлаб тургани учун юзи яхши кўринмас эди. Неъмат унинг оёқларини, худбичим оёқларинингига кўрди. «Еш экан», деб ўйлади. Жувон фокусни шифтдаги илганга осиб қўйди, хона бир метрда ёришди. Энди ҳамма нарсга туғуна печча ҳам, бурчақдаги сандиқ ҳам яққол кўринди. Неъмат жувоннинг чехрасига зимдан назар солди. Қорачадан келган, кўзлари хумор, ёноқлари бир оз буртиб чиққан. Гўзал деб бўлмайди. Ленин истараси иссиқ юлдузли аёл экан.

Жувон печкадан чойишни олиб, чой дамлади. Жимгина хонтахтага қўйди. У қўёл лапанглаб юрар экан, эғнидаги хол-хол чит қўйлаги ҳам ҳилпиллаб турибди.

Жувон пиёлаларни чайиб келди, йигитга чой қўйиб узатди:

— Олинг...

— Раҳмат... — Неъматни унинг салобати бодими, гангиб, нимадан гап бошлашни билмай пиёлага гинилиб қолди.

Жувон эса унга ўчакишгандек ўзини эркин тутар, тик боқар, унинг жингалак сочларини, синиқ рангию қуюқ қора қошларини бамайлихотир кузатар эди. «Менга нима бўлди? Унча-бунча қизлар олдида ўзимни йўқотмайдиган...», деб ўйлади Неъмат.

— Ҳали ҳам тингани йўқми?— сўради у жувондан.

— Довулми? Ҳа.

— Қачон тинарини?

— Қайдам?. Мен овиқат олиб келай.

Жувон чиқиб кетди.

Неъматнинг кўзи ёнгинасида турган чамадонга тушди. Ажабланди: «Ким қўйди бу ерга? Шу жувоними?»

У чамадонни очди. Холасига олиб нотаётган анорларга кўзи тушиб, яна найфн бузилди. «Шу шартмиди,— ҳаблидан иечирди,— Андижондай ердан анор орячала юрмасам, Хоразмда ҳам топилардику!..» Яна жўнаш ҳақида ўйлай бошлади. Қачон довул тинадию, йўлга чиқади, Энди теплоходда кетолмасам ҳам керак. Неъмат анордан унчачасини олиб хонтахтага қўйди. Овиқат келтирган жувон анорларни кўриб, кўзлари ёниб кетди.

— Вой, анор-ку! — деди ёш боладай жувониб. Шўрвали юсани дарров хонтахтага қўйдида, анордан биттасини олиб, пичоқ билан кеса бошлади. Ленин анор сўйишга уқуви йўқ экан, оппоқ бармоқларидан шира оқиб дастурхонга томди. Неъмат жувоннинг қўлидан пичоқни олмақчи бўлган эди, кўллари унинг тиқимчоқ, иссиқ бармоқларига тегиб кетди. Зумда вужудига илиқ ҳис таралиб, юраги дуқиллаб урди. Йигит жувоннинг кўзларига қарамаслинка тиришиб, анорни усталик билан сўйиб олти паллага бўлиб қўйди. Жувон жувониб, ёқут дочаларни ея бошлади.

— Бунча ширин! Ленин беш-олти ой илгари бўлмади да..

Йигит унинг сўзларига тушунмаса ҳам жилмайиб қўйди.

Неъмат бақиқ шўрвани ёмон кўрарди. Ленин болатабияг аёлини ранжитмаслик учун истар-истамас ича бошлади.

Жувон анор пўчоқларини йиғиштириб, ташқарига чиқиб кетди. Неъмат хонага разм солди. Уйдан эркан кишининг кийим-бош ва анжомларини изларди. Бироқ эркан киши ялашадан далолат берардиган бирор белги топа олмади, фақат гўрда милтиқ билан қамчин осиглиқ. Чамадонини бурчакка олиб кўлар экан, кўзи девордаги суратга тушди. Суратдан сочлари қирқилган чиройли аёл, шу уй бенаси қараб турарди.

Хикоя

Расми М. ГРОМКО чизган

ДЖИЛ



Өвк товуши эшитилиб, кейин эшик очилди. Неъмат жойиға нелиб ўтирди.

— Толиққандирсиз? Жой солиб берай.
Игит баш силкиди. Жувон сандиқ устидан кўрпа, кўрпача олиб, ўрин солди. Кейин Игитга зимдан қараб турди-да, девордаги суратини чақонгина олиб, сандиққа тикти.

— Хайр, яхши ётиб туринг,— деди-да, фонуни олиб чиқиб нетди.

Хона зимистон бўлиб қолди. Игит ёнбошлади. «Эри борминан, сўрамадим ҳам...» Ташқарида ҳамон денгиз гувиллайди, Игит денгизни ҳам, нуриган пичан ва балиқ ҳиди аниқ турган шу хонани ҳам, тиқмачоқ оёқли, зулудек қора соч жувонни ҳам уйламасликна уринарди. Аммо хавллари хира пашшадек уралашверар эди. «Жувон қаерга нетди экан шу довулда?» Неъмат узоқ ўй суриб ётди. Жувоннинг қайтишини пойлаб ухлай олмаётганидан хижил бўлиб, аста ўрнидан турди. Ташқарига чиқди. Денгиз анча нарида бўлса ҳам, ваҳимаси ўтагани ёрғудек. Изгириш аъзойи баданини жунжиткириб юборди. Игит ўтовни айланниб ўтди, фанер тахта билан тўсилган жойда тўхтади. У ердан чироқ шуъласи тушиб турар, жувон ҳазин бир нўшиқни хиргойи қилар эди. Қўшиқни боя мулоийин нулиб, карс-курс анор чайнаган жувон эмас, бошқа бир кимса сирли тарзда айтаётгандек эди:

Сунбулаю сунбула,
Ўраб олай гуд билан,
Менинг кўнглим сен билан,
Сен кетарсан ним билан?..

«Севгани ташлаб кетган! Йўқ, муносиб топилмаган...» Игит тўсиқ орқасига ўтди. Жувон чўчиб ўрнидан турди. Тиззасидаги балиқчилар тўри сирғалиб, хушбичим оёқларни лширди. Қўлидаги аллақандай темир ҳам тўз этиб ерга тушди.

— Кечирасиз,— деди Игит аста бориб унинг ёнига ўтираркан.

Жувон тўр тўғийидан темирни олиш учун энгагандан, йигитнинг кўзи унинг оппоқ сийнасига тушди. Димоғига одамни тасанкиратадиган бир хил ҳид урилди. «Журтгага шундай қилди,— деб йилади йигит,— ёқасининг тутмасини қадаб юрса бўларди-ку?» Аёл энди Неъматга галати туюлди. Юраги ғаш тортиди. Шу толгача сүвдек тиниқ нўринган бу аёлнинг алланмаси уни хавфга соларди. Нимагадир шу бегона аёл учун номуסי келди.

— Эрингиз қаерда?— деди дағалроқ товушда.

— Эрим йўқ!— Жувон жилмайди.
— Нега йўқ?— деди йигит худди ўз яқин одамини тергаётгандек зарда билан,
— Йўқ-да, бўлмайдми ҳам!
— Бўлганми?
— Нима десам экан...
— Айтинг! Айтинг!— талаб қилди йигит жувоннинг биллагидан ушлаб. Жувон таажуб-

лангандек йигитга ёчиб қаради. Қийиқ, хумор кўзлари порлади. Ол ёноқларда табассум уйнади.

— Нима, эрим бўлмаса олмоқчи эдингизми?— Жувон шарақлаб нулди. Неъматга шу топда беҳаб кўрилиб нетди. Жувон бошини орқага ташлаб ҳамон кулар экан, рўмоли сирғалиб олмасига тушди Қирқилган қундуз сочлари товланиб кетди. Игит жувоннинг рўмолига қўл узатди. Қаршилиқ бўлмагач, қўлини аста пастлатди. Жувон кули билан бўлиб сезмади шекилли, индамади. Игит уни белидан кучаман деб, қўли қорнига тегиб нетди. Жон ҳолатда қўлини тортиб олганини араг эслади, қаншарига шундай зарбали мушт тушдики, кўзларидан ўт чиқиб нетди. У узини четга олиб, бошини кўллари билан чангаллади. Қоронғида қоңилиб-сурилиб хонага кирди-да, ўрнига агардилди. Уятданин, аламданин қўзларида ёш қалқиди: «Нима қилдим мен аҳмоқ? Уйланмаган, олий маълумотли бир врач йигит ҳомилалор аёлга тегишдимми? Тентак, тентакман!»

Неъмат илондек тўлғана-тўлғана тонга яқин ухлаб қолди.

Саҳар уйгонди. Дераза ўрнидаги туйнундан осмон кўриниб турарди. Бўз осмонга маъносиз тикилиб ётган йигит яна хаёл сурди: «Бир оз лапанглаб юришию кўйлагининг ҳилпиллаб туриши— ҳаммасига тушундим. Аввалроқ пайқашин керак эди. Анорин ҳам ютониб ейиши...» Игит бўйнига тегиримон тоши осилгандек зўрга ўрнидан туриб, кийинди. Ташқарига чиқди. Довул тинибди. Денгиз ҳам уйқуга нетган андардек сукунда. Денгизни кўриб кўнгли беҳзўр бўлди. Жувоннинг юзига тик қарай олмаслигини билиб, нетгиси келди. Утовга нираётганида жувонга кўзи тушиб, останада тақча тўхтади. Кираверишда, тунуна печна ёнида жувон ғужманак бўлиб ухлаб ётарди. Соч юзларини туйнундан, Устида оппоқ чойшаб. Оёқларининг учигина кўрилиб турибди. Кетиши керак, ҳозироқ кетиши керак. Игит шошиб чамадонини очди-да, ҳамма анорин олиб хонтахта устига терди. Шошилиб эшик томонга ўтди. Тамбага қоңилиб кетди. Тарақлаган товушга жувон ҳатто қимир ҳам этмади. Беозор, пиш-пиш ухламоқда. Игит эшинини гичирлатмаслиқна тиришиб сенкигина юзига ёлди.

Ташқарида бир оз уйланиб турди-да, сўнг ўнг томонга йўриб кетди.

У анча йўл босди. Ленин йўлининг поёни йўндан эди, Юраверди, юраверди... Бора-бора қўмликни ўз ўрнини сийқларга, дархат ва чанкалзорларга бўшатиб бера бошларди. Ниҳоят, чанкалзор сийранлашгач, элас-элас бир ўтов нўзга ташланди. «Шунур-а!», деб юборди йигит. Жадал ўша томонга бурилди.

Ўтов атрофида бир сурув қўй-қўзи утлаб юрар, цопцора болакай ўйнаб ўтирар эди. Нарироқда, янча тутнинг соясида бир кампир кувни пишмоқда.

— Ассалом, эна.

— Ваалайкум, Кел, қароғим, — кампир йигитга ўғирилди.

Неъмат чарчаганиданин, таклиф ҳам кутмай шолчага ўтирди. Ҳалиги бола ҳам унинг олдига югуриб келди. Неъмат унинг пучуқ бурнини кинопани босгандек босиб қўйди.

— Қалай, мол-жон омонми, эна?

— Шунур, чироғим, худойга шунур,— деди кампир, сўнг ўтов томонга қичқирди:— Оқбодом-ув, ҳой Оқбодом!

Ўтовдан аёл чиқди. У Неъмат билан бош ирғаб сўрашди. Сўнг узун кўйлагини ҳилпиллатиб, танинчоқларини жаранглатиб нетди, зумда натта қосада қимиз олиб нелиб, йигитга узатди. Неъмат қосани бир кўтаришда бўшатди.

Қимиз салдаёқ қиздириб, бошини айлантирди. Кампир сездя шенилли:

— Оқбодом, этни келтир,— деди.

Оқбодом лағанда яхна гўшт ва ининта нон қўйиб нетди. Игит гўштин ийманибгина еяёшлади. Кампир сўради:

— Йўл бўлсин, бўтам?

— Шаҳарга.

— Нунусгами?

— Ҳа.

— Қаршига юрибсан бўтам, Орқага қайтишинг керак. Хув пастда ўтов бор. Маёқчи жувон Гулойимнинг ўтовни, шуба бор, қароғим. У ердан пароходга тушиб кетасан. Пароход қачон келишини Гулойим билади.

— Мен пароходда юролмайман, эна, бошим айланади.

Кампир ажабланибми ёки раҳми келибми, жим қолди.

— Бошча йўл йўқ, бўтам. Бу ер орол. Қўй-қўзиларни ҳам қишда пароходда қишлоқимизга олиб кетамиз.

— У маёқчи жувон ҳам қишда кетадими?

— Гулойимми? Билмадим, қароғим. Ой-кунни яқин, нетса эмас эмас. Илоҳим, эсон-омон кутулиб олсин-да.

Игит қоңилиб пароходни шу ерда кутса ҳам бўлар эди, аммо оёқлари ўз-ўзидан орқага, денгиз соҳиллига тортаверди. Яна ўша йўл. Чанкалзор, гийҳлар, сўнг қўмлик... Игит бо-тиннасини ечиб, кумда узоқ юрди. Ниҳоят, денгиз ҳиди денгизга урилди. У чуңур нафас олди. Юраги безовга... Сенин бориб ўтов орқасидаги тахта тўсиққа қаради. Гулойим йўқ эди. Игит атрофга алачқлади. Шунда у неча кўрмаган маёқча кўзи тушди. Гулойим уни тозаллаб, керосин кўйиб келаятган бўлса керак. Неъмат нўринларироқ жойга чиқиб турди. Гулойим аста тебраниб келар экан, йигитни кўриб жилмайди. Неъмат шу табассумни нутгандек, жувон этиб немласидан ўтовга кириб нетди. Хонадаги ҳар бир нарсга, тунуна печна ҳам, сандиқ ҳам унга мунис-мехрибондек эди. Гулойим кирди. Энди нечагидек нўраги очин кўйлаанда эмас, қалин қора кофта кийиб олган, оёқларида мўжазгина этин.

— Қайтиб келишингизни билардим,— деди у жилмайиб. Унинг хумор кўзларида тиниқ



Амунинг кумуш жилвалари.

С. БЕЗНОСОВ фототюди

туйгулар аксини кўриб Йигит енгил тортди, Дудуқланди:

— Ҳа, бир оз айланаиб келдим...

— Қалай, Ойша эна, Оқбодомлар яхши эканми?

— Дуруст, салом айтишди.

«У ерга борганимни қаердан билаёлди экан?», деб ўйлади Неъмат. Гулоийм фонусни ёқиб чиқиб кетди. Хона сирли кўриниш насб этди. Йигит кечаги жойига чўзилди: «Ким ўзи бу Гулоийм? Нега аёл боши билан шундай оролда бир ўзи эрканнинг юмушини қилиб, маёвчи бўлиб юрибди!»

Гулоийм носага овнат қуйиб келди:

— Ичинг, балиқ шўрва эмас, мастава.

— Раҳмат...— Йигит райҳон иси келиб турган қатиқли маставани иштаҳа билан ича бошлади. Гулоийм унинг қаршисига ўтириб, чала тўқилган тўрини қўлга олди.

Ташқарида нимадир тарақлади, сўнг оёқ товуши эшитилди. Гулоийм елкасига рўмолини ташлаб ўрнидан турди, Йигитга бир қараб қўйиб, ташқарига чиқиб кетди. Сўнг ҳамма ёнча сунунат чўнди. Йигит бутун вужуди билан ташқарига қўлоқ солди. Сокиллик. Сабри чидамади. Гулоиймдан хавфсираб ташқарига чиқди. Оёқ учиди юриб тўсиқ томон борди. Тўсиқ ортидан шуъла кўринди. Йигит нафасини ютди. Қандайдир бир киши Гулоиймга илтижо қилиб гапирарди:

— Гулоийм, жонгинам, юр олиб нетай, ойкунинг яқин ахир!

— Кетолмайман.

— Бўлмаса мен қолай?

— Йўқ!

Эркан оғир ўх тортди:

— Қандай қилиб ёлғиз қоласан ахир, олиб нетай?..

— Йўқ...

— Яхши кўрмас экансан-да?

— Афсуски яхши кўраман...— Гулоийм хўрсинди.

Неъмат икки оташ қалбнинг энг позин му-

қаддас туйгуларини ўғирлаб олаётганини билса-да, кетолмади. Юрагининг аллақериди рашини, муҳаббатни, қандайдир ҳислар жам бўлдию уни шу ерга михлаб қўйди.

— Сендан бўлак ҳеч нимим йўқ! Нетайлин!— илтижо қилди эркан.

— Ҳанифани ўйла. Бечорага қийин.

— Мевасиз дарахт, нераги йўқ менга!— Эркан титраб Гулоиймини елкасидан кучди, аёлининг юзини кўксига босди.

Шу пайт денгиз томондан аввал ҳуштак, сўнг бир кишининг «Юсуф, ҳой Юсуф!», деб чақиргани эшитилди. Эркан Гулоиймнинг юз-кўзларидан ўпди. Кейин денгиз томон чопиб кетди. Неъмат қирғоқда турган моторли қайиқни энди кўрди. Қайиқ чироқларини милтиллаб кўздан гойиб бўлгунча Гулоийм тикилиб турди. Кейин эста ўтов томон қайтди. Неъмат пешвоз чинди:

— Кечирасиз...

Гулоийм ўғирлиб қалам қошларини чимирди.

— Ҳа, сизмисиз... Кечирим сўрашингизнинг ҳождати йўқ. Сизга ишонган эдим. Ҳозир ҳам ишонманам.

Гулоийм маънос бир қиёфада ўтовга кириб кетди. Йигит ҳам изма-из кирди.

— Кечирасиз,— деди Гулоиймга яқинлашиб,— ҳамма гилларингизни эшитдим. Нега бундай қилдингиз? Ахир у сизни... севади-ну?

— Ҳа севади, мен ҳам...— Гулоийм хўрсинди.— Ҳамма бало шунда-да.. Меннинг бахтим бировнинг кўзини чиқармаса, деб кўрчаман...

— Ким у биров, Ҳанифаи?

— Ҳанифа!— Гулоийм индамай қолди.

Неъмат сездди. У ўзи ҳақида сўзлашни ёмон кўрар экан. Шу сабабдан ҳам кўзларини йигитдан олиб қочди. Бир оздан сўнг таажнубланиб Неъматга қаради. Олдин чимирилди. Лекин, самимий бир меҳр ва ҳурмат балдиб турган кўзларга бардош беролмади, Йигитга бир нигоҳ ташлаб юмшади:

— Ҳанифа унинг хотини, олдинги хотини. У билан ажрашаман, деб юрибди.

— Бечоранд бўлгани учумни?

— Ҳа...

— Хўш, агар қонуний ажралишар экан, нега уни қоралайсиз?

Гулоийм йигитга таъна билан қаради, чуқур хўрсинди:

— Мен Юсуфни ҳам, Ҳанифани ҳам қораламоқчи эмасман. Фақат узимни қоралайман, Бали мен бўлмасам, улар ажралишмасмиди...

Йигит сукутга чўмди. Шу топда у бутун бисотидаги энг илиқ, энг азиз сўзлари билан Гулоиймини юпанчларга кўмиб ташлагиси келди. Лекин, Гулоиймнинг туриш-турмуши, «мен тасаллию юпанчларга муҳожир эмасман», дегандек мағрур эди.

— Бир кун Ҳанифа билан юзма-юз келдим. У мени ёзғирмади. «Майли, бахтли бўлинг. Мен уни бутун меҳру муҳаббатим билан севдим, лекин қувонч бахш этолмадим. Сиз қувонч бахш этинг», деди. Уша нунийё сочларимни шартта несиб ташладим, Қишлоғимиздан бошимни олиб чиқиб кетдим. Ҳеч нимим йўқ. На отам, на онам бор. Елғиз яшаб ўрганганман. Шу ерни танладим. Лекин, тезда Юсуф мени топиб олди. Ахир у Ҳанифани ҳам севган-ку, бир неча йил бир ёстиқча бош қўйган-ку, энди... Сочларимни севар экан, сочларимни йўқ қилдим. Болам учун сева... Йўқ, лекин уни йўқ қила олмадим. Қўлим бормади. Мен дунёда шундай севиғ бўлишни истайман. Бу севиғ сумбул сочлар учун ҳам, оху кўзлар учун ҳам, фарзанд учун ҳам бўлмаса,— Гулоийм юзини чангаллаб жим қолди.— Бу севиғ то абад қолса, мен шуни истайман...

...Яна кундуз сочлар Гулоиймнинг бутун малоҳатини кўз-кўз қилиб, елкаси оша товланди. Ирода балқиган гўзал чехрасида, барно қаддида ҳаёт таҷтанаси ҳумирон эди. Йигит ўйлади: «Сен ҳаётнинг ўзисан! Муҳаббат ҳам ўзингсан! То абад севгисан, то абад ҳаётсан!..»

ОНА МАДҲИ



Меҳр.

Р. АШУРОВ фотоси

Минг бор қуллук

Одамзоднинг луғат китобини фикран варақлайман. Тафаккур юксала борган сари турли янги сўзлар пайдо бўлаверибди. Китобнинг сўнги саҳифасида: «Кибернетика», «Космос»... Лекин мен бу китобнинг бош сўзини ҳам билгим келади. Биринчи саҳифани очаман: «Она», «Ота», «Опа», «Ака»... Қардошлик номлари. Ажабо, кўплари фақат бир товуш билан фарқланади.

«Она!»— гўдакнинг сутли сийнага талпинганида дилига келган биринчи сўз.

Она — юраги остида бир туртки сезганда эзгу ҳислар тўлкинида энтиккан-ку! Мен дунёга келганда вужудини зирқиратган оғриқни енгиб жилмайган-ку! Биринчи бор «Она» деганимда севинчи кўкка симаган-ку!

Она! Оламда не борки, унда мен Сени кўрдим. Она! Оламда не борки, уни мен Сенда кўрдим. Сен замину мен гиёҳ, униб чиқдим. Мен гиёҳу Сен кўёш, нурингдан баҳра олдим. Кўёшнинг етти ранг нурини Сендан топдим. Сен мени унга йўғирдинг — фарзандингман, инсоиман!

Она! Қуллук унга, минг бор қуллук.

Мен уни эъозлагум, кифтимда кўтаргум. Нурафшон дилига зарра хираликни раво кўрмагум.

Она! Одамзод тарихини бошлаган — у! Миллион йиллар илгари ва бугунги, эртаги ва миллион йиллар кейинги ҳаёт китобининг сарлавҳаси — у! Қуллук унга, минг бор қуллук!

Илк ҳис

Гўдак нафасидек майин шабада уфурди. Навнихол чинор берганда чирак чалди. Шабаданинг шўхлиги ортгандан ортди, қизларнинг этакларига илашиб, юзларини ҳаё оловида ёндирди.

Унинг қанотида келган кўй суруви сингари бўлутлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Чақмоқ чақди. Момақалди роқ гулдирди. Аввал йирик-йирик илиқ томчилар тушди. Кейин ҳамма ёқни ёмғир тўри қоплади, асфальтда сон-саноксиз пуфакчалар ўйнади...

Яна чақмоқ. Булут киприкларига илашган сўнги томчиларни тўкди.

Кўёш ярқ этди. Ярқ этдию худди йўқотган нарсасини топгандек, — оқиқ деразадан куюлиб кирди. Кўзачадаги даста гул лов ёнди. Гул япроқларида анвои ранглар рақсини кўрдим, кулгисини эшитдим. Назаримда кўксим баҳорнинг мусаффо осмонидек кенгайиб, кўёшни сиғдирди, гул атрига тўлди. Эҳтимол, одам бу ҳисни онадан туғилиб, илк бор нафас олиб ўлкаси тўлганда ва илк бор кўз очиб нурни сезганда кечирса...

Унинг қалби

Эшик қоқаман. Ҳовлида шошилинч ва енгил қадам товушлари...

Ойим! У севинч қанотида, оёқлари ерга тегиб-тегмай учади. Зум ўтмай эшик очилади.

— Вой, ойинг қоқиндиқ, сезувдим-а бугун кириб келишингни. Ойим ҳар сафар ана шундай деб мени бағрига олади.

Қизик, у менинг келишимни қаёқдан билар экан?

Она қалби!

Омон ЖОРҚИНБОВ



Мардлар майдонда.
Сув буйлари оромбахш.
Эртаги куннинг усталари.
Иироқлар чорлайди.

С. БЕЗНОСОВ, У. РАҲИМОВ ва
С. АРУТЮНОВ фотолари

ГУЛИСТОН
ОЙНАСИ



...Улуғ Ватан урушининг сўнги йиллари. Бир куни Шоислом Шомуҳамедов чегара-чи дўстлари билан дам олиб ўтираркан, куролдошларидан бири сўради:


— Мана, уруш ҳам тугаб қолди. Омон-эсон уйга қайтсанг, нима иш қиласан?

— Уқийман,— деди Шоислом.

Чиндан ҳам у ҳарбий хизматдан қайта-га, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетига, эрон-афгон бўлимида ўқий бошлади. Студентлик давридаёқ у ҳавас билан ўқир, тинмай муролаа қилар эди. Яхши йил бахоридан маълум, деганларидек, бўлажак олим шу вақтдаёқ келажак фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб олди. Унда форс-тожик шоирлари ижодига оловли бир муҳаббат бор эди. Гоҳо уларнинг шеърларини ўқиб, шодлиги ичига сиғмас, кимгадир ўзбекчалаштириб айтгиси келар, ўзи учун таржималар қилар, қайта-қайта мутолаа қилиб чарчамас эди. Рудакий, Фирдавсий, Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Жомий... Ҳар бири бир олам. Бир-биридан улуғ шеърият соҳиблари. Дарвоқе, унинг отаси Шомоҳамуд ака ҳам бу шоирларни, айниқса Ҳофиз ва Румийни севиб ўқирди. Ҳофиз шеърларининг маъносини тушуниб етмас ҳам, улардаги сеҳрли бир муסיқийлик Шоисломни ўзига болалигидаёқ мафтун этган эди.

Йиллар ўтди. Шоислом ўқишни аъло бахолар билан тугатди. Уни факультетнинг ўзида аспирантурага олиб қолишди. Аспирантлик йилларидаёқ факультетда форс адабиёти тарихи курсини олиб борди. Кечаги студент — бугун муаллим. Шоисломда ишга, ўқишга бўлган ғайрат-шижоат тобора қайнаб борар эди.

1957 йилда эрон шоири Эҳсон Табарий ижоди ҳақида кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу йилларда унинг ҳаётида яна бир воқеа юз берди. Қўнларнинг бирида Умар Хайём рубойларидан қилган баъзи таржималарини отахон шоир Фафур Фуломга кўрсатди. Фафур ака уларга бирикки тузатиш киритди. Бу тузатишлар олтин узукка ёқут кўз кўйгандек бўлди. Устоз бу таржималардан мамнун бўлиб, Шоисломга яхши истак билдирди. Орадан кўп ўтмай Умар Хайём рубойлари алоҳида



ШАРҚШУНОС, ШОИР

китоб бўлиб босилиб чиқди. Китобни Фафур Фулом тахрир қилиб берган эди. До-нишманд шоирнинг шеърлари ўзбекча жа-ранглади, қалблардан жой олди, кичик китобча кўлма-кўл бўлиб кетди.

Шундан сўнг Шоислом Шомуҳамедов-нинг феолиятида янги қирра очилди. Ки-тобхонлар унинг шеърий таржималарини зориқиб кутадиган бўлдилар. Носир Хус-рав, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Баҳор, Ло-ҳутий каби форс-тожик шоирларнинг шеърлари унинг таржимасида газета ва журналларда босилиб чиқди, алоҳида нашр этилди. Ш. Шомуҳамедов таржимасидаги форс-тожик классикларининг ҳикматли сўзларини ўз ичига олган «Минг бир ҳик-

мата номли китобча ҳам ўзбек китобхон-ларига яхши тўхфа бўлди.

Олим қайси бир шоир шеърини таржи-ма қилмасин, унинг ижодини илмий жи-ҳатдан ҳам чуқур ўрганишга, адабиёт та-рихида илгор гуманистик ғояларни ривож-лантиришдаги ўрнини ҳам белгилашга инти-лар, ҳар бир янги китобга илмий муқад-дималар илова қилар эди. Бу таржималар, бу илмий ишлар ҳозирги замон ўзбек китобхонига минг йиллик форс-тожик ада-биётини янгидан кашф этди. Таниқли олим-нинг чуқур илмий тадқиқотлари сифатида «Умар Хайём», «Саъдий Шерозий», «Ҳофиз Шерозий», «Абдурахмон Жомий», «Малик уш-шаро Баҳор» каби китобларини кўрсати-ш мумкин.

Нихоят 1968 йилда Ш. Шомуҳамедов кўп йиллик меҳнати — «Форс-тожик адаби-ёти классиклари ижодида гуманизм» деган монографиясини тугатиб нашр эттир-ди ва уни докторлик диссертацияси сифа-тида муваффақият билан ёқлади.

Филология фанлари доктори, профес-сор Шоислом Шомуҳамедов энди кўзга кўринган олим, устоз муаллим, таржимон-шоир. У шарқшунослик бўйича Иттифо-қимизда ва чет элларда ўтган бир қанча илмий анжуманларнинг фвал иштирокчи-си, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, форс-тожик классик шоирлари ҳақидаги ўн бешдан ортиқ китоб, элиқдан ортиқ илмий мақола, икки шеърий тўплам муал-лифи. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уни уч марта Фахрий ёрлик бил-лан тақдирлади.

Олимнинг режалари катта, ғайрат ва ил-ҳоми ҳамон жўш уриб турибди. Яқиндаги-на у Мирзо Бедил рубойларидан бир тўп-лам таржима қилиб тугаллади. Мендан «Шоислом Шомуҳамедов олимми, таржи-монми?» деб сўрасалар: «Олимлик унинг касби, шоирлик эса унинг фазилати» деб жавоб берган бўлардим.

Шоислом Шомуҳамедов 50 ёшга тўлди. Биз бу заҳматқаш олим ва истеъодли шоирдан янгидан-янги илмий тадқиқотлар, шеърий маъмувалар кутамиз.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори, Беруний мукофотининг лауреати

Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ

РУБОЙЛАР

Мирзо Абдулқодир Бедил кўҳна Шарқ-нинг яҳсон маданияти тараққиётига севи-ларли тасвир кўрсатган буюк сиймолари-дан биридир. У 1644 йилда Ҳиндистоннинг Азимобод (Патна) шаҳрида эсли шахрисеаб-лик барлос уруғидан бўлган ўзбек она-сида дунёга келди ва умрининг охиригача (1721 йилгача) Ҳиндистонда яшаб, ижод этди.

Бедил ҳаётлик чоғидаёқ файласуф олим ва нозик дидли форсигўй шоир сифатида кенг танилди. Унинг «Ирфон» («Билм-лар»), «Нуқот» («Ҳикматли сўзлар»), «Чор унсур» («Тўрт унсур») каби йирик асарла-ри, ғазал, мактуб ва рубойлари ҳануз ки-тобхонни ҳайратга солади, ақлларни маф-

тун этиб келади. Файласуф шоирнинг олам-олам маънони мужассам этган ҳар бир мисраини қўвшини бағрига сиғдирган қат-рага қисс этиш мумкин. Фақат фарқ шун-даки, қатрадаги қўёш ўз ҳароратини йўқот-са шоир мисридаги олам ўз ҳароратини. Ўз ҳаракатини сақлаб қолган. Бедилнинг асрлардан буён «дақиқ» ёки «дақиқ тавақ-қуллу» яъни чуқур маъноли, ўткир ва но-зик тушуянчали, деб ном олишининг боиси ҳам шунда.

Шарқшунос олимимиз Шоислом Шому-хамедов таржимасида эътиборингизга ҳа-вола этаётганимиз бу рубойлар буюк шо-ир асарларини ўзбекчалаштириш борасида-ги илк тажрибалардандир.

Ҳавас таркин этмоқ кўп маҳол бунда,
Эркинлик факат бир эҳтинол бунда.
Нимага боқмайин дил бўлур асир,
Кўнгил узмоқ эса бўш ҳаёл бунда.

Бедил, ҳамма вақт изтироб бунда,
Тинчлик — ҳаёлу туш ё сароб бунда.
Ҳаракатсиз бўлмас ҳатто чол пайдо,
Илдиз сўвда, тупроқ бир ниқоб бунда.

Бу бир денгиз, солмиш бизларга сиртмоқ
Тигу шамширингга ишонма ҳар чоқ.
Ҳар тўлқин интиқон камари бунда,
Ундаги ҳар балик ўк тўла садок.

Афв эт халқдан келса яхшию ёмон,
Адоватдан қочиб ҳузур қил, инсон.
Кибру ҳасад бермас кишига ором,
Одамни менсимай қўвилмиш шайтон.

Соч оқарғач, кўйдим дилим гиш-гиштин,
Ерга отдим ҳаво-ҳавас тавшишин.
Шам равнақ топчағи отганида тонг,
Пилик торта бошлар аланга учин.

Ўз шуурингдан бўл бегона, Бедил,
Жаҳолат созин чап, девона Бедил.
Дуд ила губордир бу дунё бари,
Кўз юм, сабил қолсин бу хона, Бедил.

Мантиқсиз афсона тутмиш оламни,
Фаҳи эт-да, ўйлама ҳеч кўпу камни.
Ғазаб тавқин илб шайтон бўйнига,
Нечундир жаннатдан қувмиш одамни.

Ким боилки фикрига асиру бетоб,
Томчи май ҳидидан хўп масту хароб.
Бедил, мол жамғармоқ заҳматин чекма,
Дур терган ип бўлмас файзидан сероб.

Ҳар нарса асосин, нисбатин; англа,
Сўнг унинг маънони суваратин англа.
Олам ҳўкис эмиш балиқча минган,
Балиқ ҳаводамиз — иллатин англа!

Бу харобазорда истасанг роҳат,
Дўста қўшилиб топ дилга ҳоловат.
Токи бир-биридан кинриқлар жудо —
Ҳамон уйқусизлик, ҳаяжон, ҳайрат...


Киприқдан қон тўкиб, лозазор топдинг,
Булутдек ёш тўкиб, навбахор топдинг,
Дардсиз кўнгил очмоқ маҳолдир, маҳол,
Оёқ ярасида тикан-хор топдинг.

Ҳар кўнгилда бордир умр талоши,
Кўнгилдан ишорат томчи кўз ёши.
Кўкламда илдизсиз ўсмас бир ниҳол,
Яранинг ҳам бордир илдиз, боши.

Зоҳид табнати совуқ, мисли ях,
Уни иситолмас ҳаттоки дўзах.
Шаклга кирмаган она қорнида
Иссиқда ҳам қотар, тухумдек қарахт.

Биздан на ишқ ва на ҳавас қолажак,
Оҳимиз тўлган бу нафас қолажак.
Фикрида абадлик, лек нафасим дер:
«Умр қарвонидан жарас қолажак».

Форсчадан
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ таржимаси



Ани баҳор кунлари пойтахтимизга қирчиллама қиш ўйини — катта хочней кириб келди. Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройида Ўзбекистон кубоги — «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг совринини олиш учун кураш қизгин ўтди. Тошкент музи — 71» мусобақасида Москванинг «Спартак» командаси энг кўп — 6 очко тўплаб, совринни олишга муяссар бўлди. Суратларда: 1. «Спартак» ва «Химик» командалари ўртасидаги ўйин пайти, 2. Мезонлар СССР чемпиони МАСН командаси аъзоларига нон-туз тортиқ қилдилар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



II

оезд кўзгалди. Карам-қарши ўтирганларнинг кўзи деразада. Қиз нимани кўраётган бўлса, йигит ҳам ўша нарсани кўради: станциядаги охириги бинолар, дарахтлар, экинзор дала... Ленин, тасаввурлар, таассуротлари ва тафаккурлари бир хилмикан? Купеда ҳануз нимжитили. Фақат поезд гилдираклари:

ри:нинг пўлат излар уланган жойларга мунтазам урилиши кўлоққа чалинади. Йигит нотаниш қизга зимдан қарайди. Ҳамроҳи жуда мийдий. Ленин бир купеда бўла туриб, бутун йўл давомида индамай кетиш ҳам нокулай. У ўзига хос савлат билан ўрнидан турди-да, репордунтор мурватини буради. Сўнги ахборот эшиттирилайтган экан, Динтор «Луноход-1» автоматик аппарат тунаб бўлганидан сўнг, тонг отиши билан яна ишга тушиб кетганини гапирарди. Йигит мийғида кўлиб, ўзича сўзланди:

— «Луноход» фақат кундузи юрса, поездимиз, мана, кечаси ҳам юради. Бир кеча-кундузда «Луноход» 12 соат юрса, бизники 24 соат ҳаракатда.

— Ойнинг кеча-кундузи неча соат экан?— жилмайиб сўради қиз. Ҳамроҳининг гапира бошлагани йигитни қувонтирди.

— 24 соат бўлмаса кеча-кундуз бўлармиди?— жавоб берди у қойил қилган қивфада.

— 24 ни 13,5 га кўпайтиринг, қанча бўларкан?

Йигит ёддан ҳисоблашга уриниб кўрди. Эплай олмагач, ёнини кавлаштириб қогоз-қалам қидирди.

— 324 соат,— қиз йигитга ёрдам берди.— Ойда кундуз шунча бўлади. Демак, «Луноход» ҳар кунни 324 соат ишлар экан.

Йигит ўзининг билим доираси торлигидан озроқ уялиб қолди. Ленин қиз боладан енгилганига тан бергиси келмай, унинг исмини сўради.

— Ойниса.

— Жуда яхши. Ойниса. Ой... Мен сизга йўлдошман,— деб кулги-га олди йигит.— Иسمин йўлдошбой.

Ойниса бўш келмади:

— Афсуски, Ой йўлдошсиз.

— У ҳолда яна яхши. Йўлдошсиз Ойга йўлдош бўлиш катта бахт.

— Ойга сунъий йўлдошлар учирилган, лекин улар табиий бўла олмайди.

— Ой ҳам, эшитишимча, аслида сунъий йўлдош бўлган. Кейин, бориб-бориб, табиий йўлдош бўлиб кетган.

— Ойнинг сунъий йўлдош сифатида Ердан учирилганиги ҳақида фаразлар бор, албатта. Лекин ҳали илмий жиҳатдан асосланмаган. Ой Ернинг йўлдоши экан, улар биргаликда пайдо бўлган, деган фаразлар ҳам йўқ эмас, албатта. Ой билан Ер қадим замонларда қўш сайёра бўлган, дегувчилар ҳам бор. Лекин Ойнинг массаси Ернинг массасидан 81 марта кичик. Шундай муносабатда бўлган қўш жисмининг бир вақтда пайдо бўлиши фанга маълум эмас.

— Юлдузлари тўғри келса бўлди-да, Массаси-массасига қарайдики!

— Юлдузлар кўп. Аммо бизга энг яқин юлдуз битта, у ҳам бўлса Қўёшдир.

— Қўёш мен учун Ой бўлолмайди. Узоқдаги Қўёшдан ёнимдаги Ой яхши.

— Ой Ердан узоқлашиб кетган, деган фикр бор,— йигитнинг гапини эшитмаганга солиб, фирини давом эттирди қиз.— Чарльз Дарвиннинг ўғли астроном Жорж Дарвиннинг таҳминича, миллиард йиллар илгари Ой билан Ер бир бутун эриган ҳолатда бўлган. Бундай жисм ўз ўқи атрофида айланишда шаклини ўзгартиради. Агар секинроқ айланса, кутблари япаски, ҳандалак шаклига кирди, тезроқ айланса наштавига ўхшаб қолади. Ўша наштавига ўхшаган жисм тез айланиши натижасида бўйни ингичкалашиб бориб, узалиб кетади. Ниҳоят ундан Ер билан Ой ҳосил бўлган, деган эди Жорж. Академик Александр Ляпунов асримизнинг бошида унинг бу фикрига қўшилмади. Олдин бирга бўлган нарсалар ажралмаслигини формулалар ёрдамида исботлаб берди. Бу баҳсга астроном Жинс аралашди. У Ляпуновнинг тарафини олади. Кейинги йилларда Ойнинг пайдо бўлиши ҳақида янги гипотеза майдонга чиқди.

— Гипотеза сўзини эшитсам, бир ўртоғимга қилган ёрдамим эсимга тушади. У имтиҳондан ўтаётганида мен унга гипотеза катетлар йигиндисиغا тенглигини ёзиб узатган эдим. Дўстлик, ҳамжиҳатликни нима етсин...

— Ўртоғингизга гипотенузанинг квадрати катетлар квадратларининг йигиндисиغا тенглигини айтмоқчи бўлгансиз-да.

— У ўртоғим квадрат билан кубнинг фарқига бормас эди. Авваллари характеримиз ҳар хил эди. Кейин жуда иноқлашиб кетдик.

— Шунга ўхшаш, Ой билан Ер, Альвен деган олимнинг айтишича, олдин бир-биридан жуда узоқ масофада бўлган. Уларнинг бир-бирлари билан ҳеч қандай алоқалари бўлмаган.

— Демак, улар таниш бўлмаган, денг? Кейин қандай қилиб танишишди?

— Уларнинг танишиши бундай бўлган. Ер ўз йули билан Қўёш атрофида айланиб юрганида Ойга учрашиб қолади. У вақтларда Ой ҳам кичик сайёра каби бевосита Қўёш атрофида айланадиган бир жисм экан, Иккалови ёнма-ён, лекин ҳар хил йўлдан бир-бирини синаб, ўрганиб боради. Уларнинг массалари, тезликлари, траекториялари, умуман, сизнинг таъбирингиз билан айтганда, характерлари ҳар хил экан. Бирини тез, иккинчиси секинроқ кетаётган экан.

— Ойнинг тез кетаётганини кўриб қолган йўлдоши отини қамчилагандир-да?

— У вақтларда йўлдош бўлмаган экан. Кейин, кимнинг кимга етиб олгани ҳам маълум эмас.

— Офарин, қойилман. Фараз қилайлик, энга Ой етиб олди. Кейин гапини қандай бошлашибди?

— Буниси ҳам номаълум. Маълум бир вақт ичида Ернинг ҳаракати Ойнинг ҳаракатига таъсир этаверди, ниҳоят Ой ўзи кетаётган йўлдан секин бурилиб, Ер томон йўналади.

— Бу ҳикоянгиз зўр экан. Мана шунақа ошиз-маъшуқларни мен

ёқтираман. Хўш, маъшуа, демак, секин, ўз майли билан ошиқ томон бурилибди, жилмайибди. Ой ўзининг бадр жамолини кўрсатиб, ҳиллол қосини учириб табассум қилди. Ҳа, яна ёнига ўтиб, кўлтиқлашганча индамай кетаверибди... Ундан сўнг нима бўлибди?

— Кўёш атрофида айланган «кички сайёра» — Ой, бориб-бориб Ер атрофида айланадиган йўлдошга айланб қўлибди. Мана, бир неча милларди йилдирми, улар Кўёш бағрида биргаликда яшайдилар.

— Яъни, улар ҳамма вақт тотув. Шундаки бўлса экан. Шу гаплар ҳақ гапми?

— Номаълум. «Луноход-1» Ойни кўп жиҳатдан текширди. Ой тупроғининг кимёвий тарихи, Ой жинсларининг ёши, келиб чиқиши масалаларига оид кўп қимматли ахборот берди. Ойнинг ташқи ва ички таълишига доир олинган маълумотлар унинг қандай келиб чиққанлиги масаласига жавоб топиш имконини беради.

— Бизнинг «Луноход»имиз зўр чиқди-да. Мана, газетда ёзилибди: «Космик тадқиқотлар Европа ташкилотининг президенти Гарри Мессин...»

— Ҳа, Мессин — зўр олим. Унинг «Физикада янги давр» деган аjoyиб китоби бор.

— Ана ўша Мессин шундай дебди: «Совет Иттифоқи томонидан «Луна-16» ва «Луна-17» автоматик станцияларининг учурилиши натижасида кўлга киритилган аjoyиб ютуқлар, менинг нуқтаи назаримда, келгусида одам бошқарадиган кемаларга эътибор бериш керакми, ёки автоматик станцияларга, деган мунозарасига чен кўяди. Келгусида Ойни ва сайёраларни ўрганиш тақдирини бевосита автоматик станцияларга боғлиқ — бу энди оқиё-оқидин кўриниб турибди... Шу билан бирга бу маъсадга мувофиқроқ ва тежамдор усуллар». Демак, одам бошқарадиган станциядан автоматик станция афзал экан. Автоматик станцияларнинг-ку тандирини шундай экан, менинг Ой ҳақидаги ҳаёлим ҳам амалга ошар деган умиддаман...

ОЙ ҲАҚИДА ДИАЛОГ

— Бундан 200 йил илгари астроном Гершель ҳам Ой ҳақида ҳаёл сурган экан. У айтган экан: «Ойдаги тоғлар ва водийлар аjoyиб. Океан ўрнида беповн тенисликлар бор. Улар хушманзара ўтлоқлардир. Агар мендан: «Ерда яшайсанми, Ойдаими?», деб сўрасалар, мен: «Ойда», деб жавоб берадими», деган экан Гершель.

— У ҳам Ойдан баҳраманд бўламан деган экан-да?
— Илм-фан ютуқларининг амалии ишда қўлланиши — олимларнинг асосий маъсди. Ленин бунга эришиш жуда машаққатли. Масалан, Галилей XVII аср бошларида Ойда тоғлар борлигини кўради. Ленин у тоғ водийларидан баҳраманд бўлмади.

— Энг ёмон нарса — умиднинг амалга ошмаслиги.
— Илмдаги умид айл-заковат, мехнат натижасида рўёбга чиқади, албатта. Шу маъсадда Галилей, ҳатто, Ой тоғлари баландликларини соясининг узунлигига қараб ўлчаб чиққан эди.

— Сояга қараб баландлигини аниқлаш усулини ал-Хоразмий топган, деб эшитгандай эдим, — деди йигит.

— Тўғри, тангенслар жадвалини ал-Хоразмий берган. Сўнг Ян Гевелий биринчи марта Ой харитасини тузди.

— Анави пиво пиширишда ном чиқарган Гевелийми?

— Худди ўша Гевелий. У пиво пишириш технологиясини билан бўш вақтларида шуғулланган. Бутун ҳаётини астрономияга бағишлаган. У бундан уч аср илгари машҳур «Юдузлар атласи»ни яратди. Бу асар яқинда Тошкентда нашр этилди, кетма-кет икки марта. Тез орада бутун дунёга тарқалди.

— Нега бунча?

— Бу китобда жаҳоннинг икки минг йил давомида яшаган энг улуг астрономларининг анжумани тасвирланган, Улар ичида Улуғбек ҳам бор. Унга тўрдан жой беришган.

— Мен ҳам унча-мунча китоб мутолаа қилиб тураман. Қори-Нивъ-зийнинг Улуғбек ҳақидаги китобини олганман. Зўр ёзган, Айнисса,

мenga Улуғбек билан Гибсиддин Кошиқнинг баҳси ёқди. Узоқ-яқинлик ҳақида савол-жавоб қилишган экан. Масалан, мана шу икнамазмининг ўтиришимизни яқинлик деб биламан.

— Яқинлик — перигей, узоқлик — апогей. Ой, сайёра ва сунъий йўлдошларнинг орбиталари айлана бўлмай, эллипс шаклида бўлганлигидан марказга гоҳо яқинлашиб, гоҳо узоқлашади. Мирзо Улуғбек расадхона кенгашида илмий маъруза қилганида буюк мунозимим ва риёзоним — математик Гибсиддин Кошиқнинг: «Нима сабабдан бошқа рисолаларда узоқлик ва яқинлик нуқталарининг тенгламалари жадалда берилмаган?», деган саволига Улуғбек: «Менинг рисоламда уларни бевосита жадалдан аниқлаш вазифаси қўйилган», деб жавоб берган. Бу мунозара Улуғбек кашф этган Ой координатларини аниқлаш усуллари устида борган эди. Гибсиддин Кошиқ ҳам шу даврда ўли касрини кашф этди. Улуғбек расадхонасида қилинган буюк кашфлар кўп.

— Шунинг учун ҳам Ойдаги бир тоғ Улуғбек номига қўйилган экан-да? Қани энди, ўша тоғ, оромбахш жойларда сайр қилмасми? Гершель ҳам бекорга Ой манзарасини маътамаган бўлса керак?

— Гершелнинг тасавури янглиш.

Аслида Ой — куруқ дашту биёбон. Ой сатҳи кратерлар, даштлар, паст текисликлардан иборат. Унда биронта ҳам гиёҳ кўнармайди. Ҳаво, сув йўқ. Кундузи ҳарорат 150° иссиқ, кечаси 120° совуқ. Мен яқинда Москвадаги Халқ Ужалоғи Ютуқлари Кургазмасида бўлдим. «Луна-16» олиб келган Ой тупроғини ўз кўзин билан кўрдим. Тупроқ зарралари дона-дона, лекин бир-бирига ёпишган ҳолда. Афтидан Ой юзи шундай.

— Ойнинг юзи латофатли, кўриниши жозибадор.

— Ой ҳамма вақт олимларнинг ҳам, қолаверса, ҳамманинг ҳам эътиборини жалб этиб келган.

— Ойга мафтун бўлганлар кўп. Ленин биздан ортиқ шайдоси бўлмаса керак.

— А?!

— Биз... бизнинг олимларимиз... масалан, Беруний, Улуғбек... Улар Ойнинг жамолига боқмай ўтганлар дейсизми?

— Ундай эмас, албатта. Ой бошқа ёритувчилардан ўзининг жамоли билан фарқ қилгани тўғрисида эмас, балки ҳаётий масалаларни ечишга ёрдам бериши тўғрисида ҳам олимлар эътиборини жалб этган.

— Ҳаётий масъала, албатта, муҳим ва мураккаб. Шундай бўлса ҳам, бари бир, ҳаёт Ойсиз ўтмаслиги керак. Ой, бу — ҳаёт, ҳаёт манбаи.

— Ҳаёт манбаи, аслида, Кўёш. Жамият ҳаёти учун зарур бўлган календарь системасини яратишда Кўёш, Ой, Ер ҳолати ва ҳаракатлари муносабатини билиш лозим бўлган. Тарихда халқлар ўртасида шундай календарлар яратилган. Ер ўз ўқи атрофида 24 соатда, Ой Ер атрофида 27 кеча-кундузу 7 соат 43 минут 11,47 секундда бир марта айланиб чиқиши, Ер Кўёш атрофида бир марта айланиб чиқиши учун 365 кеча-кундузу 5 соат 48 минут 46 секунд ўтиши йил ва ой ҳисобини аниқ ҳисоблаш муаммосини келтириб чиқарган. Берунийнинг айтишича, Мовароуннаҳр ерларида Искандар Зулқарнайндан 980 йил илгари календарь системаси қўлланган. Демак, Ўзбекистон территориясида кишилар 3300 йил муқаддам Ой, Ер, Кўёш ўзаро ҳолатлари ва ҳаракатлари ҳақида маълум даражада илмий тасаввурга эга бўлганлар.

— Табиатга қойилман, Ойни мана шундай иблиб яратибди!

— Ой, йил, кеча-кундуз — бу уч ўлчовни табиатнинг ўзи берган. Уларни ўлчаш, бир-бирига муносабатини ифодалав берш — инсон зиммасига юклатилган.

— Айнисса Ой билан муносабат — бирлигим...

— Кеча-кундуз бирлиги ҳамма халқларда бир хил. Ой ва йил бирликлари эса бундай эмас.

— Бирлик бошланишга боғлиқ. Менимча, бошланиши ёмон эмас. — Йил бирлигининг бошланиши ҳар хил календарда ҳар хил бўлган. Чуночки, янги йил бир вақтлари Урта Осиёда навсори ойдан, арабларда — муҳаррамдан, Эронда — фарвардиндан, туркларда — сичқон ойдан, румликларда — январдан, мисрликларда — тотдан, магрибликларда — моваян бошланган.

— Янги йил наврўздан, баҳордан бошланган календарлар ҳам бўлганлигини биламан. Баҳор яхши нарса-да, Гуллар... — дея жилмайиб кўйди йўлдош.

— Мевалар гуллардан даврдан, яъни эски ҳисоб билан нийсон ойининг ўн тўртинчисидан йил ҳисобини бошлаш Кўёш йилини қамарий ойлари, яъни Ойнинг ҳолатига боғлиқ ойлар орқали ифодалаш қўлай бўлган.

— Ойни қандай ҳисобласалар ҳам, 29 феврални тўғрилашмади-да. Мен шу кунни туғилганман. Ленин туғилган кунимни нишонлашга ҳар йили ҳам муяссар бўлавермайман.

— Сиз кабиса йилда туғилган экансиз. Эски замонларда ҳам йилга кирмай қолган кунлар бўлган. Масалан, қадимий халқлардан қиб-тилар ҳар тўрт илда ҳамма ойга бир нундан эътиборини Бунни Август ибн Южис амалга оширган. Юлий Дақтитир эса румликларда йилни кабиса қилдирган. Мовароуннаҳрда «ортиб қолган» 5 кунни охирига ойга қўшишган.

— Шундай қилинсанки, мен туғилган кунимни ҳар йили нишонла-сам. ўз кунимда, ўз оймада!

— Календарни нуқсонсиз яратиш мумкин эмас. Бошқа нуқсонлар ҳам бор. Масалан, Ойлардаги кунлар сони ҳам, фасллардаги кунлар сони ҳам бир хил эмас; ойнинг маълум кунни ҳафтанинг маълум кунига тўғри келмайди; ойларида ва йилларида иш кунларининг сони бир хил эмас. Янги календарга ўтиш масаласи 1834 йилдан бери бир неча марта қўйилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва социал масалалар бўйича Кенгаши ҳам 1954 йилдан бошлаб бу муаммо билан шуғуллана бошлади. Умуман, Ой, Ер ва Кўёш қанча ўрганилмасин, кабиса сифатида йўлдош бўлган кун ичиники оё учун ортиқча бўлиб қолаверди.

Нечундур бу сўзлар йўлдошбойга худди ўзига қаратиб узилган охириги ўқден туюлди.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

МАЪРИФАТ ЧИРОҒБОНЛАРИ

Йўлдош Шамшаровни ҳозиргача очеркчи сифатида танир эдим. Бу жанрда у узоқ вақт қалам тебратди, эсда қоладиган образлар яратди, замондошларимиз ҳақидаги тасаввуримизни бойитди. Мана энди унинг или романи — «Чироқни» ҳам ўқидим.

Романда ер ислохоти давридаги воқеалар аниқ эътибор билан тасвирланади. Деҳқонлар ҳаётидаги бу инқилобий бурилишда Йўлдош Шамшаровнинг ўзи номсизом активисти сифатида қатнашган. Эҳтимол, романдаги беш фаоллардан бирининг прототи пи ҳам ёзувчининг ўзидир. Қурганини, билганини, бошдан ўтганини ёзиш асарни ишонарли қилади. Шу сабабдан буна керак, романда тасвирланган воқеалар китобхонда эътироз ҳам, шубҳа ҳам уйғотмайди.

Йўлдош Шамшаров китобхон олдида йигирманчи йиллар ҳаритасини ёзиб кўлди. Уш даврнинг алангали ҳаёти, синфий кураш ёлқинлари, инқилобий органлар майдонга ташлаган тадбирларнинг ҳалқ орасига тез тарқалиб оммавий кучга айланиши, натижада янги турмуш душманларнинг талвасига тушиб қолишлари, на халқдан, на ҳокимиятдан мадад оломай, ўз мавқелирини бой беришга мажбур бўлишлари билан яна бир бор танишамиз, ўша йиллар ҳақидаги тасаввуримиз кенгайди.

Йўлдош Шамшаров романда қатор оригинал образлар яратди. Биз Носир бой типига илгари ўз кўлида ҳадсиз моддий бойлик тўплаган, тиш-тирноғи билан шу бойликни сақлашга интилган, эски тартибни тиклашга уринган катта мулкдор образини кўрсак, шайх Шаҳобиддин мисолида моддий бойликни халқдан қўриқиб қолиш учун уринувчиларнинг мафкурачиларидан бири билан танишамиз. Романда булар инқиласи асл моҳиятига кўра бир хил, бироқ, ҳалқ зарби туйфали ҳаётдан кетиши керак бўлган кучлар сифатида аниқ

этирилади. Носир бой ҳам, шайх Шаҳобиддин ҳам ҳаётдан ёзувчи иродаси билан узоқлаштирилмайди. Янги турмуш тўлқини Носир бой хонадонига кириб боради, унинг тадбирларини ичидан емира бошлайди, Бойнинг ишонган кишилари — қизи Нозима, кўеви Қурбонкул янги ҳаёт қурувчилар таъсирига ўтади, ер-мулкнинг бир қисмини хатлаб бермоқчи бўлган батраги Исоқ ундан юз ўгиради, ҳатто энг содиқ ҳизматдор ҳисобланган кирғиз чўпон Бозор оқоқол ҳам бойнинг уринишлари фойдасиз эканини айтади. Бой яққалиниб қолади. Бундан кейин мол-мулкни қўлда сақлаш ҳаракатлари фойдасиз эканини тушунади. Носир бой ҳайрон: «Большавойлар сўзи кулф-занжирлик уйларга ҳам шунча тез кирса!»

Янги ҳаёт тўлқини шайх Шаҳобиддин эшон турмушини алғов-далғов қилиб юборади. Эшон тузоғига илиниб, унга ва бойларга бир умр содиқ хизмат қилиши керак бўлган нодонлар кун сайин камай боради. Шундай қилиб, «большавойлар сўзи» фақат «занжирлик» уйларигагина эмас, балки эски ҳаётнинг энг муқаддас қадамқолларига ҳам бериб өтади. Эшоннинг ҳамма ҳийла-найранглари чил-парчин бўлади. Аммо ҳали бой ва эшонларнинг тегириғини сув куйиб турувчи шахслар бор эди, Романда ана шу шахсларнинг образлари ҳам яратилган. Булардан типиклари ҳасадгўй, ўзидан ўзгандан баланд келишга қасд қиладиган, бунга эгри йўл билан эришиш одадига айланган Мирмаҳмуд, ҳаёт амри билан ҳисоблашмайдиған, ҳамма нарсани зўравонлик, пул билан битказишга ўрганган Шодмонлар дир.

Табий, романда янги ҳаёт иқоддорлари тасвирига кўпроқ ўрин берилган. Йўлдош Шамшаров талқинидан шу англашгадигани, инқилоб ва инқилобий шиорлар қуруқ сўзлардан иборат бўлмаган, балки бу гоа ва шир моддий асосга эга бўлган. Инқилоб қатор ислохотлар жорий қилди. Ер-сув ислохоти шу ўзгаришларнинг энг муҳимларидан эди. Бошқача қилиб айтганда инқилоб ер-сувини ўз эга-


сига қайтарди, меҳнаткаш омма ҳам бунгача бойини ҳисобланган ер-сув ўзиники эканини англади. Натижада инқилобнинг гоалр халқ ичида тез тарқалди. Инқилобнинг буюк инсонпарварлиги моҳиятини англаганлиги туйфали, эскича тарбия олган, мадрасаларда ўқиган Шароф домла ҳеч инқиласмасдан шўролар томонига ўтади. Бу ерда инқилобий гоалрнинг ҳақонийлигини исботлайдиған яна бир ҳақиқат бор: Шароф домла ёшлиғидан шайх Шаҳобиддин билан бирга таҳсил кўрган — бошланғич маълумотни Шаҳобиддиннинг отаси Баҳовиддиндан олган, кейин Қўқон мадрасасида ҳам бирга ўқиган, Аммо улар бошқа-бошқа кўтб кишилари бўлиб өтишди. Бунинг сабаби шундаки, Шаҳобиддин ёшлиғидан нам мулоҳаза, ўзини мумото тутишга ўрганган, ҳасадгўй бир шахс эди. Шароф эса ўйчан, ҳаётнинг яхши ва ёмон томонларини тарозига солиб, улчаб кўришга уринадиған ҳақиқатгўй, санъатга иштибоз, янгиликка интиладиган инсон. Бу уларнинг фаолиятларида яққол кўрилади. Шаҳобиддин мадрасадан келиб шайхлик қила бошлайди, Унинг ораси ҳам шу эди. Шароф эса ўқитувчиликка киришди.

Романда инқилоб яратган қаңғўйлар фақат оқ-қорани таниган Шароф домла эмас, балки оддий меҳнаткаш омма вакиллари ҳамдир. Буларнинг энг ёрқинларидан бири Карим полвон, У полвон деса дегуден дев қомати, гап-сўзларининг оҳанги, мард ва қўртнесарлиги билан китобхон кўз олдида тўла гавдаланади. Карим полвон инқилобни кучоқ оқиб қарши олган, бунга эмас, кўлида нурул билан инқилоб галабасига ўз ҳиссасини қўшган киши. «Шўро ҳукумати — мен, сен, биз, ҳаммамиз, теснари айланиб келган фалак гардишини ўз қўлимиз билан ўнг томонга ўзимиз айлантириб тузганмиз бун. Энди бу гардиш муқим айланади...», дейди у намбағаларга.

«Фалак гардишини ўнг томонга» айлантيرувчилар орасида Шароф домла, Хайрулла Муродов ва Карим полвон атофотидаги ёшлар — Муроддон, Файзулла, маърифатга интилувчи, ўлимдан ҳафотқич ўз ишини давом қилдира олган, қурултай эрининг тўғри йўлга қайтишига эришган Мавлуда каби ёшлар ҳам бор.

Шундай қилиб, романда йигирманчи йиллар бошларидаги зиддиятли ҳаётни характерлайдиған, ўз дунёқарашлари, ҳаёт ақидалари билан бир-бирларидан кескин фарқ қилдиған қатор образлар яратилгани, бу образлар сил-силаси ўша давр воқелигининг умум манзарасини аниқ этиради, давр ҳақиқатини кўз олдимизда жонли гавдалантиради. Романнинг бу хусусиятларини адабий танқидчилигимиз ҳам

*«Шарқ юлдузи» журналы, 1970 йил, 4—8-сонлар.



«Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи» номли беш жилдли катта тарихий эпопеянинг икки жилди Босмадан чиқди. Шу икки жилднинг ўзидакёқ Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ҳамда совхозлар тарихини анчагина қисми аниқ этирилган.

Мақолаларда, республикамиз қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларидаги юксалиш аниқ фактлар, ҳаётий далиллар билан кўрсатилади. С. Мамаரசулонинг биринчи китобга кирган мақоласида мелiorациянинг аҳамияти ҳақида сўз боради. А. Абдунабиев ва А. Чернов эса Сирдарё областидаги «Пахтаорол» совхозининг тарихини ҳикоя қиладилар. Шунингдек бу жилдларда Тошкент область Янгийўл районидаги «Ленинизм», Шаҳрисабз районидидаги Ленин номи, Ёғжудов районидидаги «Гулистон» ва бошқа кўпгина қолхозларнинг тарихи батафсил ва изчил баён этилган. Бу китоблар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг Қолхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти томонидан нашр этилмоқда. Бундай институти Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ветеранлари —

қолхоз оқсоқоллари ҳиммати билан Иттифоқда биринчи бўлиб ташиқ этилган эди.

Институти пухта режалар тузиб чиқди. Партия, давлат жамоат ҳодимлари, ёзувчилар, олимлар, журналистлардан иборат илмий кенгаш тузилди. Кенгашининг эллиқ олти аъзоси фаол ишга киришди. Қисқа давр ичида беш жилдли «Ўзбекистон қолхоз ва совхозлари тарихи» китобининг икки жилди, «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг тарихи, «Мирзачўли ўзлаштириш ва ривожлантириш тарихи» рисолалари ўқувчиларга тақдим этилди. Институти қишлоқ хўжалик ветеранларининг хотираларини «Абадий барҳаётлар», «Ветеранлар эсдаликлари» тўпламларида жамлаб, нашрга тайёрламоқда.

Қолхозларимиз тарихини ёритишда тўпламининг бош редактори, тарих фанлари доктори профессор М. Ваҳобов, редактор ўринбосари, биология фанлари доктори А. Дадбоев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир-аъзоси Р. Аминова каби жонқуяр олимларимизнинг хизматлари катта.

Жамоатчилик институти китоб ва рисолалари билан 1970 йили СССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасига қатнашиб олтин медаль билан тақдирланди.

Жамоатчилик институтининг ҳар бир об-ласта филиали бор. Республиканинг 102 районда 1558 кўмакчи группа ишламоқда. Уларнинг ёрдами билан тўққиз мингдан зиёд ве-

ОҚСОҚОЛЛАР ҲИММАТИ

тан олди. Танқидчи Умарали Норматов «инобий ва салбий образлар орасидаги олишувларнинг реал ва табиий» эканини, ёзувчи «...Йигирманчи йиллардаги, шунингдек, икки-юч арафасидagi ҳаёт манзарасини ҳаққоний ифодалаганини, «...ҳаёт ҳақиқатини, кескин синдий тургашларни тўғри бадиий қайда» этганини таъкидлайди. (Ўзбекистон маданияти», 1970 йил, 8 декабрь). Бу фикрларга биз ҳам қўшилишамиз. Гап орасида танқидчи роман авторига нисбатан юқоридаги ўз фикрларига эид неладиган эътирозини ҳам билдиради. У ёзади: «ёзувчи ҳодисаларга янгича ёндашиш, уларни янги томондан очишга етарли эътибор бермайди». Бу билан у нима демоқчи? Романдаги ҳодисалар бошқа бирор асарда тасвирлангану, Йўлдош Шамшаров ўшаларни тақрир-лашимкан? Еки танқидчи романдаги воқеаларни бошқа бирор асардаги воқеаларга ўхшатишимкан? Бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Чунки бу фикр назарий жиҳатдан тўғри эмас. У ёзади: «Ҳозирги ҳаётни ҳаққоний, ҳаётий (ҳаётни ҳаётни нўрсатиш қандай бўлди? — М. Қ.) нўрсатишининг ўзи ниқоф қилмай қолди». Агар санъаткор ҳаётни «ҳаққоний», «тўғри», Умаралининг сўзи билан айтганда, «ҳаётий» тасвирлаган бўлса, ёзувчи ҳам шанлан, ҳам мазмунан яхши асар ёзбиди, деган хулоса чиқади. Умарали Норматов «янгича ёндашиш», «янгилини йўқ», «эскича талқин» деган ибораларни ишлатади. Бироқ бу «янгича ёзиш», «янгича ёндашиш»лар нимадан иборат эканлигини тушутирмайди.

Албатта юқоридаги мулоҳазалардан «Чироқ» кам-қўсти йўқ асар экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Романдаги умум услуб, Умарали Норматов айтганидан лоқайд эмас, балки анчайин ваэмин, баъзи жойларда ваэминлик сюжет ривожига тўсиқ бўлади-ган даражада. Баъзи ўринларда автор керек-сиз тафсилотларга ўрин беради. Кераксиз тафсилотлар воқеа моҳияти билан таънишиш учун шошилаётган нитобхон диққатини бўлади, оқи-батда нутаётган воқеа моҳиятига бир оз соя тушади ва нитобхоннинг қизиқишини сусай-тиради. Бунинг устига, Шароф домла хара-ктери у қадар фаол эмас, унинг хислатларини бевосита хатти-ҳаранатларидан нўра бошқа-ларнинг унга бўлган муносабатидан англаб оламиз.

Бизнинг назаримизда, «Чироқ» йигирманчи йиллардаги синфий нураш манзарасини яратиб берган, ўша давр ҳалқ ҳаётини, нурашини ва ин-тилушларини акс эттирган, натта маърифий ва эстетик қимматга эга бўлган романдир.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ

теран рўйхатга олиниб, жамоатчилик ишига жалб этилди. Институтнинг филиаллари ва кў-макчи гуруппалари ёрдамида деярли ҳамма областларда қишлоқ хўжалик музейлари яра-тилди. Хоразмнинг Ҳазорасп районидagi На-рик-энов ноили колхозда ажойиб музей таш-кил этилган. Қариялар тўплаган экспонатлар яқин ўтмишимиз ва бугунги фаровон турму-шимизни акс эттиради.

Институтнинг фаолияти йил сайин кучайиб бормоқда. Утган йилнинг август ойида 296 колхоз ва 35 совхознинг тарихи ёзиб тугатилган эди. Энг илгор колхоз ва совхозларнинг тарихи кўп жилдлик китобга киритилди, баъ-зилари махсус бюуртма билан чоп этилади.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти ишига қишлоқ хўжа-лик ветеранлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Мусаму-хамедов, республикада хизмат кўрсатган агро-ном Г. П. Попов, Ленин ордени кавалери Қ. Раҳимов, Б. Усмоноҳўжаев, Ф. Йўлдошев, И. Истомин, С. Бадалбоев, С. Сатторов каби ўр-тоқлар энг фаол ёрдамчиларимиздир.

Институт жонқурлари — жамоатчи-вете-ранларимизнинг беиннат хизматларидан бе-ҳад миннатдормиз.

Т. СОДИҚОВ

Жамоатчилик институтининг илмий секретари

ЯНГИ ОРОЛЛАР

Денгизчилар суэб юр-ганларига гохо беповин океанда орол пайдо бў-либ қолганини кўриб ажабланидилар. Шундай ороллардан бири Ис-ландия яқинидадир. Сат-ҳи беш вадрат кило-метр келадиган бу орол кўкаламзорга айланган. Антарктида яқинида ҳам яна бир муңкагина орол юзага келибди. Тинч океанда эса янги-зеландиялик денгизчи-лар нўз ўнгида океан тагидан куюқ тутун бо-сан лава шаклидаги дўнглик кўтарилган.

Сув ости вулқонлари ҳаракати туфайли «ту-ғиладиған» бундай янги оролларнинг, одатда, ум-ри қисқа бўлади. Маъ-лум вақт ўтиши билан улар яна қўкиб кетади-лар.

ҲИЙЛАКОР КИТЛАР

Кутб тадиқотчиси Ро-берт Скоттнинг кунда-лик дафтарига қизиқ бир воқеа қайд этилган. Каттагина муз парчаси устига итларни тушир-ганларига қабндандир ҳайбатли китлар пайдо бўлиб, ҳайвонларга оч-кўзлик билан тикилиш-ган. Экспедиция қатнаш-чиларидан бири кема-дан муз устига сакраб тушиб, уларни суратга олмоқчи бўлганида ти-шлари йирин-йирик йирт-қич, мугомбир китлар сувага шўнгиб нетибди. Шу пайт муз қаттиқ ло-пиллабди-да, қарс ёри-либди. Устидаги одам билан итлар сувага қў-киб нетишига оз қолиб-ди. Дам ўтмай ҳалиги китлар бошларини сув-дан чиқариб одам ва и-тларнинг омон қолганла-рига ҳайрон бўлгандай баърайиб қарашбиди.

Бу сув йиртқишчлари-нинг одати шундай: шўнгиб, музини кўтариб юборадиларда, ўлжалари-ни сувага ағдардилар. Оч қолганда ҳатто ўз қавм - қариндошларини ҳам аямайдилар.

1 АПРЕЛЬ БАШОРАТЛАРИ

Америкалик ёзувчи Эдгар По 1844 йилнинг 1 апрелида «Нью-Йорксан» газетасида, Евро-падан Виржинияга одам бошқарадиган дири-жаблы учиб келди, деган ахборотни эълон қилди. Газетехонлар аввал ишониб, кейин бу-нинг одатдаги 1 апрель ҳазили эканини пай-нағач, ёзувчидан жуда газабланидилар, баъ-зилар ҳатто уни тутиб калтаклашни ҳам ният қилдилар.

80 йил ўтгач эса бу ҳазил чинга айланди: дирижаблда биринчи учувчи Атлантина усти-дан учиб ўтди.

1866 йилнинг 1 апрелида Швейцария газе-таси, Юнгфрау тоғида темир йўл қурилади.



ШИФОБАХШ
АПЕЛЬСИНЛАР

Апельсиннинг шифо-бахшлиги тропик мамла-катларнинг аҳолисига яхши маълум. Бу фанда, қитрус меваларида С ви-таминининг кўплигидан, деб изоҳлаб келинар эди. Яқинда америкалик олим Рожер Даб томони-дан ўтказилган тақри-балар шуни кўрсатдики, апельсинда С витамини-дан бошқа яна жуда қимматли моддалар ҳам бор экан. Улардаги мав-жуд кислотани антибиотин хусусиятга эга экан. Апельсин, лимон, ман-дарин, грейпфрут пўст-логидан сиқиб олинган кислота ҳар хил бакте-рияли нарсалар солин-ган шишаларга қўйил-ганда қирқ саккиз соат ичида ҳалиги бактерия-лар ҳалок бўлган. Бу кашфиётдан ҳалқ хўжа-лигида нег фойдаланиш мумкин, деб ёзади, Ар-гентинада чиқадиған «Панорама» журна-ли. Бир литр сутнинг ҳаф-талар давомида ачимас-лиги учун бир неча том-чи кислота ниқоф қила-ди. Косметика саноати-га эса бу кашфиёт жуда натта фойда келтириши мумкин.

ФОЙДАЛИ ЯИРТҚИЧ

Елим балиқ, қизил қа-рот ва майда қарасга ўхшаган хашаки балиқ-лар жуда секин ўсади, аммо овнатга ниқофда ўч бўлади. Дон балиқ комбинатига қарашли ҳовуз, кўлларда урчи-тиладиган балиқларнинг қирқ процентини шулар ташкил этар эди. Узоқ вақтгача бундай хаша-ки балиқлардан қуту-лишнинг иломи бўлма-ди.

Ниқоф чораси топи-ди. Судан балиғи кўл келди. Судан эрта туҳум қўяди, болалари ҳам эрта вояга етади, хаша-ки балиқчалар туҳумдан чиқиши ҳамон қириб еб қўяди. Балиқ урчитила-диган ҳовуз, тўғон ва кўлларда судан боқила бошланганда бери ба-лиқлар кўпайиб, икин-кикки ярим марта ортди.



НИТТИ ТОТИЛАР

Бу тотилар итдан кат-та эмас, оғирлиги 73 ки-лограмм. Улар ҳеч қан-дай хизматга ярамай-ди, уй эгасига эрман бўлиши мумкин қолос.

Бу отлар мўғул ва шотланд тотиларини ча-штириш йўли билан ҳосил қилинган.

деган хабарни босди. Редакцияга бу ҳақда са-воллар ёғила бошлади. Кейин газета, ўша ха-бар 1 апрель ҳазили эди, 3500 метр баланлик-да темир йўл қуриб бўлармиди, деб изоҳ бе-ришга мажбур бўлди.

Аммо бир неча ўн йилдан кейин Юнгфрау темир йўли ҳақиқатан ҳам қурибди. Уни кур-ган пулдорлар ўша газетанинг 1 апрель ҳа-зилидан илҳомланган эдилар.


1912 йилнинг 1 апрелида Берлин газетала-ридан бири шундай ҳазилни босиб чиқаради: Ҳиндистондан Берлинга бир неча той ҳинд чойи самолётда келтирилган эмиш...



СССР спорт мастери
М. МУҲИДИНОВ
тахрири остида

...Бир хонаси ҳасрат

Яқинда Наманганда бўлиб ўтган
қишлоқ шахматчилари республика
биринчилигида СССР спорт мас-
терлигига номзодлар Ж. Мадалиев



(Чуст) билан К Яхшибоев (Булу-
гур) ўйини беш соатлик қизгин
курашдан сўнг қуйидагича вазият
ҳасб эъди. (Диаграммага қаранг).
Юриш навбати Мадалиевдан —
оқлардан. Шахматнинг нозиклигини
қарангки, бу ерда қораларнинг
фарзинга чиқай деб қолган пив-
даси уларга ҳеч қандай устунлик
бермапти. Қора шохнинг қимир-
лай олмаслиги эса оқларга нафис
юришлар ёрдамида галабага эри-
шиш имконини беради. Бироқ...
1. Крh2—d2? Лd1—d1 2. Лa8: a2
Лd1: d4 3. Крg2—g3 (3. Лa7 бўл-
са, 3... Лg 4+4, Крh3 Л: d5 дан кейин
дуранг бўлади) 3... Лd4—d8 ва яна
бир неча юришлардан сўнг томон-
лар дурангга имзо чекдилар.

Хўш, оқлар ютиши мумкин бўл-
ган сирли йўл қандай!

64 катакдаги ҳангомалардан

Бир шахмат ишқибози ўйин би-
лан бўлиб ярим кечагача ошнас-
ниқкида ўтириб қолибди. Тоқати
тоқ бўлган мезбон ниҳоят дебди:
— Э, аттанг, дўстим, эрталаб
ишга боришим керак-да...

Меҳмон урнидан даст турибди-
да, таажжубланиб:

— Мен ҳам... Бунга қара-я, сен
меникида меҳмонсан, деб хижолат
тортиб ўтирувдим боядан бери,—
дебди.

НАЪМАТАХ



— Қўшни, тинчликми?

ЧИВИН ВА КИБЕРНЕТИКА

Фазода учиб бораётган кема-
дан ерга қарасангиз, қитъалар
кўллари ўртасида турган бир пар-
ча оролчага ўхшаб кўринади. Кур-
раимиздаги 51 миллиард гектар
майдондан қарийб 36 миллиард
гектарини океан ва денгизлар
қоплаган. Унинг фақат ўн беш
процентини қуруқликдир. Шу
қуруқликнинг 4 миллиард гектар-
дан кўпроғида ўрмонлар ўсади.

Ер куррасининг об-ҳавоси, туп-
роғининг хоссалари, жамийки
мавжудотнинг ҳаёти ана шу ўр-
монларга боғлиқ. Масалан, тай-
га — ҳаво муҳозаси. У ерда бу-
луллар пайдо бўлади. Шамол бу
булулларни иссиқ чўл ва саҳро-
ларга ҳайдаб кетади. Ўрмон во-
дийлар учун хавфли бўлган қор
буронлари ва довулларнинг ҳам
йўлини тўсади. Тез тарқаладиган
хавфли касалликлар хуруж қилган
пайтда у одамзодга ёрдамга ке-
лади. Оқ қайин ва қарағайдан аж-
релиб чиқадиган фитонцид сил ва
тумов вируслари билан жанг қи-
либ, уларни қиради.

Ўрмон ҳам ўз навбатида инсон-
нинг меҳрибон қўлига, кўмегига
муҳтож. Инсон электрон-ҳисоблаш
машиналари ёрдамида қаердаги

ўрмонга қачон ва қандай мадад
кераклигини билиб олади.

Ўрмон ўзи бир сирли олам. Ун-
га ёрдам кўрсатаман деб зарар
етказиб қўйиш ҳам мумкин. Ма-
салан, биз ҳаммамиз ўрмондаги
чивинлар зарарли, деб ўйлаймиз.
Чиндан ҳам чивинлар одамларни
қон қақшатади, безгақ, туляме-
рия, куйдирги касалликларини
тарқатади.

Хўш, чивинлар шундай зарарли
экан, инсон нега уни йўқотмайди?
Йўқотмоқда. Ҳозир шундай ким-
ёвий моддалар кашф этилганки,
улар билан чивинларни уруғига
куритиб юбориш мумкин. Лекин...
чивинсиз ўрмон ўрмон бўлмай қо-
лади. Гап шундаки, балиқлар шу
ҳашаротларнинг тухумини еб ўса-
ди, қушлар полопонларини шу
чивинлар билан боқади. Агар чи-
винлар қириб ташланса ўрмонлар-
даги кўллarda балиқлар ҳам бўл-
майди. Сайроқи қушлар ҳам ўр-
монларни тарқ этади. Балиқсиз
кўл, қушсиз ўрмоннинг кимга ке-
раги бор?

Ўрмон ахшио чивини ёмон-да.
Нима қилиш керак?

Инсонга бу соҳада яна унинг
ўзи, унинг ақл-заковати билан
яратилган кибернетика ёрдамга
келди. ТСХА кибернетика лабо-
раториясининг ходимлари озуқа
қидириб учган чивинларнинг то-
вушини ёзиб оладилар. Шу товуш
ёрдамида чивинларни бошқа то-
монга учуриб юбориш ёки махсус
бир идишга тўплаш мумкин. «Чи-
вин ҳосили»дан атир, спирт, қуш-
ларга озуқа тайёрлаш мумкин.
Одамлар ишлаётган жойга махсус
аппарат қўйилса у атрофга би-
рорта ҳам чивин яқинлашмайди.



Отарчи:— Тенинга оғзимни очмай-
ман, доктор ана.

С. СУБҲОНОВ расмлари.

Папка кўтарган кўзойнакли Садир иради. Чол-намбир жиңиллашган ошланг бўлса керак, намбирнинг авзойи бузуқ.

Садир. Ассалому алайкум, намбир ая, яхши ўтирибсизми?
Кампир. Қаёнда яхши ўтирман, директор болам, жонимдан тўйиб кетдим.

Садир. Ия, ия, тинчлими?
Кампир. Узингизни билмаганга олманг, директор болам. Эзган аризамни ўчигандирсиз ахир.

Садир. Уша аризамни ўйиб келпман-да. Ушлари қанилар?

Кампир (энаси қотиб). Ичкари уйда ётибди. Қовоғидан қор ёғди. Ҳозир бўлар-бўлмас гапларни айтиб таъбимини хира қилиб нариб кетди.

Садир. Чақиринг отахонини.
Кампир. Гаплашмапмиз. Уйини бўлан қилиб олган. Узингиз чақиринг. Бизни ақрим қилиб қўйинг. Ойимнингиза кетаман.

Садир. Оғир бўлинг, оғир бўлинг, ая, Етти невара, уч чевара кўриб ажралишасизми? Олтиш йил бирга умр қилиб энди роҳат кўрадиган пайтингизда-я! Кувёлларингиз, келинларингиз, қудаларингиз нима дейди?

Кампир. Э, ҳар нимнинг жони ўзига экан. Ҳаммаси ўз йўрини топиб кетган. Мен кўрман боламга, болам кўрм боласига. Ҳаммаси ўз бола-чақаси билан овора.

Садир (ичкари уй эшигини очиб). Эргашвой отал Ҳой, Эргашвой отал!

Эргаш (соқолини силаб чол чиқади). Э, ассалому алайкум, директор ўғлим. Аҳволларинг ахшими? Заводлар гумбирлаб ишлаб турибдими?

Садир. Завод беш йилликни бажариб қўйганига олти ой бўлган, Узингиз қалайсиз? Бардаммасиз?

Эргаш. Бардамликка-ку бардамман-а. Рўзгор нотинч. Ангралишмоқчи бўлиб турибмиз. Заводнинг обхажитидан битта хона олиб бер, кетаман.

Садир. Сизларнинг ишингиз қизиқ бўлпти-ку?

Эргаш. Неваралариникига бораё десам, бетим чидамайди. Яхшига обхажит. Битта чопонин елкамга ташлайману ҳаяю ҳайт, деб чиқаман кетаман.

Кампир. Мен индамай ўтирданманми? Мен ҳам кетаман. Ойимнингиза кетаман.

Эргаш. Ойингнинг кўзи учиб тургандир. Ойинг бу йил худо хоҳласа тўдсон олтига иради. Кўзи кўрмайди, қулоғи эшитмайди. Борганинда танийдими, йўқми!

Кампир. Танийди, нега танимас экан! Ўз боласини ҳам танимайди! Овозини эшитмас, бетинини кўрмаси ҳам ҳидимдан биллади.

Эргаш. Сенда ҳид қоптими? Аъзойи баданингдан исириқ билан пристой атир ҳиди келади.

Садир. Маида гапни қўйинглар. Узи нима гап? Жанжал нимадан чиқди?

Эргаш. Маана, айтсин.

Кампир. Айтман.

Эргаш. Айтавер, айт.

Кампир. Пенсияга чиққанга бугун роппа-роса саккиз ю етти кун бўлди, Етти ойда етмиш йиллик жонимни олди.

Эргаш. Ваҳима қилма. Точнийсини айт.

Кампир. Айтман точнийсини. Олган пулида баранга йўқ, рўзгорга етмайди.

Эргаш. Унақа дема, улт бўлади. Юз йигирма сўм пенсия ола-

ман. Ҳукумат мендан налог олмайдди. Газ текин, элентр текин, каватр ҳам текин. Трамвай, автобуслар текин. Нега пенсия етмас экан? Унақа сиёсий хато гапларни гапирма.

Кампир. Шошманг. Бир ҳисоблаб берай, юз йигирма сўмингиз нимага етаркин. Бу кишининг қўли қичиган. Қўлига нима тушса ичини навларди. Билмайман, у киши ўзларини инжинир деб ўлайдиларми?

Эргаш. Инжинир бўлмасам ҳам каттанон заводда каттанон машиналарни юргизардим.

Кампир. Барана толгур, мен гапирганда тилингизни танглайингизга босиб туринг. Программага Тамарахоним кансертти бўлади, деб эшитиб, ош дамадим, нон ёлдим, кўрпачаларни солиб ўртага ошини сузиб келдим. Кўк чой дамадим. Бу киши авжи кансерт бошлангандан вақтда телевизор ўлгурининг ичини навласа бўладими!

ди. Ошхона деворини тешиб ана-вани патхалим деган шамол берадиганини ўрнатаётган эди, кўча томон деб қўшининикига тешини очиб қўйибди. Яримта гишт тозонига тушибди. Бўлди тўполок, бўлади тўполок, Домком яна ўттиз сўм иштароф солди.

Эргаш. Ошхона ёғ ҳиди бўлмасин. деган эдим-да. Яхшиликни билмаган.

Кампир. Ҳеч ҳам ёғ ҳиди чиқмасди. Сиз қаёндан биласиз, ойда бир ошхонага кирмайсиз. Бино-Йади юриб турган девор соатни навлаштириб юрмайдиган қилиб қўйди.

Эргаш. «Канку» дейдиган қилмоқчи эдим.

Кампир. Ана, наикуси чиқиб ётибди. Холодильнини бузди.

Эргаш. Бузганим йўқ. Қақат сал гувиллайдиган бўлиб қолди, холос.

Кампир. Ҳа, гувилламай ўлсин. Бир гувиллаганда қўшнилари

Саид АҲМАД

ҚўЛИ ҚИЧИГАН ЧОЛ



Расми Т. МУҲАМЕДОВ чизган.

Эргаш. Иккинчи программа липиллаётган эди.

Кампир. Ҳеч ҳам липиллаётгани йўқ эди! Липиллагани билан ўйин тушаётганда билинмасди. Шу десангиз, бурайдиган юйига узун атерна тиқиб бундоқ қилган эди, пов этдио ўчди-қўйди. Ош ошлғиди, чой чойлғиди қолди. Энсам ютиб неварамнингиза кетдим. Боргунимча Тамарахоним кансертини тамом қипти. Эсизгина, бир ҳафта пойлаган эдим-а! Тўнқиз сўм тўлаб бир қақтадан кейин тузаттирдим.

Садир. Шунга шунчани?

Кампир. Сабр қилинг, болам. Қариганда наъма чиқариб каптар боқади. Баллонга катан қилган. Каптарлар қишда совюқтмасин, деб паравойига турба улаб маана бунақа қовурга ўрнатди. Домком билиб қилиб нўғой устани бошлаб келди-да, буздириб ташлади. Қиқ сўм иштароф тўладим. Бу ҳам ўт-

лод деб чиқади. Илгари совутарди. Энди кичга нарса қўйса қайнат-воряпти. Бунга ҳам қаноат қилмай кир машинани титчилади.

Эргаш. Совуқ солмаса ҳам кир ювадиган қилмоқчи эдим.

Кампир. Маана, ваннага кириб кўринг. Кир машина эмас, бочка бўлиб қолган. Ичига мош солиб қўйибман. Дазмолни бузди, кўл машинани бузди. Ҳаммадан ҳам даз плитани қавлаганига асло чидамайман. Нима қипти, денг, газ кувурини умивальниккача чўзиб бориб чой қайнаганда умивальникка тушадиган қипти. Шундан бери чой ҳам қайнамайди, умивальникдан ҳам сув иелмайди. Домком иелиб ҳам етмиш сўм иштароф солди, ҳам газни ўчириб кетди. Қўшниларикида оёқат пишриб юрибман. Эшин қулфини ҳам бузди.

Эргаш. Калит солганда музика чаладиган қилмоқчи эдим.

Кампир. Эшитяпсизми? Ма-

газинга чиққанымда эшини қулф-лаблайман. Калит солсам музика чаладио бенилмайди. Дастрўмол билан бандидан бойлаб қиялғиман, Уч кун бўлди телевизор тузалганига. Светной қилман, деб бир ишини нарса кўтариб келди-да, ичини бўшатиб қўйди. Бугун «Тойир-Эзра» қўйилладиган кун. Қўшниларикига чиқиб кўрамани? Ванна бузуқ, газ бузуқ, умивальник бузуқ, соат бузуқ... Соат неча, деб у қўшиндан сўрайман, чой қайнатволай, деб бу қўшинига чинаман, дазмол сўраб олтинчи наватга чинаман, кир ювиб олай, деб биринчи наватга тушаман, бетимни ювиб олай, деб иккинчи наватга тушаман. Кеча ўзига ўхшаган битта пенсионер билан, лифта қўнғироқли тугма қилмаси, деб маслаҳатлашппти. Маана аҳолим, айланай директор. Юз йигирма сўм пенсиянинг ёнига ўттиз сўм қўшиб иштароф тўлапман.

Эргаш. Уттиз сўм эмас, ўн беш сўм қўшгансан. Ваҳима.

Садир. Вой-бу, Ота, бу қана-қаси бўлди?

Эргаш. Бўлмасам нима қилай? Умр бўйи заводда ишлаганман. Техникдан жонимдан яхши кўраман. Бекор ўтираверамани? Чойхонага чиқмасам, ресторанин ёмон кўрсам, тансага қарилин қилсам, футболга бораё десам чарчоб қолсам, нима қилишим керак?

Кампир. Ҳукуматни дуо қилиб, уйда бахузур ўтиринг, яхши-яхши оёқатлар қилиб берай, еб ўтириб телевизор кўринг, десам сир нўнмайдилар. қавлаганлари қавлаган. Кетаман, ойимнингиза кетаман, жонимдан тўйдим. Невараждан ҳам юзим шувит. «Волга» радиосини бузиб қўйди. Кўйимнинг магнитофонини айланмайди-дан қилиб берганига икки ой бўлди, ючиб юрибди. Меҳмонга борсан юрагим зириллаб туради. Бирон нарсасига тегмасин, деб вилдан қимирламай ўтираман.

Садир. Бўлди. Чорасини топдим. Завод клубига молнасиз директор қилиб тайинландим.

Кампир. Вой, умрингиздан барана топинг! Агар шу гапингиз рост бўлса, битта тўн қийдираман.

Садир. Олчиқинг туни.

Эргаш. Агар шу гапингиз рост бўлса, битта белбоғ боғлатиб, бошинга дўппи кийдираман.

Садир. Қани, юринг, отахон!

Кампир. Эрталаб тўнқизда кетиб олтида келсин. Абетини қўлига тугиб бераман.

Садир. Кетдик. Чиқиб кетадилар.


Кампир (ёлғиз). Директор бўлсан чили тарбияла. Клубда кино аппаратинги бир қавлаган, пнянинангити титчиладан, радиоангити дабдала қилганда биласан боғи гапларимни! Вой ўлай, нулоқчиничи қиймай кетибди, шамоллаб қолади-я! Абетига ҳеч нарса олмабди. Ҳозир қатлама қилиб, орман-орча етиб бораман. Омон бўлгур чилим ишчилик клубдан ҳайдалмасин-да. (Юғуриб бориб дераздан пастга қарайди.) Ҳой, менга қаранг, ишдан кейин ланцалаб юрмай, дарров қайтинг. Кеч қолсангиз кўрасиз манда! Этингизини моллатиб олдинг. Сартарошга кинринг. Қайтишда иккитагина индийский чой олакелдинг. Эшитмади, гаранг, гаранг бу чол! Гаранг бўлса ҳам омон бўлсин чолингман. Озроқ хамир қориб, қатлама қилиб олиб бораё чолингма. (Ошхонага кириб кетди. Таги ўйилган тотора кўтариб чиқади.) Шўрим юрсин, хамир тоғорамнинг ҳам ўртасини тешибди. Шундоққина ўйиб опти-я!

«ФУТБОЛ» КРОССВОРДЛАРИ

Энига: 1. Жанубий Америка чемпионлари кубогининг 1962—1983 йиллардаги ғолиби. 3. 1938 йилги СССР кубоги мусобақаларининг финалчиси. 7. «Пахтакор» командасининг ўйинчиси. 8. СССР олий лигасидаги командалардан бири. 10. Франциядаги олий лига командаси. 11. Польшадаги олий лига командаси. 12. VIII жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларидаги 15-группа аъзоларидан бири. 14. Европа чемпионлари кубогининг VI ва VII чемпионатларида ғолиб чиққан команда. 15. 1966 йилда «чарм тўп» мукофотини олган Арманистон командасининг номи. 16. I жаҳон чемпионатининг ғолиби—Уругвай терма командасининг ҳужумчиси. 17. VII жаҳон чемпионатида охириги ўринларда қолган командалардан бири.

Бўйига: 2. СССР терма командасининг собиқ ярим ҳимоячиси. 3. Венгриядаги олий лига командаси. 4. Физкультурачилар коллективи учун таъсис этилган кубонинг 1962 йилги ғолиби. 5. VIII жаҳон чемпионатидаги Бразилия терма командасининг дарвозабони. 6. VIII жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларидаги 16-группа аъзоларидан бири. 9. IX жаҳон чемпионатидаги СССР терма командасининг рақибларидан бири. 13. СССР олий лигасида 1970 йили мамлакат чемпиони бўлган команда. 14. Латин Америкасидаги кучли клуб командаларидан бири.


Тузувчи **А. ОБИДЖОНОВ.**



Энига: 4. Футбол ветеранларидан бири. 7. Машқ берувчи. 8. «Сап-тос» клубининг футболчиси. 10. IX жаҳон чемпионатида иштирок этган инглиз футболчиси. 11. Уч марта жаҳон чемпиони бўлган команданинг аъзоси. 12. 1958—1962 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатида енг кўп тўп киритган футболчилардан бири. 15. Григорий Федотов клубининг аъзоси. 16. Олий лигада ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритган командалардан бирининг ўйинчиси. 18. 1940—1950 йиллардаги машҳур футболчи.

Бўйига: 1. Ўринбосар. 2. Таниқли инглиз футболчиси. 3. Олий лига командаларидан бирининг тренери. 5. «А» класс биринчи группасида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган команда. 6. Иттифоқ миқ-ёсидаги судья. 9. Бразилия терма командасининг ўйинчиси. 13. Ғарбий Германиялик арбитр. 14. Собиқ футболчи ва хоккейчи. 17. 1964 йили «Олтин тўп» мукофоти билан тақдирланган ўйинчи.

Тузувчи **А. ИБРОҲИМОВ.**



ДОНОЛАР УГИТИ

«Овқат ҳаёт учун қанчалик зарур бўлса, меҳнат ҳам саломатлик учун шунчалик керак. Меҳнат ҳаёт чироғи учун ёғ қуяди, фирр эса уни ёндиради».

«Ичиладиган биринчи қадаҳ кўпинча соғлиқ учун, иккинчиси кай-фият учун, учинчиси сурбетлик учун, тўртинчиси ақлдан озиш учун ичилади».

Бундай фикрларни қайси донишманд айтганини билмоқчи бўлсангиз, медицина фанлари кандидатлари Зикрилла Эгамбердиев ва Зарифа Эгамбердиева тўплаб, нашр эттирган «Доналар саломатлик ҳақида» деган китобни варақланг. Тўплам 1970 йилда «Медицина» нашриётида босилиб чиққан. Тўловчилар доноларнинг саломатлик ҳақидаги дурдона фикрларини турли манбалардан топиб ўзбек тилида жамоатчиликка биринчи марта китоб ҳолида тақдим этганлар.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редакцлегиа: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВ (бош рассом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Қомил ЯШИН, Муҳаммаднор УРОЗБОВ.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.**

Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресимиа: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30 уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-90; ижтимоий сийсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Восмаҳонага туширилди 12/III-71 й. Босишга рухсат этилди 13/IV-71 й. Қоғоз 70×108/8. Ҳажми 4 босма тобқ. Р 09342. Буюртма 243. Тиражи 174552. Ваҳоси 30 т. Нашр. А — 3568.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси. Тошкент.

3-СОНДА БОСИЛГАН «ВАҲОР» ЧАИНВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Наврўз. 2. Зумрад. 3. Дала. 4. Ариқ. 5. Қалдирғоч. 6. Чечак. 7. Қўналамзор. 8. Резавор. 9. Ровоч. 10. Чигит. 11. Трактор. 12. Ремонт. 13. Тут. 14. Тол. 15. Лола. 16. Ари. 17. Ирмоқ. 18. Қизғалдоқ. 19. Қир. 20. Режа. 21. Амал. 22. Лайлак. 23. Кўчат. 24. Ток. 25. Камалак. 26. Капалак. 27. Какку. 28. Уруғ. 29. Ғунча. 30. Адир. 31. Раъно. 32. Оқизок. 33. Қайроғи. 34. Ин. 35. Наботот. 36. Табнат. 37. Томир. 38. Роҳат. 39. Тарнов. 40. Варрак. 41. Кеча. 42. Алаф. 43. Фаза. 44. Омоч. 45. Чучма. 46. Аргимчоқ. 47. Қийқ. 48. Қоқиғул. 49. Лалми. 50. Иш. 51. Шижоат.

МУҚОВАЛАРДА. Биринчи бетда: Медицина фанлари доктори Назимахон Деҳқонхўжаева оила даврасида чет эл сафари таассуротларидан сўзлаб бермоқда (Журналимиздаги «Олам тан берган олима» сарлавҳали очеркни ўқинг.) Иккинчи бетда В. И. Ленин номидаги Олмалиқ металлургия комбинатида металл қуйиш. Учинчи бетда: Рассом Тельман Муҳамедовнинг Насриддин Афанди ҳақидаги «Инсоф», «Хақ, қўрқмас онасан!» «Улмаган бизнинг жонийиз», «Қилмиш-қидирмиш» латифаларига чизган расмлари. Тўртинчи бетда: Ваҳор келди.

С. БЕЗНОСОВ, А. ВАНШТЕЙН, Д. БАЛЬТЕРМАНЦ фотолари



